1959 йилда америкалик олимлар Шаркий Африканинг Олдувай дарасида енг қадимги аждодларимизнинг суяк қолдиқларини топдилар. Бу ерда одам бош суяги билан бирга майда хайвон суяклари, тўнғиз ва антилопа суяклари ва тош қуроғлар топилди. Олимлар бу мавжудодга зинжантроп деб ном беришди ва унинг яшаган даврини австралопитек билан питекантроп оралиғида деб белгилашди. Зинжантропнинг суяк тузилиши ва бош суяги кўп жихатдан питекантропга яқинлашди. Аммо зинжантроп топилган геологик қатламнинг санаси 1,5-2 миллион йил билан белгиланмоқда. Бу еса одамзоднинг меҳнат қила бошлаган илк аждоди питекантропга қадар зинжантроп бўлган, деган хулосага олиб келади.

Юқорида баён етилганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин.

1. Одамзод табиатнинг ажралмас бир бўлаги сифатида Ер тарихининг маълум бир (миокен) босқичида хайвонот олаmidан ажралиб чиқи. У жонивор фанда енг олий типдаги одамсимон маймун (дриотипек) деб аталмоқда. Дриотипекларнинг 10га яқин турлари мавжуд бўлиб, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам одамларнинг аждоди булмаган. Инсон фақат Австриядан топилган Дарвин дриопитекларидан тарқалган.
2. Аждодларимизнинг "хайвонот" олаmidан одамзод дунёсига қўйган биринчи

қадами австралопитеклар даврида содир бўлди.

3. Одамзоднинг илк аجدодлари зинжантроп ва питекантроплар тошни тошга уриб меҳнат қила бошладилар. Меҳнат одамзодни "хайвонот" олаmidан ажратди.

4. Одамзод ўзининг аждоди - синантроплар даврида оловни кашф етди ва шу туфайли аجدодларимиз гўшти оловда чала пишириб истеъмол қила бошладилар. Пиширилган гўшти истеъмол қилиш натижасида уларнинг фикрлашида ўзгариш юз берди ва одамнинг биологик жисмоний тузилишида ҳозирги замон одами томон ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлади.

5. Кроманьон одами замонасига келиб илк аجدодларимиз биологик жисмоний тузилиши ҳозирги замон одамидан фарқ қилмайдиган ҳолатга кирди. Кроманьонлар даври уруғчилик жамоасининг бошланиши, биринчи жамоачилик куртагининг туғилишидир. Бу ўзгаришларнинг барчасига инсон ўз меҳнати туфайли еришди.

Мавзу: Қадимги давр ва унинг даврлашуви. Тош ва бронза даврининг инсоният риожида тутган ўрни 4- соат

Режа:

1. Ибтидоий тўда ва ибтидоий жамоа даври ёдгорлиларини даврлаштириш.

2. Кишилиқ трихининг ибтидоий тўда даври.
3. Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий тўда даври одамларининг излари.
4. Ибтидоий уруғчилиқ жамоа тузми ва унинг давлари.
5. Мезолит даврида уруғчилик жамоалари ва уларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги излари.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент. Ўзбекистон. 1994.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак ёъқ. Шарқ. Тошкент. 1998.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. Шарқ. 1998
4. Асқаров А.А. Ўзбекистон халқлари тарихи. Тошкент.Фн. 1992.
5. Асқаров А.А. Сополлитепа. Тошкент 1993.
6. Асқаров А.А., Абдуллаев Б.А. Джаркутан. Тошкент 1989.
7. Гафуров Б.Г. Тджии. Душанбе. Ирфон. 1989.
8. Исаков А. Саразм-новий раннеземледельческий памятник Средней Азии. СА. 1986 №1.
9. Исломов У. Фарғона водийсидаги биринчи қуйи палеолит даврига оид манзилгоҳ. ОНУ. № 8. 1994.
10. Исломов У. Обишир маданияти. Тошкент . 1980.
11. хуломов Я., Исломов У., Асқаров А. Зарафшоннинг қуйи оқимида ибтидоий давр маданияти. Тошкет. 1996.
12. Сагдуллаев А.С. Заметки о ранних железном веке Средней Азии. СА 1982. №2
13. Массон В.М. Енеолит Средней Азии. Москва. 1982.
14. қосимов М.Р. Қўлбулоқ қўп қатлам палеолит манзилгоҳи. Тошкент. 1968.
15. Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки погребения неандертальца в гроте Тэшик-таш. Москва. 1949.

Ибтидоий тўда ва ибтидоий жамоа даври ёдғорликларини давллаштириш

Кишилиқ тарихининг илк босқичларига оид археологик ёдғорликларни ўрганиш натижасида ибтидоий аجدодларимизнинг меҳнат қуроллари ва уларнинг ишлаш техникасига тўда ва ибтидоий уруғчилик жамоаси даври археологик давллаштирилган. Масалан, аجدодларимиз дастлаб ўз меҳнат қуролларини тошдан ясаганликлари учун инсониятнинг илк даври «тош асри» деб аталади. Тош асри ўз навбатида қадимги тош (палеолит), ўрта тош (мезолит) ва янги тош (неолит) давлларига бўлинган. Одамзод ўз фаолиятида дехқончилик ва чорвачилиқни кашф етгач меҳнат қуроллари ва зеби-зийнатлар тайёрлашда металдан фойдалана бошлайди. Ибтидоий жамоаларнинг тош меҳнат қуроллари орасида қисман металдан (мисдан) ишланган қуроллар пайдо бўлди. Бу инсоният ҳаётида юз

берган буюк инқилобий ўзгариш еди. Шунинг учун бу давр тарихи фанга енеолит (мис-тош) даври бўлиб кирди. Кейинроқ бобокалонларимиз мисни қалайга қориштириб, янги типдаги металл хом ашёни кашф етдилар. Бу металл бронза (жез) бўлиб, ундан ясалган меҳнат қуроллари тош қуролларга нисбатан унумли еди. Ибтидоий одамлар энди меҳнат қуролларини асосан бронза (жез)дан ясай бошладилар. Бу давр ибтидоий давр тарихимизда "бронза асри" деб аталадиган бўлди. Бироқ бронза, жамоада меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришда, тошни мутлақо сиқиб чиқара олмади. Ибтидоий аجدодларимиз бронзадан ҳам унумлироқ металл - темирни кашф етдилар. Темирнинг кашф етилиши гарчи даврий жихатдан Харбий демократия вақтига тўғри келса-да, аммо темирдан ясалган меҳнат қуроллари ибтидоий бобокалонларимиз ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб ололмади. Бронза ҳозирча қурол ишлаб чиқаришда ўз мавқеини сақлаб турди. Шунинг учун ҳам бу давр археологик даврлаштиришда "илк темир даври" деб аталди. Ўзбекистон ҳудудида илк темир даври милоддан аввалги ВИИИ-ИВ асрларга тўғри келади.

Ибтидоий одамлар ҳаёти ва фаолияти, турмуш тарзи ва маданий тараққиёт жараёнини билиш осон емас. Чунки улар ҳақида ҳали ёзма маълумотлар ёёқ, у жараёнларни қайтариб ҳам бўлмайди. Бундан кишилиқ тарихининг енг қадимги лаҳзаларини билиб бўлмайди, деган ҳулоса чиқмайди, албатта. Одамзоднинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ, воқеалар ном-нишонсиз ёёқ бўлиб кетмаган. қадимги аجدодларимиздан бизгача уларнинг турар жойлари, меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, қабрлар, қоятошларга чизилган расмлар, улар яшаган қадимги маконлар етиб келганки, бу ашёвий далилларни жаҳоннинг қайси бир бўлагида сақланиб қолган этнографик материаллар билан қиёслаб, умумий тарихий манзара тикланади ва енг қадимги аجدодларимиз тарихи ҳақида тасаввурга ега буламиз.

Аждодларимиз қолган моддий маданият ёдғорлиқларини ва улардан топилган ашёвий далилларни топишда археология фани муҳим роль ўйнайди.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон инсоният оламида жуда қадимдан маданияти ривожланган, тарихи бой минтақалардан бири бўлиб, бу

17

муқаддас заминда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида илк аждодларимиз фаолиятидан гувоҳлик берувчи қимматли материаллар топиб ўрганилди ва улар ҳақида асарлар яратилди. Ўрта Осиё ҳудудлари Х1Х асрнинг охирлари ва ХХ асрнинг бошларидан археологлар еътиборини ўзига тортиб, бу ўлка тарихини ўрганиш учун илмий экспедициялар ташкил етилди. Аммо унинг қадимги тош (палеолит) даври 1938 йилдан Сурхондарё вилоятидаги мустъе даврига оид Тэшиктош ғор маконини А.П. Окладников томонидан топиб ўрганишдан бошланди. ғордан топилган бой ашёвий далиллар ва неандэртал даври

одамининг суяк қолдиқларининг топилиши Ўрта Осиё тарихининг нақадар қадимийлигини кўрсатар еди. А.П. Окладников тадқиқодотлари ("Исследование мустьерской стоянки и погребения неандэртальца в грете Тэшик-Таш, Южнўй Ўзбекистан", М., - 1949) СССР давлат мукофотиға сазовор бўлди ва Ўрта Осиё палеолитшунослик фанининг истиқболини белгилаб берди.

1950 йиллардан бошлаб Ўрта Осиёда археологик тадқиқот ишлари жонланиб кетди. Самарқанд вилоятида Омонқўтон ғори очилди (Д.Н. Лев). Миллий кадрларнинг ёш авлоди етишгач, айниқса, 1960 йиллар бошларидан археологик дала тадқиқот ишлари кенг кўламда кучайиб кетди. Тошкент вилоятида Кўлбулоқ (М.қосимов), Оби-Рахмат (Р.Сулаймонов), Палтав (Т.Омонжулов), Хўжакент (А.П. Окладников), Самарқанд вилоятида қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Хўжамазгил (Н.Тошкенбоев), Фарғона водийсида қапчига (Окладников, қосимов), Бухоро вилоятида қизил Нура (С.В. Виноградов), Навоий вилоятида Ижонд (қосимов), Тожикистонда Жарқўтон, Оғзи Кичик (В.Ранов), қирғизистонда Тоссор ва Георгиев бутори (В.Ранов) каби ёдғорликлар топиб ўрганилди. Бу ёдғорликларнинг кўпчилиги ибтидоий тўда даврининг мустье босқичига оид бўлиб, фақат Кўлбулоқ маконининг пастки қатламигина палеолитнинг ашель босқичига тегишли еди. 1958 йилда А.П. Окладников томонидан юқори палеолит даври ёдғорлиги сифатида ўрганилган Сель-Унгур ғорида (Фарғона водийси) У. Исломов 1980 йиллар бошларида қайта тадқиқот ўтказиб, ғордан қадимги тош даврининг ашель босқичига доир 5 та маданий қатламни очиб, Ўрта Осиё палеолитшунослигида буюк кашфиёт қилди.

Хозирги кунда ибтидоий тўда даврига оид ёдғорликлар ўрта Осиё худудлари доирасида қадимги тош даврининг ашель ва мустье босқичларига тегишли бўлиб, ашель босқичига оид тош қуроллар Сель-Унгур ва Кўлбулоқ маконининг қуйи қатлампидан ташқари Вахш дарёсининг қуйи терассасида, Тянь-Шанда Он-Арча дарёсининг қадимги терассасидан (қирғизистон), Жанубий қозоғистонда қоратов ёнбағирларидан, Жанубий Тожикистон қалин лёсс ётқизикларидан топилган. Ибтидоий тўда даврига тегишли ёдғорликларнинг деярли кўпчилиги унинг мустье босқичига оид бўлиб, улар хозирги кунда Ўрта Осиё худудида 80 та нуқта ташкил этади.

Ўзбекистон худудида ибтидоий тўда даври одамларининг излари Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистон худудида ибтидоий тўда даврининг зинжантропга замондош аجدодларимиз яшамаган. Ундан кейин яшаган одамзод аждоди питекантроплар бўлиб, улар бундан 1 миллион йил бурун яшаган. Унинг замондоши ҳам Ўрта Осиё худудида хозирча учрагани ёқ. Питекантроплардан кейин, яъни бундан 500-600 минг йиллар бурун яшаган одамзод аждодининг илк излари Хитойдан топилиб, уларни олимлар синантроплар деб аташди. Синантроплар топилган маконда (улар ғорларда яшаган) тошдан ишланган меҳнат қуроллари билан биргаликда қалин кул қатлами ҳам топилди. Шунингдек қалин

19 маданий қатлам ва у қатлам ичида хайвон суяклари ҳам учраган. Бу қолдиқлар синантропларнинг ғорда ўзоқ вақт (бир неча юз минг йиллар) яшаганлигидан гувоҳлик беради. Синантроплар давридан бошлаб одамзод биринчи бор олов билан танишди ва ундан ўз хаёт фаолиятидан фойдаланди. Ана шу синантропларга замондош ибтидоий одам аждодининг излари Ўрта Осиёнинг бир неча жойларидан учрайди. Бу давр одамлари хали тўда-тўда бўлиб яшаганлар. Улар табиат иқлими совиб, айрим раёнларни музликлар қоплаган, айрим регионларда еса тўхтовсиз ёмғирлар ёға бошлаган замонда яшаганлар.

Синантроплар даврида ибтидоий аждодларимиз асосан ғорларда яшади. Уларнинг кундалик тирикчилиги ёввойи дарахтларнинг мевалари, айрим ўсимликларнинг илдизлари бўлди. Улар биргалашиб йирик хайвонларни ов қилганлар. Бироқ ов ўлжаси хисобига кун кечириш синантроп замондошлар учун жуда оғир кечган. Шунинг учун бўлса керак улар қурт-қумурсқа ва майда кемирувчи жониворларни ҳам истеъмол қилишга мажбур бўлганлар.

Бу давр одамларининг меҳнат қуроллари асосан тошдан, йирик ов хайвонларининг суяк ва шохларидан ҳамда қаттиқ дарахт шохларидан ясалган. Афсуски, замонанинг зайли билан бизгача бу қуроллардан фақат тошдан ишланганларигина етиб келган. Бу тош қуроллар археолог олимлар томонидан кенг ўрганилган ва улар биринчи бор топилган макон номи билан ашель қуроллари деб аталган. Ашель типига қуроллар дастлаб Франциядан топилди. Улар ясси тухумсимон қилиб ишланган, учи учли, найзасимон, қарама-қарши томон еса ёъғонроқ, тухумсимон бўлиб, олимлар бу қуролга кул болтаси ёки кул чўқмори деб ном беришди. Ана шу қурол ёрдамида ибтидоий аждодларимиз йирик хайвонларга қарши ов қилганлар, ўсимлик илдизларини қавлаб ейиш учун бирор нарса тайёрлаганлар, ўлжа хайвон гўштини майдалаганлар ва терисини шилганлар, дарахт шохларини кесиб, улардан қуроллар ясаганлар.

Археолог ва геологларнинг хисобига кўра, ашель даври бундан бир миллион йил бурун бошланиб, милоддан 200-100 мингчи йилларгача давом етган. Бу давр табиий-жуғрофий мухити Ўрта Осиё шароитида, геологларнинг хисобига кўра, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ, ёғингарчилик кам бўлган антисиклон иқлим тартиби қарор топган даврга тўғри келади. Ана шу шароитда Ўрта Осиёнинг ҳозирги чўл ва даштлари ландшафт расмийлашган ҳамда шу ландшафтта хос хайвонот олами ва ўсимликлар дунёси шаклланди. Ашель даврининг охири босқичига келиб ҳаво кэскин совийди. Оврупонинг шимолий минтақаларини музликлар қоплайди. Ўрта Осиёда еса, асосан, унинг тоғли зоналарида музликлар ҳосил бўлиб, дарёлар оқимида ўзгаришлар юз беради ва янги-янги дарёларнинг шаклланишига олиб келади. Ўрта Осиё музликлари воҳа характерида бўлиб, улар асосан, тоғли вилоятлар доирасида таркиб топади. Ўрта Осиёнинг паст текисликларида еса ёмғирлар узлуксиз ёғиб, ҳавонинг гоҳ совуши, гоҳ илиши кузатилади ва улар билан боғлиқ, холда ўсимликлар дунёси оиласида ҳам

ўзгаришлар юз беради - қалин ўрмонлар ўрнини чўл минтақасига хос ўсимликлар егаллайди.

Ўрта Осиё иқлим шароитида руй берган бу ўзгаришлар минтақанинг айрим раёнларида илк аجدодларимизнинг макон топишига имкон беради. Ўрта Осиёда яшаган илк аждодларимизнинг манзилгоҳлари Фарғона водийсининг Сух раёнидаги Селунгур ғоридан ва Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри яқинидаги Кўлбулоқ маконидан топиб ўрганилди.

Селунгур ғори кўхна тарихимиз учун бенихоят муҳим ёдгорлик. Бу макондан аждодларимизнинг суяк қолдиқлари ҳам топилди. Антрополог олимлар Селунгур одами қолдиқарининг синантропларга замондош эканлигини айтмоқдалар. Аммо Селунгурнинг асосий тадқиқотчиси У.Исломов еса ғор материалларини қайтадан ўрганиб, уларнинг ёши бир миллион йил атрофида бўлиши керак деган хулосага келди. Селунгур одамининг қолдиқлари Фарғона водийсидан топилгани учун унга "Фаргонтроп", яъни "Фарғона одами" деган шартли ном бериш таклиф қилинмоқда. Селунгурдаги илмий изланишлар ва у ердан топилган қадимги одам суяк қолдиқлари Ер юзида одамнинг пайдо бўлиш муаммоси ечимига қўшилган улкан хисса бўлиб, эндилика Ўрта Осиё худуди одамзод илк бор пайдо бўлган минтақа қаторига киради.

Ашель даврининг сўнгги босқичида, тахминан бундан 200 минг йиллар бурун қадимги аждодларимиз Кўлбулоқ яқинида ўзларига қароргоҳ топганлар. Кўлбулоқ қароргоҳи Ангрен шаҳридан 10-12 км ғарбда бўлиб, шу ном билан аталган булоқ суви ёқасида жойлашган. Ушбу маконда бир неча юз минг йиллар давомида ибтидоий аждодларимиз яшаганлар. Кўлбулоқ манзилгоҳи 1962 йилда топилди ва 1963 йилдан бошлаб бу ерда ўзбек археологи М.Р. қосимов изланишлар олиб борди. Ёдгорликни қазиш жараёнида унинг қадимги тош даврининг деярли барча босқичларига (ашель, мустье, юқори палеолит) тегишли эканлиги исботланди. Кўлбулоққа одам қолдиқлари топилмаган, аммо тош қуроллар ва хайвон суяклари бехисоб. М.Р. қосимовнинг фикрига кўра, Кўлбулоқнинг қуйи қатлами ашель даврининг сўнгги босқичига тегишлидир. Ушбу ёдгорлик бутун Ўрта Осиё қадимги тош (палеолит) даври ёдгорликлари учун археологик даврий тизим берди. Юқорида баён етилган далилларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин.

Ўрта Осиё, жумладан, Фарғона водийси ўзининг табиий - иқлим шароити ва экологик имкониятларига кўра ибтидоий тўда даврининг Ўрта босқичи - ашель давридан бошлаб энг қадимги аждодларимизнинг еътиборини ўзига тортган ва бу минтақадаги Селунгур ғорида синантропларнинг замондошлари илк бор макон топган. Бу макондан одам суяк қолдиқлари топилди. Бу воқеа Ўрта Осиёни одамнинг пайдо бўлиш минтақлари тизимига киритди.

Селунгур топилмаси жуда ёмон сақланган. Аммо академик В.П. Алексеев ва профессор Т.К. Хужаевлар фикрига кўра, бу ердан топилган одам бош суяги

қопқоғининг морфологик тузилиши унинг жуда қадимий ва ғордан топилган боиқа ашёвий далиллар билан замондош еканлигани инкор етмайди. Ушбу топилма ўз ахамияти билан Ўрта Осиё ҳамда Ўрта Шарқ минтақсида тенгсиз кашфиёт хисобланади. Шунинг учун ўзбек археологлари ва антропологлари уни "Фергантроп", яъни "Фарғона одами" деб атамоқдалар. У одамнинг пайдо бўлиши шажарасида питекантроп билан неандэртал одамлари оралиғидаги бўғинни тўлдиради.

Ибтидоий тўда даврининг сўнгги босқичи археология фани даврий тизимида мустье даврига тўғри келади. Бу даврда яшаган аجدодларимиз еса одамнинг пайдо бўлиш шажарасида неандэртал одами номи билан фанга кирган. Неандэрталлар даврида ибтидоий аجدодларимиз Ер юзининг қатор минтақаларини ўзлаштирдилар. Неандэрталлар яшаган замонни археолог ва геолог олимлар бундан олдинги 100-40 минг йиллар билан белгилайдилар. Ана шу 60 минг йил давомида неандэрталларнинг биологик-жисмоний тузилишида кэскин ўзгаришлар юз берди. Агар бундан 100 минг йил бурунги неандэрталларни тасаввур етадиган бўлсак, улар хали паст буйли, пешонасининг олди бўртиб чиқмаган, қош ости кабариги баланд, пастги жағи деярли ёъқ, икки озиқ тиши бўртиб чиққан, қўл панжалари калта ва юғон, болдир суяклари бир оз егри бўлганлиги учун роса тик туриб юра олмаган. Бундан 40 минг йил бурун яшаган неандэрталлар еса кўп жихатдан деярли хозирги замон одамларига яқин бўлган . Уларнинг орасида баланд бўйликлари учрайди. Пешоналари ва пастки жағи шаклланган. Икки озиқ тишлари бошқа тишлардан ажралиб турса-да, ташқарига бўртиб чиқаган. Оёқлари тик ва бели тўғри.

Неандэрталларнинг биологик тузилишидаги бу кэскин ўзгаришлар, албатта, уларнинг пиширилган гўштни кўпроқ истеъмол қилишга ўтганлигининг натижасидир.

Ўрта Осиёда неандэрталлар даврига оид биринчи ёдгорлик 1938 йилда А.П. Окладников томонидан Бойсун тоғининг Тэшиктош деб аталган ғорида топиб ўрганилди. хозирги кунда неандэртал замондошлари яшаган маконлар Ўрта Осиёда 50 дан ортиқ жойда топилган. Ўзбекистонда улар Тошкент вилоятининг Обирахмат, Хўжакент, Палтов номли унгур ва ғорларида, Кўбулоқ деб аталган қадимги булоқ ёқасида, Самарқанд вилоятининг қутирбулоқ, Зирабулоқ, Хужаманзил деб номланган булоқ ёқаларида, Бухоро вилоятидаги қизил Нурада, Самарқанддан Китобга олиб борувчи Тахтакарача довонида жойлашган Омонқўтон ғорида, Навоий вилоятидаги Учтутда топиб ўрганилди. Мустье даври ёдгорликлари кўшни Тожикистонда (қорабура, Жаркутон) ва қозоғистонда (Тоссар ва Георгий дунглиги) ҳам кўплаб топилган.

Бу ёдгорликларда ўтгазилган археологик қазилмалар вақтида ўша замон одамларининг тошдан ишланган меҳнат қуроллари (қўл чўқмор, хайвон терисини шилишда ишлатиладиган тош "пичоқлар", тош учурук ва тош ўзаклар) (нуклеус)

кўплаб топилган. қазилма жараёнида ҳар хил ҳайвонларнинг суяк парчалари ва шохлари ҳам учраган. Олимлар ана шу топилмаларни ўрганиб, неандэрталга замондош аجدодларимизнинг овчилик билан, биринчи галда йирик ҳайвон ови билан шуғулланганликлари ҳақидаги хулосага келганлар. Неандэрталларнинг кундалик ҳаёти жуда оғир кечган. Чунки улар ҳали табиат кучлари олдида жуда ожиз бўлиб, кундалик ҳаёт кечириш ёълида йиртқич ҳайвонлар билан табиатнинг изғирин совуқ иқлими билан доимо кураш олиб боришларига тўғри келган. Аждодларимиз ҳали ёввойи ҳайвонлардек гала - гала бўлиб яшаганлар, жамоатчилик куртаги бу даврда шаклланмаган. Никоҳ тизимида тартибсизликлар ҳукмрон бўлган, йирик ҳайвонларни ов қилиш ҳар доим ҳам муваффақиятли бўлавермаган. Неандэрталлар ҳали тез югирувчи кичик ҳайвонларни ов қилишга одатланмаганлар. Чунки бу замонда узоқдаги тезкор ҳайвонларни нишонга оловчи қуроллар кашф етилмаган. ҳатто дарё ва кўллардаги балиқларни тутиш учун зарур тош найза ва тош қармоқлар ҳам ёъқ еди. Ана шундай оғир ҳаёт кечирган аждодларимиз одатда яшаш учун ягона чора йирик ҳайвонларга кўпчилик бўлиб ҳужум (ов) қилиш ва ёввойи дарахтларнинг меваларини ҳамда айрим ўсимликларнинг илдизларини қавлаб истеъмол қилишдан иборат еди.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекситонда топилган мустъе даври ёдгорликлари орасида Тэшиктош ғори алоҳида аҳамият касб етади. Тэшиктошда ўтқазилган археологик қазилмалар вақтида кўпгина археологик ашёвий далиллар билан биргаликда ғор деворининг остидан 9 яшар боланинг мозори топилди. Бола скелети чуқурча қазилиб, ўнга чалқанчасига ётқазилган. Бола мозорининг атрофи ҳайвон шохлари билан ўралган. Шохларнинг деярли ҳаммаси ўша замонда Бойсун тоғи дараларида яшаган тоғ кўчқори ва Бухоро буғуси шохлари бўлиб чиқи. ғорда қалин кул қатлами бор. Кул қатлами орасида ва ғордаги маданий қатламда турли ҳайвон суяқларининг парчалари учрайди.

Юқорида еслаб ўтилганидек неандэртал одамларнинг асосий машғулоти ҳайвон ови бўлган. Ов тэшиктошликлар ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун бўлса керак тэшиктошликлар ўз болаларининг мозорини ўзлари учун муқаддас бўлган (одатда қадимги аждодларимиз ҳаёт манбаи бўлиб хизмат қилган ҳайвонларни муқаддас ҳисоблаб, уларга ёътиқод қилганлар, кейинроқ уруғ жамоалари тотемларининг шаклланишининг асосида ҳам ана шу ёътиқод қилган ҳайвонлар турган) ҳайвон шохлари билан ўраб, "нариги" дунёга кузатганлар. Бу факт неандэрталлар замонасида аста-секин диний тасаввурларнинг қандайдир элементлари пайдо бўлаётганлигидан далолат беради. А.П. Окладников Тэшиктош ғоридан топилган материалларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида ушбу ёдғорликнинг ёшини аниқлади ва унинг мустъе даврининг илк босқичига тегишли еканлигини исботлади.

Тэшиктош ғоридан топилган 9 яшар неандэртал боланинг мозори жаҳон тарихи ва биология фанларида буюк кашфиёт бўлди. Чунки жаҳон олимлари

орасида яқин кунларгача ҳам одамнинг пайдо бўлиш илмий назарияси атрофида тортишувлар давом етиб келарди. Айнқса, Гитлер фашизмнинг мафкурачилари одамзодни олий ва паст ирқларга бўлиб, олий ирқ вакиллари паст ирқ вакиллари устидан доимо хукмрон бўлмоқликлари керак бу тарих тақазоси, деган реаксион ирқчилик ғоясини олга сурган едилар. Аслида кишилик тарихида учта ирқ бор – овруполик, негр ва муғул ирқлари. Улар Ер куррасининг хар хил минтақаларида бир вақтда пайдо бўлган . Уларнинг биронтаси ҳам ўзининг олий ирққа мансублигини исботлай олмайди. Бу тарихий ҳақиқат.

Фашистлар Германиясининг мафкурачилари Гитлер ҳокимият тепасига келгач, унинг ёвуз босқинчилик ташқи сиёсатини асослаш мақсадида немисларни олий ирқ, улар арийлар авлодидан деб эълон қилдилар. Уларнинг таълимотига кўра Германияда топилган неандэрталларнинг авлодлари аллақачонлар қирилиб кетган ёки Германиядан чиқиб, бошқа юртларга кетиб қолган. ҳозирги немисларнинг, Гитлер замондошларининг аждодлари еса неандэрталлар емас, балки арийлардир. Арийлар қачонлардир Ўрта Осиёдан шимоли-ғарбга юриш қилиб, ғарбий Оврупонинг катта қисмида жойлашиб олганлар. Ана шу арийлар немисларнинг авлоди емиш. 1938 йилда А.П. Окладниковнинг Тэшиктошда қилган кашфиёти фашист мафкучиларининг бу давосини чиппакка чиқарди. Барча миллат ва елатларнинг ўз бошидан қачонлардир одамзоднинг неандэрталлар босқичини босиб ўтганлиги яна бир бор исботланди.

1П-БОБ. Ибтидоий уруғчилик жамоа тузуми ва унинг даврлари. Ўзбекистонда юқори жамият даври ва бу даврнинг асосий хусусиятлари.

Уруғчилик жамоалари даврининг илк босқичи археолог даврий система юқори жамият даврига тўғри келади. Бу давр ёдгорликлари нафақат Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда ҳам нисбатан кам танилган.

Юқори палеолит даврининг биринчи классик ёдгорлиги 1939 йилда геолог Н.Г.Харламов томонидан Самарқанд шаҳридан ўтган қадимги Сиёбча сойи ёқасидан топилди. Бу маконда узоқ йиллар Самарқанд Давлат Университетининг досенти Д.И.Лев ва профессор М.Жўрақуловлар илмий изланиш олиб бориб, жуда бой археологик ашёвий далиллар, хайвон суяқларининг қолдиқари ва одам скелетига доир материаллар топдилар. Маконни қазиш вақтида ундан чайласимон кулба излари ва унинг марказидан кул қатлами билан ўчоқ қолдиғи қазиб олинди. Кейинроқ Н.Тошкенбоев ва У.Алимовлар Сиёбча сойининг хар хил нуқталарида шу даврга оид яна бир неча маконлар борлигини аниқладилар. Археолог М.Р. қосимов Кўлбулоқ (Тошкент вилояти) манзилгоҳининг юқори қатламлари шу даврга оид еканлигини исботлаб, археологик қазишмалар вақтида кўпгина материаллар йиғди.

Ҳозирги кунда агар Ўрта Осиё миқёсида оладиган бўлсак палеолит даврига оид 30 дан ортиқ ёдгорликлар топиб ўрганилган. Ана шу ёдгорликларни бизгача қолдирган қадимги аждодларимизнинг меҳнат қуроллари асосан чакмоқтошдан

ясалган бўлиб, бу ёдгорликдан ҳам биринчи бор тош найза, санчиқ каби ов куроллари хужаликда кенг ишлатилгани халқида тасаввур хосил қилиш мумкин. Агар қўлбулоқликлар хўжалигида хайвон ови асосий ролни ўйнаган бўлса, Самарқанд маконининг уруғ жамоаси хайвон ови билан бир қаторда балиқ ови билан ҳам шуғулланганлар.

Жахон дини ютуқларига асосланган тадқиқотларга кўра бу давр бундан 35-40 минг йиллар олдин бошланиб, милoddан аввалги ХП-Х1 минг йилликкача давом етган. Юқори полеолит даврида ибтидоий тўда даврининг вайроналарида куртак ота бошлаган кишилиқ жамиятининг дастлабки бўғини - ибтидоий жамоа таркиб топди.

Ибтидоий тўдадан ибтидоий жамоага ўтишда тошдан меҳнат куроллари ясаш техникасида, ибтидоий хўжалиқ шаклларида, ибтидоий одамнинг турмуш тарзида, уларнинг ибтидоий муносабатларида, дунёкрашида, хатто одамнинг жисмоний тузилишида ҳам кэскин ўзгаришлар юз берди. Масалан, бу давр одамида росмана пешона ва пастки жағ шаклланди. қош ости бўртиғи ёўқолди. Бу давр одамларининг суяклари неандэрталларники сингари йирик емас, оёқ, қўл харакатларида чаққонлиқ сезилади. Хуллас, хозирги замон одамларининг жисмоний хусусиятлари уларда тўлиқ ўз аксини топган. Олимлар бу давр одамига Хомо сапинс (ақлли, онгли одам) деб ном бердилар. Антрополог олимларнинг илмий кузатувида кўра кейинги 35-40 минг йиллар давомида одамзоднинг биологик жисмоний тузилишида сезиларли ўзгариш бўлмаган.

Юқори палеолит даврининг енг муҳим сифат ўзгариши - бу ибтидоий жамоанинг шаклланиши еди. Матриархат деб номланган кишилиқ тарихининг юқори палеолит босқичига келганда бирданига вужудга келиб қолмади. Ибтидоий одамлар бу босқичга жуда секинлиқ билан бир неча юз минг йиллар давомида кириб келди. Унинг айрим, киши билмас куртаклари ашель даврининг охири ва мустье даврида намоён бўлди. Айниқса мустье даврининг охирги босқичида инсон фаолиятидаги бу иқилобий ўзгаришлар кўзга ташлана борди ва юқори палеолит даврига келганда узоқ муддатли еволюсион ўзгаришлар ўзининг инқлобий босқичига кириб келди, яъни миқдордан сифатга ўтди. Оналар уруғининг бир-бирлари билан қон-қариндошлиқ иплари бир бўлган, келиб чиқиши жихатдан бир уруғдан таркаган одамлар гуруҳи ташкил топди. Шунинг учун бу даврда никоҳ, бобига гуруҳий никоҳ тизими хукмронлиқ қилди. Гуруҳий никоҳ одатига кўра ота номаълум қолади. қон-қариндошлиқ она уруғи доирасида расмийлашади. Бу уруғнинг еркаклари иккинчи уруғнинг аёллари билан жинсий алоқада бўлади. Дастлаб туғилган боланинг отаси кимлигини ҳам билиш қийин бўлди. Чунки жинсий алоқа кунларида дастлаб аёл ва еркаклар ўз шерикларини танламаганлар. Аниқ шерик билан алоқа қилиш ҳуқуқи аёллар ихтиёрида еди. Гуруҳий никоҳ, тизими хукмронлиқ қилган даврда аёллар ўзлари учун аниқ шерик танлаб олгунича бир неча ўн минг йиллар ўтди. Хар қалай юқори палеолит давридаги

гурухий никох, қонун-қоидаларининг дастлабки босқичига хос анъаналарга амал қилинган.

Юқори палеолит ҳозирги замон типдаги одамнинг шаклланиши бир вақтнинг ўзида оврупа, негр ва муғил башара ирқларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, одамлар орасидаги ирқий тафовут - бу инсон ҳаёти ва унинг табиат сирларини билиб олиш қобилияти билан боғлиқ бўлмаган иккинчи даражали ташқи кўриниш белгиларидир. Улар бир-бирларидан фақат терисининг ранги, соч ва кўзларининг шакли ва ранги, мускулларининг узун - калталиги, бош суякларининг шакли ва бошқа белгилари билан фарқ қилади. Уларнинг барчаси учун питекантроп, синантроп ва неандэртал тараққиёт босқичларини ўтиш жоиз бўлган ва одамзоднинг Хомо сапинс босқичини уч ирқнинг ҳар бири бир даврда босиб ўтган. Оврупа ирқи одамлари фанда кроманьон одами номи билан юритилади. Бу тип асосан Оврупада яшаган. Кроманьон одами баланд бўйли, қоматли, бош суяги ва юзи узунчоқ, терисининг ранги оқ, кўзлари кўк сочлари сариқ бўлиб, Оврупанинг мавжуд табиий шароити бу типнинг ана шундай аломатлар билан шаклланишини таъминлаган.

Негр ирқи одамларнинг бўйи кроманьонлардан пастроқ бўлиб, елкаси кенг, болдир суяги узунроқ, тишлари олдида бўртиб чиққан, пастки жағи унча ривожланмаган. Сочлари жингалак қизғиш қора рангда, лаби юғон бўлган. Бу тип аجدодлари асосан Африкада тарқалган. Уларнинг айрим вакиллари юқори палеолитнинг сўнгги босқичида Европанинг баъзи бир пунктларида учрайди. Олимлар бу ҳолатга баҳо бериб, Африка аҳолисининг айрим вакиллари Италия орқали Оврупага, ҳатто Украинага қадар кириб келганлигини қайд қиладилар. Олимлар улар сочларининг жингалак териларининг қизғиш қора, лабларининг ва юқори жағ тишларининг олдинга бўртиб чиқишини Африканинг иссиғи билан боғлайдилар.

Муғил ирқи асосан Шимолий, Марказий ва Шарқий Осиё учун характерлидир. Бу ирқ вакиллари Красноярскдаги Афантова Горада, Шимолий ва Жанубий Хитойда топилган. Муғил ирқининг шаклланишида Осиёнинг бетўхтов есиб турувчи изғирин қуруқ совуқ шамоли, Марказий Осиё даштлари ва Якутия раёнларидаги узоқ муддатли оппоқ қорлар, умуман, бу минтақанинг табиий-жуғрофий шароити асосий ролни ўйнаган. Муғил ирқи вакиллари паст бўйли, бош суяги думалоқ бўлган. Улар юзларининг кенг ва қисқа бўлишида Марказий Осиёнинг кучли изғирин шамоли ва узоқ муддатли оппоқ қор қопламасига тушган қуёш нурларининг акси сабаб бўлган.

Ибтидоий жамоа ҳўжалигининг ривожланишида меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш ва улардан ҳўжалик юритишда фойдаланиш алҳида аҳамият касб етди. Меҳнат қуроллари яшашда аввалгидек чакмоқтош, абсидиан ва базальт каби тошлар асосий хом ашё бўлиб қолаверди. Бу соҳадаги асосий ўзгариш тошдан меҳнат қуроллари яшаш техникасида содир бўлди. Масалан, мустъе давридаги

дисксимон тош ядро (асос, неклеус) ўрнида узоқроқ шаклдаги ядро пайдо бўлди. Бундай янги шаклнинг пайдо бўлиши янги типдаги меҳнат қуроллари ва уларнинг ишлаш техникасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ еди. Енди тошдан учирма усули билан емас, балки ёъниш техникаси ёрдамида кэскир қиррали узунчоқ тош парчалари (призма шаклидаги отқеп) олиниб, улардан "пичоқ" ва "қирғич" сифат (кесувчи ва шилувчи) меҳнат қуроллари ясаладиган бўлди. Тош қуролларининг тури ва вазифа доираси кенгайди, чакмоқ тошдан хар хил кесувчи, араловчи, шилувчи, тешувчи меҳнат қуроллари ясаладиган бўлди.

Юқори палеолитнинг сўнгги босқичида тош қуроллари орасида чакмоқ тошдан ясалган найза учлари, суяклардан ясалган кўп тишли қармоқ (гарпун) лар пайдо бўлди. Бу қуролларнинг вужудга келиши ибтидоий жамоа аъзолари хўжалигида балиқ овининг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Тош қуроллар ёрдамида хайвонларнинг шох ва суякларидан меҳнат қуролари яшаш жорий етилди. Суяк билан ишлаш жараёнида биринчи бор тасвирий санъат намуналарини яшаш кашф етилди. Суякдан турли тақинчоқар яшаш, суяк устига турли расмлар солиш ва нихоят суякдан жамоанинг бошлиғи, жамоанинг енг нуфузли аъзоси бўлган оналарни шққийлаштиришга қаратилган хайкалчаларни яшаш одат тусига кирди. қадимги рассом ва хайкалтарошлар биринчи навбатда хомиладор аёллар расмини чизди ва хайкалчасини ясади. Ёирик хайвонлар расмини чизиб, уларга уюштирилган ов манзарасини тасвирладилар. Шундай қилиб, юқори палеолит даврида ибтидоий тасвирий ва амалий санъат пайдо бўлди. Бу давр хўжалигида овчилик биринчи навбатда ёирик хайвонларга ов қилиш алоҳида касб етган. Меҳнат қуроллари орасида ўткир, учли найзанинг кашф етилиши овдан келадиган кундалик тирикчилик даромадининг кэскин даражада кўпайишига олиб келди. Ибтидоий овчиликка аввалгидек ёирик хайвонларни тик жарликларга ағдариш ёки махсус чуқурликлар қазиб, улар устига енгил шох шаббалар ташлаб, хайвонларни чуқурларга хайдаш усули кенг қўлланилган. хайвонларга чуқоқ, найза, санчик отиш ёъли билан уларни қўлга киритганлар.

Балиқ ови хали хўжаликда асосий ролни ўйнамаса - да, бу соҳанинг кашф етилиши ибтидоий хўжалик учун катта аҳамият касб етар еди. Овчилик билан бир каторда термачилик ўзининг янгидан-янги имкониятларини бера бошлади. Айниқса музликлардан олис жанубий минтақаларда хусусан Ўрта Осиёда унинг роли катта еди. Одамлар биринчи бор ёввойи бошоқли ўсимликлардан фойдаланиш юлларини топдилар.

Юқори палеолит даврининг яна бир хусусияти шуки, бу давр ибтидоий бобокалонларимиз ўзларига яшаш учун доимий кулбалар қуришни кашф етдилар. Юқорида еслатиб ўтилган қароргоҳларда яна шундай кулбаларнинг қолдиқлари учратилган ва уларни яшашда кўпроқ ёирик хайвонлар суякларидан фойдаланилган.

Юқори палеолит даврига хос жараён Ўрта Осиё минтақаси, жумладан

Ўзбекистон ҳудуди учун ҳам характерлидир.

Мезолит даврида уруғчилик жамоалари ва уларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги излари.

қадимги тош даврини деярли ўз ичига олган улуғ музликлар (Гюнк, Миндель, Рие, Вюрм) Палеолит тамом бўлиши билан ерий бошлайди. Иқлим иссиқлаша борди, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси аста-секин ҳозирги замон ҳайвонлари ва ўсимликлари қиёфасига кира бошлади. Табиатдаги, ҳайвонот дунёсидаги бу буюк ўзгаришлар билан бирга янги давр - мезолит бошланди. Мезолит сўзи юнонча бўлиб, "мезос" - ўрта, "литос" - тош, яъни ўрта тош даври деган маънони англатади. Бу давр кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, бундан 11-10 минг йиллар олдин бошланиб, милoddан аввалги 6 минг йилликнинг бошларигача давом етган.

Музликнинг тугаши билан жуда кўп раёнларда катта ва кичик кўллар, ботқоқликлар пайдо бўлди. Жанубий раёнларда аста-секин кенг япроқли дарахт ўрмонлари вужудга келди. Ўрта Осиё, қозоғистон ва Жанубий Сибирь раёнларида ҳайвонларида ҳайвонлар учун яхши ўт-хашак берувчи яйлов-чўл зонаси вужудга келди. Бу зонанинг ўша вақтдаги табиий иқлими шароити ҳозиргидан жуда кам фарқ қилар еди.

Улуғ музликлар туфайли бир замонлар шимолдан жанубга келиб қолган шимол ҳайвонлари - шохдор буғулар, енди жанубдан шимол томонларга кўчиб ўта бошладилар.

Мезолит бошларида қадимги йирик ҳайвонлар ўрнини енди янги табиий шароитга мослашган ҳайвонот дунёси егаллади. Ўрмонларда Бухоро буғулари, лось, айиқ, тўнғиз каби ҳайвонлар, чўл зоналарида еса сайғоқ, қулон, от, хўкизлар яшар еди. Мезолит даври одамларининг ҳаётида овчилик ҳали ўзининг кучли мавқеига ега еди. Хўжаликларда фақат йирик ҳайвонларни ҳам ов қилиш имконияти туғилди. Бу имконият мезолит даври одамларининг ҳаётида ўқ-ёйнинг кашф етилиши билан боғлиқ еди. Ибтидоий одам томонидан ўқ-ёйдан фойдаланишга ўтиш - бу кишилиқ жамиятидаги буюк бурилиш еди. Ўқ-ёй инсоннинг кундалиқ ҳаётида бир неча юз минг йиллар давомида ҳукмронлик қилиб келаётган йирик ҳайвонларни тик жарларга ҳайдаш, уларни ўраб олиб тутиш овчилигига барҳам берди. Овчилар олдида йирик ҳайвонни тутишда юз берадиган кўрқинч, ўлим ҳавфи деярли барҳам берилди. Енди ўқ-ёйнинг кашф етилиши билан мезолит одамлари овчиликнинг янги усулларини ўйлаб чиқдилар. Ов жараёни кўпчилик томонидан йирик ҳайвонларни тутишга қаратилмай, майда ҳайвонларни тутишга мослаштирилди. Ов қилиш ибтидоий кишиларнинг ҳаёт манбаига айланди. Овдан келадиган даромад кўпайди, у билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш қуроллари ҳам такомиллашиб борди. Оқибатда хўжаликнинг янги

шакллари пайдо бўлди. Масалан, баъзи бир қулай шароитга ега бўлган раёнларда овчиликдан келадиган махсулот кэскин даражада кўпайгани туфайли одамлар энди ов вақтида қўлга тирик туширган хайвон болаларини ўзларига ўргатиш ёълини қидирдилар. Бу еса жамоанинг захирадаги ов ўлжаси еди. Ана шу қўлга тирик тушган хайвонларнинг баъзи бирлари жамоа аъзоларига кўникиб, улардан чўчимайдиган бўла бошлади. Айниқса, ибтидоий мезолит даври одами учун ана шу хайвон болаларини қўлга ўргатиш анча осон келди. Шундай қилиб, хайвонларни қўлга ўргатиш бошланди. Кўпчилик олимларнинг археологик далилларга асосланган фикрига қараганда биринчи уй хайвони - бу ит еди. У ўзининг табиати билан ҳам одамга яқин еди. Айрим олимлар ит билан деярли бир вақтда шимол буғуси ҳам ўргатилганлигини таъкидлайди.

Мезолит даврида овчиликнинг ахамияти ошиши билан бир вақтда термачиликнинг роли ҳам кучая борди. Ендиги термачилик қадимги тош давридаги термачиликдан тубдан фарқ қилади. Юқори палеолитнинг сўнгги босқичида бошланган термачиликнинг янги ёъналишлари, яъни ёввойи бошоқли ўсимликларни илдизи билан емас, балки ширин, мазали мевалар билан тирикчилик қиладиган бўлдилар. Бу еса одам организмнинг янада такомиллашиб, ақлининг бевосита машғулотларга айланди.

Суядан қурол яшаш мезолит даврида янада авж олди. Суядан балиқ тутадиган турли қармоқлар ишлана бошлади. Айниқса суяк гарпунларнинг хили кўпайди. Одамлар дарахтларнинг егилувчан новдаларидан турли хил саватчалар тўкиб, улардан балиқ тутишда фойдалана бошладилар.

Мезолит даврида одамлар хаётида доимий ўтроқлик турмуш тарзи ўрнини дайди хаёт егаллади. Енди музликнинг шимол томон силжиши туфайли одамлар бўшаб қолган янги ерларни ўзлаштиришга киришдилар. Ов хайвонларининг анчагина турлари ҳам музлик орқасидан шимол томон кўча бошлади. Маълум бўлишича, енг охирги ва енг кичик хисобланган вюрм музлиги ҳам Оврупа қитъасининг деярли ярмини қоплаган еди. Музликнинг шимолга томон силжиши туфайли катта бир худуд бўшаб қолдики, бу жойларда албатта одам излари аста - секин пайдо бўлиши керак еди. хақиқатдан, бу воқеалар мезолитда бошланди. Шимол буғуларининг тўда-тўда бўлиб жанубдан шимолга силжиши мезолит овчиларининг улар орқасидан ергашиб боришини тезлаштирди.

Ривожланиш жихатидан шимолда яшаган жамоалар жанубда яшаган жамоалардан анча орқада еди. Бунга сабаб хавонинг совуқлиги еди. Одамлар ўша минтақа табиий шароитидан келиб чиққан холда хўжаликнинг барча сохалари буйича ривожланишни таъминлай олмас еди. Жанубий раёнларда яшаган уруғ жамоаларининг ривожланиш бобидаги ютуғи улар ишлаб чиқариш қуроллари шакллариининг ўзгаришида, янги меҳнат қуролларининг пайдо бўлишида намоён бўлди. Масалан, учбурчак ромб, трапесия, сегмент шаклларидаги кичик тош қуроллари вужудга келди. Бу қуроллар хажм жихатидан майда бўлгани учун улар

микролит (майда) қуроллар деб аталади. Бу қуроллар икки вазифани (функцияни) бажарган. Аввало улар камон ўқининг учи сифатида ишлатилган. Шунингдек улар, қистирма "пичоқ", "арра", "қирғич" каби вазифаларни ҳам бажарганлар.

Авваллари олимлар орасида микролит тош қуролларнинг меҳнат қуроли эканлигига шубҳалар бўлган. 1887 йилда Франциянинг жанубидаги Азил ғори олиб борилган археологик қазилмалар туфайли уларнинг ҳақиқий меҳнат қуроллари эканлигига шубҳа қолмади. Азил ғори кўп қатламли ёдгорлик бўлиб, унинг юқори қатлами устидан қандайдир майда тош қуроллар уюми топилган. Улар дарё тошларидан ясалган еди. Бу қуроллар на палеолит, на неолит қуролларига ўхшамас еди. Бу қатламда топилган тошларнинг кўпчилиги қизил ранг (охра) билан ишланган расмларга ега еди. Ана шу расмли тош уюми ичида "арра" ва ўқ учлари кўпчиликни ташкил қилган. Айниқса, қизил ранг билан ишланган расмлар юқори палеолит даврида қоя тошларига чизилган расмлардан фарқ қиларди. Азил ғорини тадқиқ қилган олимлар бу расмларнинг бирини сон, иккинчисини число деб тахмин қилишди. Олимлар тахминининг ечими Австралиядаги арунта қабилалари мисолида топилди. Арунта қабилаларида мистик ва магия маъноларини билдирувчи домино ўйинига ўхшаш тош ўйини бор экан. Арунта қабилалари бу тошларни чурунги, яъни чуқурчали тош деб аташган. ҳар бир арунтанинг алоҳида чурунгиси бўлиб, бу чурунги унинг авлодидан мерос бўлиб қолган. Ўша чурунгида унинг ота-боболарининг руҳи сақланар экан. Демак бу тошларнинг диний аҳамияти бор. Олимларнинг фикрига кўра, арунта қабилалари хўжалик ривожланишининг даражаси мезолит даври одамларининг тараққиёт даражасида бўлган. Шунингдек арунталарнинг меҳнат қуроллари ҳам худди мезолит даври микролитлари сингари жуда кичкина еди. Шундай қилиб, узоқ йиллар давомида олимлар орасида баҳс бўлиб келган микролит қуроллар арунталар мисолида ўз ечимини топди.

Азил топилмаларини арунта қабилалари ҳаёти билан солиштириш натижасида яна бир муҳим масала - мезолит даври диний тасаввурига оид масала ҳам ўз ечимини топди, яъни ҳар хил шаклдаги қизил рангли расмларга бой тошлар фолбинлик магия ва сеҳргарлик хусусиятига ега тошлар еди. Бу мезолит даври одамларининг диний етиқоди ва диний тасаввурларидан гувоҳлик беради.

Ибтидоий уруғчилик жамоалари тарихининг навбатдаги босқичи хисобланган мезолит даври ёдгорликлари Ўрта Осиё шароитида анча яхши ўрганилган. Дастлаб А.Н.Окладников 1950 йилларнинг бошларида Туркистоннинг Каспий бўйи раёнларида олиб борган археологик қидирувлари вақтида Дам-Дам чашма, Шебел ва қайла номли ғор ва унгурларда ибтидоий уруғчилик жамоаларининг маконларини очди. 1950 йилларда олиб борилган А.Н.Окладников тадқиқотлари кейинги йилларда Туткаул, Ошхона, Оқ Танга (Тожикистон), Тошкумир (қирғизистон) ва қўшими, Мачай, Обишир ва Марказий Фарғона маконларида олиб борган археологик изланишлари билан тўлғазилди ва

бойитилди. ҳозирги кунда Ўрта Осиё минтақасида 100 дан ортиқ пунктларда мезолит даврига оид материаллар топилган, улардан 20 дан ортиқ ёдгорликларда қазилмалар ўтказилиб, бу давр ёдгорликларининг хронологик даврий санаси бир неча босқичларга бўлиниб ўрганилган. Ёдгорликларга ҳос хусусиятлар, уларнинг келиб чиқиш илдизлари, узоқ ва яқин минтақалар аҳолиси билан иқтисодий ва маданий алоқалари аниқланган.

Юқорида зикр етилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиёнинг деярли барча раёнларида Мезолит даврида аҳоли яшаши учун қулай имкониятларга ега еди. Улуғ музликлардан сўнг ҳосил бўлган катта ва кичик дарё ва кўллар, улар атрофидаги қалин ўрмонлар ва чакалакзорлар, Ўрта Осиё тоғ ёнбағирларида ривож топган ёввойи бошоқли ўсимликлар, дашт зоналарини қоплаган майсазорлар ёввойи ҳайвонларнинг бир неча юзлаб гала-гала бўлиб юришлари, балиқчиликнинг ривожланиши учун жуда қулай еди. Айниқса, Ўрта Осиёнинг икки азим дарёлари (Амударё ва Сирдарё) оралиғида, уларнинг Ўрта хавзаларига туташган кичик дарё ва сойларнинг бўйларидаги адирларда мезолит даври жамоалари учун қулайликлар мавжуд еди. Шунинг учун бўлса керак Фарғона водийсининг тоғли ва тоғ олди раёнларида, Марказий Фарғонада вужудга келган катта ва кичик кўллар бўйларида мезолит даври аجدодларимизнинг юзлаб манзилгоҳлари қарор топди. Археолог У.Исломов ва унинг ҳам касблари бу заминда 1970-1980 йилларда кенг миқёсда дала қидирув ишларини олиб бориб, Сўх яқинидан маҳаллий аҳоли орасида Обишир номи билан маълум бўлган унгурларда мезолит даври жамоаларининг қароргоҳларини топиб ўрганди. Обишир сойининг қуёшга қараган томонида бир неча унгурлар бўлиб, ундан Обишир-1 ва Обишир-5 деб аталган маконларда мезолит даври жамоаларининг излари топилди.

Дала-қидирув ишлари айниқса Марказий Фарғонада самарали бўлди. ҳозирги кунда бу заминда 100 дан ортиқ мезолит даври ёдгорликлари очилган. Улар асосан қадимги кўл ёқаларида жойлашган.

Мезолит даврига оид бошқа гуруҳ ёдгорликлар Тошкент шаҳри ҳудудида, унинг Сарқамиш раёнида, қадимги Бўзсув хавзасида топиб ўрганилди. Шу раёнда Бўзсув сойининг икки тармоғи қўшилган жой халқ орасида "қўшилиш" деб номланган. Ҳудди ана шу қўшилиш дўнглигининг жар кесмасида 1967 йили археолог ва геологлар бир неча тош қуролларни топдилар. Археолог У.Исломов мазкур жойда қазилма ўтказиб, у ерда мезолит даври жамоаларининг қароргоҳи борлигани аниқлади. Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти қадимда ҳам ҳозиргидек одамзод яшаши учун жаннатмакон ўлка бўлган. Бу заминнинг табиий-жуғрофий қулайликлари овчилик ҳўжалиги, айниқса термачилик янги ёъналишларининг ривож топиши учун зарур имкониятларга ега еди. Бу қулайликлар мезолит даврида ибтидоий аждодларнинг диққатини ўзига тортган. Кейинги йилларда бу вилоятнинг Айритом, Каттақўрғон, Заранчук-гул,

Дуканхона, Эски Термиз, Подахона, Оқтош каби пунктларида археологлар кўплаб мезолит даврига оид тош қуролларни йиғиб олдилар. Аввалроқ, яъни 1930 йилларнинг охирларида Кўхитонгнинг Мачай сойи устида қад кўтарган қоя остидаги қорда тош даври одамларининг макони еканлигини аниқлаган еди. 1970-1971 йилларда Мачайда археолог У.Исломов қазилма ишларини янгидан тиклади ва мезолит даврининг сўнгги босқичларига доир қимматбаҳо материаллар тўплади. Мачай ғорини қазилма вақтида бу ерда мезолит даври одамлари жуда узоқ йиллар давомида яшаганликларида гувоҳлик берувчи қалин маданий қатлам очилди. Маданий қатламдан хайвон суякларининг парчалари, турли хил тош ва суядан ишланган қуроллар, кўл қатлами ва одам скелетлари топилди. Мачайликларнинг ов хайвонлари асосан тоғ архари ва жайронлар бўлган. Мачайдан топилган меҳнат қуролларининг 80% и овчилик ҳаёти ва хайвон терисини ишлаш билан боғлиқ, бўлган қуроллар бўлиб чиқи. Улар асосан ҳар хил шаклдаги тош қирғичлар, пичоқлар, суяк бигиз ва игналар, терини пардозлаш қуроллари еди. Мачайнинг кўп сонли хайвон суяклари ичида йирик хайвон - хонакилашган сигир ва қўй-эчкиларнинг суяклари ҳам топилди. У.Исломовнинг фикрича, мачайликлар шохли ва майда хайвонларни хонакилаштирганлар.

Мачай ғори материалларининг таҳлили ушбу ёдгорликнинг мезолит даврининг енг сўнгги босқичи ва илк неолит (янги тош) даврига тегишли еканлигани кўрсатмоқда. Унинг мутлоқ йил санаси милоддан олдинги 7-6 минг йилликлар билан белгиланмоқда. Худди шу даврда Яқин ва Ўрта шарққа неолит даври маданиятлари гулламоқда еди. Ибтидоий жамоа илк деҳқончилик ва чорвачилик билан таниш едилар. ҳатто бу даврда Жанубий Туркманистонда неолит даврининг жайтун маданияти таркиб топди. Археолог олимларнинг таъбирига кўра жайтунликлар Ўрта Осиёда дастлабки деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган уруғ жамоалари ҳисобланади. Ехтимол, чорвачиликнинг эрта таркиб топиши учун кенг қулайликларга ега бўлган Сурхондарё вилояти ана шу жайтунликлар таъсирида ёввойи хайвонларни қўлга ўргатган бўлишлари мумкин. ҳар қалай, мачайда уй хайвонларининг пайдо бўлиши - бу сўнгги мезолит даври одамлари ҳўжалик ҳолатидаги буюк инқилобий ўзгариш еди.

Ўзбекистон ҳудудида ўрганилган мезолит даври ёдгорликларининг ёши бир хил емас, албатта. У ёдгорликларда топилган тош қуролларга қараб, олимлар уларни уч гуруҳга бўлишган. Енг қадимийлари қўшилиш ёдгорлиги бўлиб, унинг мутлоқ йил санаси милоддан аввалги Х1-Х минг йилликлар билан белгиланган. Иккинчи гуруҳ ёдгорликлар Обишир маданияти номи остида бирлаштирилди. Уларнинг ёши милоддан аввалги IX-VIII минг йилликлар билан белгиланди ва ниҳоят, учинчи гуруҳ ёдгорликлар Мачай маданияти деб юритилди. У милоддан аввалги VIII-VI минг йилликка тегишлидир.

Олдинги мавзуларда мезолит даври жамоаларида диний тасаввурлар ҳақида гувоҳлик берувчи бирдан-бир ашёвий далиллар бу мезолит даври мозорларию, у

давр рассомлари чизган қоя тошлардаги расмлардир. Ўрта Осиёдаги мезолит даври ёдгорликларидан атиги учтасида (қайла, Туткаул ва Мачай) мозорлари топилган. Бу ёдгорликларнинг учаласи ҳам мезолит даврининг сўнгги босқичига ёки илк неолит даврига тегишлидир. Масалан, қайла ғори яқинида иккита мозор ўрганилди. Мозорда скелетлар чалқанчасига ётган бўлиб, оёқлари бир оз букилган. Кўмиш вақтида дафина устига қизил ранг (охра) сепилган. Уларнинг ёнидан денгиз чиғаноқларидан қилинган тақинчоқлар топилди. Бош суяги устида еса майда тош мунчоқлар тизилиб турибди. Ехтимол, ўликнинг бош кийими мунчоқлар билан безатилган бўлса керак. Туткаулда 4 та, Мачайда 7 та мозор қолдиқлари очилган. Уларда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин.

Мезолит даври жамоалари тасаввурида "нариги" дунёга ишониш, оловга талпиниш алоҳида аҳамият касб етган. қайла мозоридан топилган ўликка қизил рангни сепиш одати бежиз бўлмаса керак.

Мезолит даврида ибтидоий рассомлар табиатнинг у ёки бу кучларига бўлган муносабатларини, дунёқарашларини - у динийми ёки дунёвийми, бундан қатъий назар, қояларга чизган рангли суратлари орқали ифодалаб берганлар. Ана шундай илохий пунктлардан бири Сурхондарёнинг Зараустоз дараси қояларига солинган суратлар еди. қўхитонг тоғидаги Зарауцой қоясининг бир қисм суратлари қизил ранг билан ишланган. қоя суратлари орасида "ёввойи хайвонларни ов қилиш" деб номланган манзара диққатга сазовордир. Бу манзарада бир пода йирик шохли хайвонлар орқасидан овчиларнинг ўз итлари билан қувиб келаётгани тасвирланган. Баъзи бир овчилар устига чайласимон ёпинчиқ ёпиб олган. Улар ўқ-ёй билан, палахмон тошлари билан қурошланган. Бошқа бир қояда икки гуруҳ овчиларнинг ёввойи буқа ўраб олиш манзараси чизилган. Олимлар бу манзарани мезолит даврининг сўнгги босқичи ва илк неолит даври билан ёшини белгилаб, уларнинг қайла, Туткаул ва Мачай ёдгорликлари билан тенгдош эканлигини исботлаганлар.

Зарауцой қоя суратлари мезолит даври рассомларининг фикр доирасини, диний тасаввурларини, умуман, ўша давр мафкураси даражасини тасвирий санъатда қанчалар акс еттира олганликлари ҳақида фикр юритишга асос беради.

Мавзу: Неолит даврида уруғчилик жамоаси.Калтаминор маданияти.

2-соат

Режа:

1.Неолитдаврида урғчилик жамоаси.

2.Ўзбекистонда уруғчилик жамоасининг енеолит даври.

3.Ўзбекистонда уруғчилик жамоасининг бронза даври.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент. Ўзбекистон.1994.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак ёъқ. Шарқ. Тошкент. 1998.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. Шарқ.1998
4. Асқаров А.А. Ўзбекистон халқлари тарихи. Тошкент.Фн. 1992.
5. Асқаров А.А. Сополлитепа. Тошкент 1993.
6. Асқаров А.А., Абдуллаев Б.А. Джаркутан. Тошкент 1989.
7. Гафуров Б.Г. Тджи. Душанбе. Ирфон. 1989.
8. Исаков А. Саразм-новый раннеземледельческий памятник Средней Азии. СА. 1986 №1.
9. Исломов У. Фарғона водийсидаги биринчи қуйи палеолит даврига оид манзилгоҳ. ОНУ. № 8. 1994.
10. Исломов У. Обишир маданияти. Тошкент . 1980.
11. хуломов Я., Исломов У., Асқаров А. Зарафшоннинг қуйи оқимида ибтидоий давр маданияти. Тошкет. 1996.
12. Сагдуллаев А.С. Заметки о ранних железном веке Средней Азии. СА 1982. №2
13. Массон В.М. Енеолит Средней Азии. Москва. 1982.
14. қосимов М.Р. Қўлбулоқ қўп қатлам палеолит манзилгоҳи. Тошкент. 1968.
15. Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки погребения неандертальца в гроте Тэшик-таш. Москва. 1949.

Неолит юнонча сўз бўлиб "нео" - янги ва "лит" - тош, яъни янги тош деган маънони англатади. Бу сўз ибтидоий жамоа тарихига оид манбаларда биринчи бор Оврупа археологлари томонидан ишлатилди. Кишилиқ тарихининг неолит даври қуролларни ишлаш техникасида силлиқлаш, пардозлаш, зарралаш ва пармалаш усулларининг ихтиро этилиши туфайли келиб чиқди. Тошни ишлаш техникасида бундай янги усулларнинг кашф этилиши ибтидоий ишлаб чиқрувчи қушларнинг олдинги даврларга нисбатан тезроқ ривожланишига олиб келди.

Пардозлаш техникасининг дастлабки элементлари мезолитда, ҳатто унинг илк излари юқори палеолитнинг сўнгги босқичида ҳам баъзан учраб туради. Аммо улар фақат нисбатан юмшоқ тошлардан қурол ишлашда қўлланилган. Неолит даврининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланган тошни пардозлаш усули тош қуролларнинг барча турларини ишлаб чиқишда қўлланилавермас еди.

Ҳали қўпгина қуролларни ясашда палеолит даврининг кертма техникаси кенг қўлланилар еди. Неолит даврида тошни ишлашда учирма ва ёрма техника усулларида ҳам фойдаланилди. Чунки бу техника ёрдамида ўткир тиг берувчи

тош пичоқлар, тош тешгичлар, санчқилар, қирғичлар яшаш қулай еди. Шунинг учун ҳам езиб ўчириш техникаси фақат неолит давридагина ўз тараққиётининг енг юқори чўққсига кўтарилди.

Тош хом ашёсининг хусусиятини яхши билган синчков усталар шакл ва вазифа доираси ҳар хил бўлган янгидан-янги меҳнат қуроллари ишлашга жиддий еътибор бердилар. қуролларнинг тури кенгайди. Тош қуроллар орасида тош болталар, поналар, тош тешалар, исканалар пайдо бўлди. ҳатто бир вақтлар Оврупа олимлари неолит даврини "болталар асри" деб аташни таклиф етганлар.

Пардозланган тош болталар ўрмон кесишда, уй қурилиши ишларида, овчиликда ўзининг тенги ёъқ жанговар қурол еканлигини кўрсатди. Неолит даврида барча оғир юмушлар ана шу тош болталар орқали бажарилар еди. Масалан; Данияда чақмоқтошдан ясалган ойболта ёрдамида ўн соат ичида 26 та диаметри 20-25 см ли арча кесилиб, уларнинг шохлари буталган, қобиғи арчилган ва тўрт томонлама ёънилган. Шу вақт ичида болта бирон марта ҳам ўткирланмаган.

Меҳнат қуроллари такомиллашган неолит даври жамоалари учун енди юқори палеолит, айниқса мезолит давридагидек дайди ҳаёт кечиришга зарурият қолмайди. Енди улар ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтадилар. Аввалгидек дайдиб юриш, янги-янги ов маконлари қидириб кўчиб юришга барҳам берилади. Енди доимий ертўлалар, кулбалар яшаш, лойдан, гуваладан уй қуриш, қишлоқларда яшаш неолит даври жамоасининг асосий одатига, турмуш тарзига айланиб борди. Шундай қилиб, доимий утروقлик хўжалиги пайдо бўлди.

Ўтроқ турмуш тарзи, ўтроқ хўжалик жанубий субтропик раёнларда дехқончиликнинг келиб чиқишига, чўлли минтақаларда, азим дарё ва кўл буйларида ўтроқ овчилик хўжалигининг қарор топишига олиб келди. Ўтроқ хўжалик юритишнинг қарор топиши ўз навбатида чорвачиликнинг ҳам пайдо бўлишига олиб келди.

Неолит даври жамоалари ҳаётида ўтроқ хўжаликнинг ёркин белгиси сифатида яна бир хўжалик янгилиги ихтиро қилинди. Бу-булажак хунармандчилик хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган сопол буюмлар (керамика) ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши еди. Керамиканинг пайдо бўлиши неолит даврининг улкан кашфиёти бўлиб, айрим археологлар ҳатто неолит даврини "керамика асри" деб аташни таклиф қилганлар.

Тўқимачилик хунармандчиликнинг вужудга келиши ҳам неолит даврининг буюк кашфиёти ҳисобланади. Енди ибтидоий жамоа аъзолари фақат хайвон териларидан ясалган кийим-кечак емас, балки унинг юнгидан ҳамда ўсимликлар толасидан тўқўган матолардан ҳам кийим-кечак туқиб киядиган бўлдилар.

Тўқимачилик хунармандчилиги махсулотлари матриархат жамоа аъзоларини фақат кийим-бош билан таъминлаб қолмай, балки балиқ ови хўжалигида ҳам кэскин ўзгаришларга олиб келди. Йиғилган ипдан тўр туқиш, у ёрдамида балиқ

овлаш овчилик хўжалигининг кэскин даражада ривожланишига олиб келди.

Бу даврда жамоа ижтимоий ривожланиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак ибтидоий уруғчилик хали ўзининг биринчи босқичини иккинчи фазасида бўлиб, ишлаб чиқриш туб маънодаги матриархал уруғчилик жамоасиники еди. Жамоа бўлиб ишлаб чиқариш, меҳнатнинг умумийлиги, уруғ мулкчилигининг ҳукмронлиги бу даврнинг хусусиятлари еди. Жамоа унинг хомийси анъаналари ҳақ-ҳуқуқлари асосида ташкил етилган, яъни уруғчилик жамоаси оналар ҳукмронлиги асосида қурилган. Шунинг учун ҳам бутун жаҳон олимлари неолит даврини матриархал уруғчилик тартибларининг гуллаган даври деб ҳисоблайдилар.

Бу даврда никоҳ, бобида гарчи икки уруғ жамоаси ўртасида гурухли никоҳ ҳукмронлик бўлган бўлса-да, аммо никоҳ туб моҳияти билан ўзининг дастлабки босқичларидаги ҳолатидан фарқ қилади. Ендиликда матриархал уруғ жамоасининг гурухли никоҳ, доирасида жуфт оила вужудга келди, яъни аёллар туғилган фарзандларининг оталаридан ўз уруғ жамоаси манфаатига ишлаб беришни талаб қиладиган бўлдилар. Ичкуёвлик мазмунидаги жуфт оиланинг дастлабки кўринишлари шакллана борди. Аёллар ўзлари учун аниқ шерик танлаб, жинсий алоқалар ана шу доимий шериклар билан бўладиган бўлди. Она уруғига қатновчи ерлар ўз уруғи учун ишлаб беришдан ташқари хотинлари уруғи учун ҳам ишлаб беришга мажбур бўлдилар. Ана шундай асосда оналар уруғи доирасида жуфт оила пайдо бўлди. Лекин бу оилада аёлнинг ҳуқуқи хали чексиз бўлиб, еркаклар уларга тобе еди. Фарзанд учун ўз отасидан кўра тоғасининг обрӯ-еътибори катта бўлган, чунки туғилган бола учун мерос ота уруғидан емас, балки она уруғидан ўтган. Еркаклардан ўз оиласи олдида ҳурматга сазовар бўлиши учун хотин уруғида кўпроқ меҳнат қилиши, хотини ҳузурида кўпроқ парвона бўлиши талаб етиларди.

Неолит даври ер куррасининг барча минтақаларида ҳар хил вақтда содир бўлди. Масалан, бир қитъа аҳолиси жамият тараққиётининг кулдорлик даврига тўғри келган бўлса, иккинчи минтақада ендигана дехқончилик ва чорвачилик хўжаликлари кашф етилиб, ибтидоий жамоалар табиатнинг тайёр маҳсулотлари ҳисобига яшаш қуллигидан озод етилган едилар. Бошқа бир минтақада еса хали неолит жамоалар фақат овчилик ва темирчилик билан шуғулланар едилар. Ўрта Осиёда ҳам ибтидоий жамоа ривожининг кейинги икки кўриниши мавжуд еди. Масалан, унинг жанубий-ғарбий раёнларида, ҳозирги Туркменистоннинг Копеттоғ тоғ олди раёнларида неолит даври одамлари милоддан аввалги VI минг йилликнинг охири ва V минг йилликнинг бошларидаёқ илк дехқончилик маданияти билан банд бўлган бўлсалар марказий ва шимолий вилоятларда бу вақтда одамлар овчилик ва баликчилик билан шуғулланар едилар. Неолит даври жамоасининг бундай минтақалараро ривожланиши ҳар бир вилоятнинг мавжуд табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқар еди.

Дехқончилик хўжалиги учун иқлими жуда қулай ёввойи бошоқли

ўсимликларга бой бўлган Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий раёнлари асосий иқтисодий раёнлар еди. Бу зонанинг иқлими иссиқ, тоғ етакларидаги катта ва кичик сойларнинг қуйи хавзаларида тош жинсларига бой серунум лойқа тупроқуш жилғалар ҳосил бўлган. Ана шундай қулайликларга бой жойлардан бири Ашхоботдан 40 км лар чамаси шимоли-ғарбда жойлашган маҳаллий аҳоли туркманлар Чақмоқли деб юритган жой бўлиб чиқди. Бу жойнинг "Чақмоқли" деб аталишининг боиси шундаки, бу ердан туркман чўпонлари чақмоқтош теришар экан. Чақмоқли ўз атрофидан баланд бўлиб, унинг устини 1-3 метрли кўчма қум босган. 1952 йилда археологлар Чақмоқлида қидирув ишлари олиб бориб, бу тепалик неолит даври дехқон жамоаларининг қароргоҳи эканлигини аниқладилар. 1956-1957 йиллардан бошлаб бу ёдгорликка археолог В.М.Массон қазилмалар олиб борди. Унинг изланишлари Ўрта Осиё тарих ва археологоя фани учун кутилмаган натижаларни берди. қазилма жараёнида гуваладан ясалган бир хонали, девор ости учоғи ва марказида сандал кулдони-чуқурчали кулбалар очилди. Кулба девори сомонли лой билан сувалган, хатто гувалага сомон қориштирилган. Хонанинг ярми тури томони супали бўлиб, у ётиш, дам олиш учун мўлжалланган бўлса керак. Хоналар оралаб тор ёълақлар ўтган. Ана шундай юлак ва хоналардан чақмоқтошдан ишланган юзлаб тош қуроллар топилди. Чақмоқтош териладиган жой кенг тақирлик бўлиб, бу жойда баҳорги ёмғирдан сўнг кўлмак сув ҳосил бўларкан. Баҳорнинг ойдин кечаларида кўлмак қоп-қора бўлиб кўрингани учун туркман чўпонлари бу жойни "Жойи Тун", яъни қоронғу жой деб аташган. Шундай қилиб, Ўрта осиеликларнинг илк дехқон бобокалонларининг қароргоҳи фан оламига "Жойи Тун маданияти" номи билан кирди. Жойи Тун (Жойтун) қишлоғини қазилма вақтида бобо-деҳқонларимизнинг кўплаб меҳнат қуроллари-кистирма ўроқ, пичоқ, суякдан ишланган игна, бигиз ва бошқа анжомлар топилган. Жой-тунни ўрганиш муносабати билан унинг атроф раёнларида синчиклаб қидирув ишлари олиб борилди. ҳозирги кунда Жойтун маданиятига доир ўнлаб неолит жамоаларининг қароргоҳлари (Найза тепа, Бами, Чўпонтёпа ва бошқалар) топиб ўрганилган. Жойтунликлар дехқончилик чорвачилик билан ҳам шуғилланганлар. Чорва ҳайвонлари уларда шохли қорамол, қўй ва эчкилар бўлган. Уларнинг суяк қолдиқлари Жойтун ва шу маданиятга дахлдор барча ёдгорликларда топилган. Жойтун маданияти ёдгорликлари асосан Туркманистоннинг жанубий ва ғарбий раёнларида учрайди. У билан ёши тенг ва унга ўхшаш ёдгорликлар Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида ҳозирча учратилмади. Жойтун маданияти, олимларнинг ҳисобига кўра, бундан 7-8 минг йил бурун ўтган, яъни унинг ёши милоддан аввалги VI-V минг йилликлар билан белгиланади. Ҳудди шу даврда Ўрта Осиёнинг марказий ва шимолий раёнларида овчилик балиқ ови ва термачилик билан шуғулланувчи неолит даври жамоалари истиқомат қилар едилар. Уларга тегишли ёдгорликлар дастлаб С.П.Толстов томонидан қадимги Хоразм ерларида, Амударёнинг қуйи хавзасида топиб ўрганилди.

С.П.Толстов уларни фанга "Калтаминор маданияти" номи билан киритди. Калтаминор маданияти, С.П.Толстовнинг фикрига кўра, милoddан аввалги 4 минг йилликка бўлиб ўтган. Аммо олимнинг шогирди А.В.Виноградов қизилқумнинг қадимги сой дарёлари ҳосил қилган қўл ёқаларида олиб борган тадқиқоларига асосланиб, Калтаминор маданиятининг дастлабки босқичи (дарёли сой босқичи) милoddан аввалги VI-V минг йилликларга тегишли эканлигини исботлади (Калтаминор маданияти ҳақида кейинги мавзуларда кенгроқ маълумот берилади).

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий раёнларидаги неолит даври жамоалари дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган бўлсалар, бу минтақанинг марказий ва шимолий раёнларидаги ибтидоий овчи бобокалонларимиз дехқончиликни ҳам, чорвачиликни ҳам билмас едилар. С.П.Толстовнинг фикрига кўра, шимолий зонада, Калтаминор маданияти доирасида чорвачиликка доир ашёвий далиллар фақат милoddан аввалги III минг йиллидан бошлаб учрайди. Мачай ғоридан топилган уй хайвонларининг суяк қолдиқлари ўз аҳамияти жиҳатидан тенги ёёқ, бебохо янгилик еди. Унинг ёши Жойтун маданияти ёшига тенг. Ехтимол, мачайликларнинг бу ихтироси жойтунликлар ёки жанубнинг уларга тенгдош бошқа неолит жамоалари таъсирида содир бўлган бўлиши мумкин. ҳар қалай, Мачай Ўрта Осиё ҳаритасига, унинг жанубий минтақасига киради.

Жанубий ва шимолий жамоалар ўртасидаги тафовутлар улар ўртасида юз берган алоқалар туфайли ибтидоий уруғчиликнинг кейинги босқичларида ёёқолиб борди. Бу ҳолат айниқса бронза даврида кўзга ташланади.

Амударёнинг қўйи ҳавзасида Калтаминор маданияти.

Юқорида еслаб ўтилганидек Ўрта Осиёнинг икки азим дарёлари (Амударё ва Сирдарё) оралиғида, айниқса, қизилқум ва Шимолий қорақум ҳудудларида милoddан аввалги V-III минг йилликлар давомида овчилик ва балиқчилик билан шуғулланувчи неолит жамоалари яшаб келган. Таниқли етнограф ва археолог олим С.П.Толстов бу қабиаларнинг ҳаёти, ҳўжалик машғулоти ва турмуш тарзи билан шуғулланиб, уларнинг моддий ва маданий тарихини "Калтаминор маданияти" номи билан фанга киритди.

Калтаминор маданияти жамоаларининг маконлари илк бор Амударёнинг Оқчадарё ўзанидан чиққан қадимги Калтаминор канали етакларидан топилгани учун уларга шу ном берилган. Калтаминор маданияти ёдгорликларининг кўпчилигида маданий қатлам сақланмаган. Уларнинг баъзиларини еса кўчма қумлар босган. Оқчадарё ҳавзасидаги атиги 3-4 та манзилгоҳдагина маданий қатлам бузилмай сақланиб қолган. Улардан бири Жонбас-4 манзилгоҳи бўлиб, унинг майдонини неолит давридаёқ қалин лойқа босиб қолган экан. Жонбас-4 жамоаси уй-рўзғор буюмлари ёниб, йиқилган чайла каркаслари лойқа остида

қолиб кетган. Ана шу ёнғинда қолган қароргоҳда С.П.Толстов археологик қазилмалар олиб бориб, чақмоқтошдан ясалган минглаб меҳнат қуроллари, сопол парчалар, хайвон суяклари ва балиқларнинг суяқларини топди.

Сополлар тухумсимон шаклда бўлиб, ости ясси ва ташқт сирти турли хил нақшлар билан безатилган. Баъзи бир сопол идишларнинг сирти илон изи, тирноқсимон, арча барги сингари геометрик шаклдаги нақшлар билан безатилган. Сополлар ичида гул тувак шаклида ишланган ости текис идишлар ҳам бор. Тошдан ясалган меҳнат қуроллари нихоятда кўп. Улар ҳар бир манзилгоҳда кўплаб учрайди. Археологлар Жонбас-4 да жуда ехтиёткорлик билан қазилмалар ўтказиб, ярим ертўла шаклидаги кулбага (чайлага) дуч келадилар. Кулбанинг марказий қисмида катта ўчоқ қолдиғи топилди. Бу ўчоқ атрофида еса юзга яқин майда ўчоқлар жойлашган. С.П.Толстов катта ўчоқни ўт оғаси ихтиёридаги аташкада ёки алтарь деб атади. Унинг чор атрофида жойлашган майда ўчоқларга еса оила ўчоқлари деб ном берди. Жонбас-4 да топилган кулбанинг майдони 300 м. кв. еди. Бу ерда, С.П.Толстовнинг хисобига кўра, 120-125 киши истиқомат қилган. Жонбас-4 кулбаси катта уруғ жамоасининг макони бўлган. Чайла худудидан балиқ суяклари, парранда тухуми пўчоқлари топилди. Жонбас-4 маконидан топилган суяқларнинг 86 % балиқ суяклари бўлиб чиқди. Шундай кулбалар (ярим ертўла, чайлалар) Оқчадарё хавзасидаги 3-4 та манзилгоҳларда ҳам учрайди. Масалан, қават-7 деб номланган манзилгоҳда майдони 580 м.кв. га тенг чайла топилган. Яқинда С.П.Толстовнинг шогирди А.В.Виноградовнинг сақланиши жихатидан Жонбас-4 дан қолишмайдиган манзилгоҳ топди ва уни ўз устози номи билан "Толстов манзилгоҳи" деб атади. "Толстов манзилгоҳи" Калтаминор маданиятига кўп янгиликлар ва аниқликлар киритди. Масалан; Калтаминор маданияти жамоасининг хўжалик асосини балиқчилик ташкил етган экан. Тош қуроллар орасида ўроқ намуналари деярли ёъқ. Улар шу маданиятнинг сўнгги босқичида пайдо бўлган. хайвон суяклари орасида хали уй хайвонига тегишли суяқлар учрамади. Аммо туқимачиликка доир ашёвий далиллар жуда кўп. Улар кийим-кечак ва балиқ овлаш учун тўр тўқишда фойдаланилган. Тош қуроллар ичида пардозланган тош болта ва тешалар учрайди. Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичига доир манзилгоҳларда баъзан мисдан ишланган бигиз ва уй хайвонининг суяклари ҳам учраган. Бу давр ёдгорликлари милоддан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларига тегишлидир.

Калтаминор маданияти жамоалари сопол ишлаб чиқаришда устаси фаранг едилар. Сопол ясашда улар хали кулолчилик чархидан фойдаланишни билмас едилар. Кулоллар дастлаб сопол идиш тайёрлаш учун чипта қопга ўхшаш материалдан халтачалар ясаган. Халтача қумга тўлдирилиб, уларнинг устидан обдон тайёрланган махсус лой билан шуваб чиқилган. Сўнгра идишларнинг бир нечтаси ер тандирга ўхшаш хумдон ичидаги олов устига териб чиқилган ва

хумдоннинг оғзи маҳкам қилиб беркитилган. Маълум вақт ичида сопол идиш ичидаги халтачалар харорат таъсирида ёниб, унинг излари идишнинг ички томонида сақланиб қолган. Бундай усулда тайёрланган идишларнинг шакли одатда тухумсимон бўлиб, уларнинг ости ясси ёки думалоқ бўлган. Идишнинг ички томони яхши пишмаган. Ана шундай ибтидоий усул ёрдамида дастлабки кулоллар ўз идишларини пиширганлар.

Сопол идиш тайёрлашда бахорги ёмғир сувлари ёки сой сувлари оқизиб келган лойқалардан хом ашё тайёрланган. Текширишлар шуни кўрсатадики, одатда идиш яшаш учун тайёрланган лойга янтоқ ва қамишнинг тоза кули қўшилган. Сопол қозон лойларига еса майдаланган тош (дресва) қўшилган. Бу қўшилмалар сопол идишларнинг мустаҳкам чиқишини, оловга тушганда ўзида иссиқликни узок вақт сақлаб қолишини таъминлаган. Ана шундай усулда сопол ишлаб чиқариш калтаминорликлар жамоаси учун ҳам характерли еди.

Калтаминорликлар ясаган сополларнинг сиртига одатда нақш берилган. Нақшлар чизма услубда ишланган. Улар турли геометрик шаклларда ўз аксини топган. Асосан нақшлар учун учи учли ёки суяк пичоқча ёрдамида илон изи, ромб, учбурчак егри чизиқ ва бошқа шаклларда чизилган. Сопол нақшлари уларни оловда пиширганга қадар берилган. Идишлар аввал кўланкада қуритилиб, сўнггра хумдонга солинган. Калтаминор маданияти идишларининг хаммаси ҳам нақш билан безатилмаган. Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичига келганда баъзи сополларнинг гардишида рангли гул-нақш ҳам пайдо бўлади. Бу шимол балиқчилари билан жануб дехқонлари ўртасида яқин маданий алоқаларнинг борлигидан далолат беради. Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичида сопол идишларнинг шаклида ўзгаришлар юз беради. Нақшли идишлар кэскин камаяди. Нақшлардаги мураккаблик ўрнини оддий нақшлар егаллайди. Тухумсимон, таги думалоқ идишлар ёъқолиб, улар ўрнида туваксимон, ости текис идишлар пайдо бўлади. Идишлар майдалашади. Енди идишлар мато халта қолипларда емас, балки лой ленталарда қўлда ясалган. Албатта, неолит даври кулоллари янги усулда идиш ишлаш ёълларини топгунларича бир неча юз ва минг йиллар ўтган. Идишларда тарновсимон ёки трубасимон жумраклар пайдо бўлади. Буларнинг хаммаси қўлда ясалар еди, чунки хали кулолчилик чархи кашф етилмаган еди. Шунинг учун идишларнинг тури кам бўлиб, борлари ҳам кўпол ва мўрт еди. Идишлар бир ярусли хумдонларда пиширилган.

Калтаминор маданияти уруғ жамоалари хали табиат кучлари олдида ожиз едилар. Улар сув орқасидан, ов орқасидан ергашиб юрардилар. Уларнинг кулбалари қуриб бораётган дарё ёқаларида, кўл бўйларида, қум устида қад кўтарарди. Дарё ва кўл сувларининг ўзгариши билан улар ҳам ўз манзилгохларини ўзгартиришга мажбур едилар.

Калтаминорликларда балиқ ови асосий хўжалик тармоғи бўлган. Балик овида турдан, суяк гарнунлардан, тош санчки учларидан, қармоқлардан кенг

фойдаланилган. Уларнинг намуналари Калтаминор маданияти ёдгорликларида кўплаб учрайди. Хўжаликда хайвон ови ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жонбас-4, "Толстов манзилгоҳи" ва қават-7 маконларидан топилган суякларга қараганда, Калтаминор жамоаларининг ов хайвони асосан ёввойи чўчқа, бухоро охуси ва жайрон бўлган. Чўл зонаси хайвони қулон, сайғоқлар ҳам овланган. Ов қуроли сифатида ўқ-ёй жуда кенг қўлланилган. Шунинг учун бўлса керак кўп хилли тош қуроллар ичида тош пайконлар ўқ учлари кўплаб учрайди.

Хўжаликнинг учинчи тармоғи термачилик бўлган. Калтаминор манзилгоҳларида ёввойи жийда данаги кўплаб учратилган.

Калтаминор уруғ жамоаси ижтимоий ривожланишда оналар уруғининг гуллаган даврини еслатади. Бу даврда оналар уруғи доирасида жуфт оила мавжуд еди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Жонбас-4 қулбасидан топилган бош ўчоқ атрофидаги 100 га яқин майда ўчоқларнинг жуфт оила ўчоқларига тегишли еканлигини еслаш кифоя.

Амударёнинг қуйи оқими зонасида олиб борилган изланишлар даврида археологлар неолит даври қабристонини топиб ўргандилар. Неолит даври уруғ жамоаларининг ижтимоий тараққиётини ўрганишда ягона манба ҳисобланган бу ёдгорлик тарих фанига Тумек-Кичиджик қабристони номи билан киритилди. Ёдгорлик 1972 йилда очилди, археологик қазилма ишлари бу ерда 1973-1974 йилларда олиб борилди. қазилмалар вақтида 27 та қабр очиб ўрганилди. қабрга дафн етилганлар чалқанчасига ётқизилган, бошлари асосан шимоли-шарқ қаратиб қўйилган. Дафиналар қабрига ҳар хил маросимларда киядиган кийим-бошлари билан қўмилган. Шунинг учун бўлса керак скелет устида маржондек терилган тақинчоқлар сақланган. Мозорда бутун сопол идиш негадир кам, асосан уларнинг парчалари қўйилган. қабр тубидаги суякларда қизил ранг излари кузатилади. Тош қуроллар бор. Тумек-Кичиджи қабристони ўзига хос белгилари ва мозорга қўйилган ашёвий далилларга кўра, Туркменистондан топилган қайла қабристони билан тенгдош кўринади. Демак Тумек-Кичиджик неолит жамоаларида она уруғи гуллаган давр тартиб-қоидаларини еслатади.

Калтаминор маданияти фақатгина Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқими хавзаларига, қадимги Хоразм ерларига хос бўлмай, балки бу маданиятга дахлдор уруғ жамоалари Ўрта Осиёнинг икки азим дарёлари оралиғидаги барча пасттекисликларга хос маданиятдир. Шунинг учун бу маданиятта тегишли ёдгорликлар қизилқумнинг ички раёнларида ва Зарафшоннинг қуйи хавзасида ҳам кўплаб учрайди. Улар ҳар жиатдан бир-бирларига яқин қон-қариндош уруғ жамоалари бўлган.

Зарафшон воҳасида неолит даври балиқчи жамоаларининг излари.

Зарафшон дарёси бир замонлар ўзининг қуйи оқимида, қизилқум

даштларида катта ва кичик кўллар ҳосил қилиб, Амударёгача бориб етган. Далакдирув изланишларига қараганда, неолит даврида Зарафшон 5 та тармоқ орқали Амударёга қўшилган. Ана шу ўзанлар орқали Амударёга қўшилган жойларни ахли "сувлот" деб атаган. 5 та сувлот орқали Амударёга бориб етган Зарафшоннинг йирик тармоғи Мохандарё деб номланган. Мохандарё ўзининг жўшқин оқин сувлари билан ёъл-ёълакай кўллар ҳосил қилиб, баҳор ойларида Амударёгача етиб борган. Бу кўллар аллақачонлар сувсизлидан шўрланиб, ҳозир халқ орасида катта тузкон, кичик тузкон номлари билан аталиб келинади. Ана шу қадимги кўл ёқаларида юзлаб неолит даври жамоаларининг маконлари таркиб топган. 1950 йилларда Я.х.хуломов Мохандарё бўйлаб археологик қидирув ишларини олиб борди ва бу заминда ўнлаб манзилгохлар топиб, улардан неолит даврига оид тош қуроллар ва сопол парчаларини териб олди. 1960 йилларнинг бошларида ушбу сатрлар муаллифларидан бири археолог Ўткир Исмоилов билан биргаликда Мохандарё ва унинг кўллари бўйлаб археологик изланишлар ўтказди. Натижада кичик ва катта тузкон сохиллари бўйлаб 100 дан ортиқ неолит даври манзилгохлари топилди.

қидирув жараёнида топилган юзлаб манзилгохларнинг деярли ҳаммасида муҳим маданий қатлам сақланмаган. Чунки уларнинг кўпчилиги мавсумий бўлиб, шунинг учун неолит жамоаларининг кундалик фаолияти билан боғлиқ бўлган ашёвий далиллар-тош қуроллар, сопол парчалари, хайвон ва балиқ суяклари қум устига чиқиб қолган. Фақатгина битта маконда, яъни "Дарвоза қир" деб атаган маконда маданий қатлам бузилмай бизгача етиб келган. Бу маконда олиб борилган археологик қазилмалар вақтида чайла каркасининг устун излари топилди. Тош қуроллар ва сопол парчалар еса чайла майдони бўйлаб сочилиб ётар еди. Тош қуроллар ичида ўқ-ёйнинг пайканлари, рандалаш, тешиш асбоб-ускуналари, қистирма тош пичоқ ва пардоз берилган тош болта ва бошқа меҳнат қуроллари топилди.

Дарвоза қир жамоаси ҳаётида балиқ ови хўжаликнинг асосий машғулоти бўлган. Бунинг далили сифатида неолит даври жамоалари маконларининг асосан кўл ёқаларида қад кўтарганликларини кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга уларда хайвон ови ҳам ўз аҳамиятини ёъқотмаган. Дарвоза қирдан топилган суяк парчаларига қараганда, ов объекти сифатида биринчи навбатда жайрон, сайғоқ, чўл тушқонлари, ёввойи чўчка, қулон, от ва бошқаларни кўз ўнгимизга келтириш мумкин.

Термачилик хўжалиги Зарафшон водийси аҳолиси ҳаётида салмоқли ўрин тутган. Хўжаликнинг бу тармоғи ҳақида маконларда топилган майда тош ёрғучлар далолат беради. Чунки деярли кўпчилик неолит даври маконларида 2-3 ва ундан ортиқ тош ёрғучлар учратилган.

Дарвоза қир ёдгорликларига ўхшаш неолит даври уруғ жамоаларининг ўнлаб маконлари қашқадарёнинг қуйи оқимида ҳам топиб ўрганилди.

Яна бир гурух ёдгорликлар Зарафшоннинг Ўрта хавзасида, ҳозирги Самарқанд вилоятининг Сазағон қишлоғида топиб ўрганилди. Сазағон маконида ўтказилган археологик қазишмалар вақтида кўплаб тош қуроллар, хайвон суяклари топилди. Сазағон тош қуроллари кўп жихатдан Дарвоза қир материалларига ўхшаб кеца-да, аммо улар ўзига хос маҳаллий хусусиятга ега. Масалан, Калтаминор маданияти жамоалари қизилқум ва Шимолий қорақум чўлларида, пасттексислик минтақаларида, қадимги кўл ёқаларида яшаб, асосан балиқ ови билан шуғилланганлар ва улар ана шу хўжаликка мослашган тош қуроллар ясаганлар. Сазағонликлар тоғли раёнларда, тоғ ёнбағирларида яшаганлар. Улар кўл ёқаларида емас, балки тоғ олди сой бўйларида, тоғ олди булоқ сувларининг ёқаларида макон топганлар. Уларнинг хўжалик асосида биринчи навбатда овчилик ётар еди. Сазағон манзилгоҳини қазиш вақтида тегишли тош қуроллар қаторида ёввойи ва уй хайвонларининг суяклари ҳам топилди. Демак Сазағон жамоаси йирик шохли хайвонларни кўлга ўргатган ва бу жамоада илк чорвачилик хўжалиги ташкил топган. Сазағон қишлоғини қазиш вақтида неолит даврининг сўнгги босқичига доир бир неча қабрлар очилди. қабрлардан топилган ашёвий далиллар мазорнинг Сазағон жамоасига дахлдор эканлигини кўрсатади.

Тошдан турли хил меҳнат қуроллари яшашда юқори даражага кўтарилган Зарафшон водийсининг неолит даври усталари тошнинг хусусиятини ўрганишга катта еътибор берганлар. Улар ҳеч қачон куёш остида чакнаб ётган чакмоқтошдан истаган шакл ва типдаги қурол яшаш мумкин емаслигини яхши билганлар. Тошдан қурол яшашдан олдин тош хомашёси хўл латталарга ўралиб, намлик жойда сақланган. Чакмоқтош қанча кўп нам торца, ундан исталган шаклда юқори сифатли қурол яшаш осон бўлган. Чакмоқтошнинг бу сирларини яхши билган неолит даври усталари асрлар давомида табиий нам тортган хомашёлар қидириш ёълида кўп бош қотирганлар. Ана шундай узоқ нам тортган тош хомашёсини қидириш ёълидаги ҳаракатлар янги кашфиётга олиб келди, яъни неолит даврида шахта юли билан хомашё олиш усули ихтиро қилинди. Одатда, сифатли хомашё ер остида бўлади. қоя жинс қатламни қоплаб ётган тупроқ остида табиийки нам тортиб ётган чакмоқтош-она жинс хомашёси истаган шаклда қурол ишлаш учун жуда қулай еди. Ўзбек археолог олимларининг Зарафшон водийсида олиб борган илмий изланишлари қадимги аجدодларимизнинг бу ихтиродан воқиф эканлигани кўрсатди.

1960 йилларнинг бошларида Я.х.хуломов бошлиқ археологлар гуруҳи Навоий вилоятининг Учтут деган жойида (қоратов етагида) меҳнат қуроллари яшаш учун жуда бой хомашё марказини очди. М.қосимов ва Т.Мирсоатовлар Учтут ёдгорлигини тадқиқ қилиш туфайли чакмоқтошни ер қаридан қазиб олиш кўламини аниқладилар. Т.Мирсоатовнинг маълумотига қараганда, қоратовнинг Учтут яқинидаги участкаси палеолит ва мезолит даврларида ҳам бой тош

хомашёси билан ибтидоий усталар еътиборини ўзига тортган. Авваллари усталар тоғ кесмасида қоя жинс қатлами сифатида кўриниб ётган чакмоқтошларни синдириб олганлар. Кейинроқ чакмоқтош жинсини қидириб тоғ ён бағирларида чуқурчалар қазиганлар. Неолит даврига келиб еса Учтутда чакмоқтош хомашёси олиш учун 4,5 ва 5 метрли ўралар ковланган. Керакли хомашёни чиқариб олиш учун ўранинг (шахтанинг) пастки қисмидан хар томонга кўшимча ёълақлар очиб борилган. Ўралар махсус тош, суяк ва ёғочдан ясалган кураксимон куроллар ёрдамида қазилган. Ўраларнинг деворидаги куракча излари еса хануз ўчмаган, хатто айрим иш куроллариининг намуналари бизгача сақланиб қолган. Ўра ковланган вақтда ишга яроқли хомашёга дуч келинса, кончилар уларни тош болталар ёрдамида ковлаб олганлар. Учтутда ана шу усулда чакмоқтош хомашёси жуда кўп қазиб олинган. Т.Мирсоатовнинг таъкидлашича, Учтутда юздан ортик шахталар мавжуд. Шундан 35 таси очиб ўрганилди ва шахта каналларидан тегишли куроллар топилди.

Учтут ёдгорлиги сингари шахталар фақат неолит даврига оид ёдгорликларда учрайди. Неолит шахталари Англия, Франция, Дания, Швеция, Шимолий Германия ва Белорусия каби давлатларда ҳам ўрганилган. Дастлабки шахталар фақат неолит давридангина пайдо бўла бошлаганлиги борасида олимлар яқдилдирлар. Олимларнинг таъкидлашича, бу даврда хомашёни ихтисослашган тарзда қазиб олиш жуда кенг кўлам касб етиб, у профессионал-касб даражасига етган. Кейинроқ, яъни бронза даврига келиб еса бу кашфиёт тоғ санъатининг бошланишига асос солади.

Ўзбекистонда уруғчилик жамоасининг неолит даври.

Неолитдан кейинги давр фанда енеолит (мис тош) номини олди. Бу даврнинг энг қадимги ёдгорлиги Ўрта Осиё шароитида дастлаб асримизнинг бошларида америкалик олим Помпелли (Помпеллй) ва инглиз археологи Г.Шмидт томонидан Анов тепада ўрганилди. Помпелли-Шмидт тадқиқотлари асосида Анов тепа 4 та хронологик босқичга бўлиниб, у то 1950 йилларга қадар Ўрта Осиё археологияси тарихида буюк кашфиёт сифатида енеолит ва бронза даври ёдгорликлари учун хронологик шкала бўлиб хизмат қилди.

1950 йилларнинг бошларига келиб Б.А.Куфтин Номозгохтепа материаллари асосида Помпелли-Шмидт археологик даврий системасига аниқликлар киритиб, Ўрта Осиё енеолит ва бронза даври ёдгорликлари учун 6 та хронологик босқични (Номозгох I, II, III, IV, V, VI) таклиф қилди. Кейинроқ Б.А.Куфтин ишининг давомчиси сифатида В.М.Массон унинг 60 босқичга бўлинган археологик даврий системасининг хар бирини иккитадан фазага бўлиб ўрганиш мумкинлигини асослаб берди. хозиргача Куфтин-Массон даврий ситемаси Ўрта Осиё енеолит ва бронза даври ёдгорликларининг йил санасини белгилашда асосий

таянч объекти сифатида хизмат қилади.

1950 йилларнинг бошларида Я.х.хуломов Ўзбекистоннинг қуйи Зарафшон хавзасида енеолит даврига оид Замонбобо қабристонини очди. 1960 йиллар бошларида А.Асқаров Я.х.хуломов ишини давом еттириб, Зарафшоннинг қуйи оқимида Каптарни куми ва Катта Тузкон 35 маконларини очиб ўрганди. Ўша йилларда Замонбобо қабристони яқинидан Замонбобо макони топилди. 1970 йилларнинг Ўрталарида Зарафшон воҳасининг юқори қисмида Саразм қишлоғида бу даврга оид классик ёдгорлик топилди.

Зарафшон воҳасининг ана шу ёдгорликларида ўтказилган изланиш натижаларига қараганда Суғдиёна худуди нафақат Ўрта Осиё балки жаҳон минтақаларида енеолит даврида юз берган тарихий воқеалардан четда қолмаган.

Бу она заминнинг таркиб топиши, ривожланиши ва гуллашида қадимдан Зарафшоннинг ўрни бекиёс ва беназир. Ана шу Зарафшон дарёси туфайли жуда қадим-қадимларда Сўғд бобо-деҳқонларининг қишлоқлари бу ўлкада қад кўтарди. Ана шундай қишлоқларнинг қолдиқлари эндилика Замонбобо ва Саразм маданиятлари номи билан фанга киритилди.

Яқин кунларгача Сўғднинг бош шаҳарлари бўлган Самарқанд ва Бухоронинг 25 асрлик шаҳар маданияти тарихининг илдизлари қайси даврга бориб тақалишини билмас едик. Шунинг оқибатида айрим тарихчилар орасида Самарқанд ва Бухорога шаҳар маданияти Ерон ахамонийлари ёки юнонистонлик еллинлар томонидан келтирилган, деган тасаввур пайдо бўлди. Замонбобо ва Саразм ёдгорликларининг топилиши ана шу ғайриилмий фикрларга нуқта қўйди ва Сўғднинг шаҳар маданияти айнан шу ўлканинг енеолит ва бронза даври ёдгорликлари-Саразм ва Замонбобо маданиятлари асосида келиб чиқанлиги исботланди.

Замонбобо аслида қадимда Зарафшоннинг қуйи оқими хавзасида, унинг қуриб бораётган ўзанларидан бирининг ёқасида ҳосил бўлган кўлнинг номи. 1950 йилда академик Я.х.хуломов ана шу кўлнинг шимолий соҳилидаги қадимги қабристонга дуч келди. Шунингдек у кўл ёқасида чўл шамоли учираб кетган тақирликда усти очилиб қолган бир неча қабрларни учратади. Кейинроқ маълум бўлишича, бу мазор енеолит даврининг сўнгги босқичи ва илк бронза даврига оид бебаҳо ёдгорлик бўлиб чиқди. Замонбобода ўтказилган қазишмалар даврида 45 та қадимги мазор қолдиқлари топиб ўрганилди. Ўрганилган қабрлар ҳозиргидек лаҳат шаклида бўлиб, улардаги скелетлар ўнг ва чап ёни билан худди она қорнида ётган чақолоқ сингари ғужанак бўлиб ётар еди.

Ибтидоий жамоа аъзолари кишиларнинг ўлимига ишонмаганлар. Улар ўлган одамга нисбатан мурда қаттиқ уйқуга кетди, энди у "нариги дунёда" яшамоғи керак деб билганлар. Шунинг учун бўлса керак, "нариги дунёга" кузатилаётган ҳар бир киши алоҳида тайёрланган идишларда овқатлар билан, ҳаётлик даврида нима билан шуғилланган бўлса, унинг касб-корига тегишли меҳнат қуроллари

билан, аёллар ва уруғ-қабилла оқсоқоллари еса ҳаётлик даврида кийиб юрган кийим-кечак ва зеб-зийнатлари билан қўшиб қўмилганлар. Бу урф-одатлар ислом дини тарқалган елу-юртларда то исломгача давом етди. Шунинг учун ҳам Замонбобода олиб борилган археологик қазилмалар вақтида еркаklar мазоридан қўпроқ чакмоқтошдан ишланган камалакнинг ўқ учлари-пайканлар, пичоқар, сопол идишлар ва уларнинг синиқлари чиқса, аёллар мазоридан сопол идишлардан ташқари қимматбаҳо тошлардан ясалган турли шаклдаги мунчоқлар, косметика буюмлари, сурмадон, мис ойна ва бошқалар топилди. Замонбобо қабристони материаллари ичида тошдан ясалган дасталари, аёл хайкалчаси, олтин мунчоқ ва бошқалар ҳам бор.

1961 йилда Замонбобо қабристони яқинидан шу маданиятга тегишли макон топилди. Макон қадимги кўчма қумлар остида қолган. Унинг майдонининг бир қисмида кўчма қумлар учиб, тақир юзаси очилиб қолган. Очилган тақир юзада юмронқозиқ қазиб чиқарган тупроқ уюми орасидан сопол парчаси ва оловга тушиб чиққан тошпичоқ ётар еди. Бу узоқ йиллар давомида топилмай келинаётган Замонбобо маконидан нишона еди. Шундан сўнг дарҳол маконда археологик қазилма ишлари бошланиб кетди. 1961-1964 йилларда ўтказилган археологик қазилмалар вақтида тақирнинг бир метригача ўйиб ишланган, катталиги 170 м.кв бўлган ертўла типига кулба ҳароба, иккита чайла қолдиқлари, кулолчилик ҳумдони синиқ парчалари топилди. Улар ўз вақтида қалин тупроқ ва кўчма қум остида қолиб кетган экан.

Макон майдонида бузилган ўчоқ ўринлари, кўплаб уй-рўзғор ва ҳўжалик асбобларининг парчалари, қорамол, қўй, эчки қаби уй хайвонлари ва ёввойи хайвонларнинг суяк қолдиқлари, қорайиб кетган буғдой ва арпа донлари, чириб кетган сомон қолдиқлари, тошдан ясалган кўплаб ёргучоқ синиқлари, чакмоқтошдан ишланган қистирма ўроқ парчалари, қамоннинг ўқ учлари, қимматбаҳо тошлардан ясалган ҳар хил мунчоқлар ва бошқа ашёвий далиллар топилди. Бу топилмалар Замонбобо макони аҳолисининг дехқончилик ва ҳонаки чорвачилик билан шуғулланганликларида дарак берарди.

Замонбобо макони илк бронза даври уруғ жамоасининг қароргоҳи бўлган.

Замонбобо макони ва қабристонида топилган баъзи бир материаллар жамоанинг атрофидаги қабилалар билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлигини кўрсатади. Масалан; безаклар ичида Бадахшон лазуритидан ишланган мунчоқлар бор. Сопол идишлар ичида еса илк бронза даврида Жанубий Туркманистонда ишланган идишлар учрайди. Ёки сопол идишларнинг шакли жиҳатидан Волгабуйи ва Жанубий Сибирь ибтидоий жамоалари билан иқтисодий ва маданий алоқалар бўлганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Замонбобо макони ва қабристони бир уруғ жамоасига тегишли ёдгорлик. Бу ёдгорликлар ўзбек халқининг узоқ ўтмиши тарихидан, илк дехқончилик маданияти билан шуғулланган бобо-деҳқонлар тарихидан дарак берувчи маданий

меросдир. Бу маданий мерос биргина Ўрта Осиё халқлари тарихидагина емас, балки жаҳон тарих фанида ҳам Замонбобо маданияти номи билан ҳақли ўрин олди.

Суғдиёнада илк дехқончилик маданиятининг бошқа бир буюк ёдгорлиги қадимги Саразм қишлоғи бўлиб, бу ёдгорликка 1977 йилдан буён панжикентлик археолог Абдулло Исаков археологик қазишмалар олиб бормоқда. ҳозирги Саразм қишлоғи Ўзбекистоннинг Тожикистон билан чегарадош Самарқанд вилоятидаги чегара раёнида жойлашган.

Саразмда қадимдан ўзбеклар яшаб келади. Шу қишлоқнинг Авазали участкасида истиқомат қилувчи Ашурали Тойлоқов 1976 йилнинг кузида ўз томорқаси ва қўшнилари ховлисида топилган сопол синиқлари, бронза болта ва пичоқлардан иборат ашёвий далиллар билан Панжикент музейига мурожаат қилади.

Ашурали Тойлоқов топилмалари тезда олимлар диққатини ўзига тортди ва бу қадимги маконда 1977 йилдан бошлаб тожикистонлик археологлар томонидан кенг кўламда қазишмалар бошланиб кетди. Саразм ёдгорлиги биргина собиқ СССР археологларинигина емас, балки АҚШ, Франция олимларининг ҳам еътиборини ўзига қаратди. Майдони 90 гектардан кам бўлмаган бу ёдгорликка ажнабий археологлар ҳам иш бошладилар. Халқаро ҳамкорликка ўтказилган қазишма ишлари қадимги Суғдиёнанинг илк дехқончилик маданиятига доир қимматбаҳо материаллар берди. А.Исаковнинг ёзишича, қадимги Саразм қишлоғида Зарафшон водийсининг бобо-деҳқонлари енеолит давридан то илк бронза давригача яшаган. Муаллиф археологик қазишмалар вақтида олиб борган илмий кузатишлари ва тўплаган ашёвий далиллари синчиклаб ўрганиш асосида ёдгорлик санасини 4 босқичга бўлган.

Биринчи босқичда Саразмга асос солинади, яъни қадимги бобо-деҳқонлар гуваладан кулбалар куриб Саразмни ўзлаштирадилар. Бир хонали кулбалар атрофи мудофаа девори билан ўраб олинади. Ана шу кулбалар яқинида уларнинг хилхоналари пайдо бўлади. Кулбалар ва хилхонани қазиш вақтида сиртига рангли безак солинган сопол парчалари, мис ойна, олтин ва қумушдан ясалган тақинчоқлар, қимматбаҳо тошлар-бронза, лазурит ва сердалиқдан ясалган мунчоқлар топилди. Саразмнинг биринчи босқичига оид материаллари кўп жихатдан Жанубий Туркманистонда топилган ва енеолит даврига оид ёдгорликларга айнан ўхшаб кетади.

Саразмнинг иккинчи босқичида қадимги қишлоқ ҳудуди анча кенгаяди, бир хонали гувала уйлар ўрнида ҳам ғиштдан ясалган кўп хонали уйлар пайдо бўлади. Айрим уйлар доирасида оилавий еътиқод жойи-думалоқ шаклда ишланган алтарь (оловхона) расмийлашади. Кўп хонали ховлилар оралиғида тор кўчалар ва майдонлар шаклланади.

қадимги қишлоқнинг икки жойида иккита алоҳида ибодатхона биноси қад

кўтаради. Бу бионинг деворларига оддий уйлардан фаркли ўлароқ қизил рангда нақш берилган ва уларнинг қоқ ўртасида алтарь жойлашган. Хўжаликда тошдан ишланган меҳнат қуроллари-тарози тошлари, тўқимачилик дастгоҳининг қисмлари, эшик ости тошлари, урчуқ тошлар, мисдан ишланган пичоқлар, ханжарлар, қармоқлар, игна ва бигизлар кўплаб учрайди.

Саразмнинг учинчи босқичида ижтимоий характердаги монументал бинолар пайдо бўлади. Бу монументал бинолар жамоа хазинахонаси, умум жамоа ибодатхонаси ва бошқалардан иборат еди. Бу даврда патриархал қабилалар кенгаяди, баъзи ҳолларда у ховлилар майдонида қулолчилик хумдонлари ва металл еритиш устахоналари пайдо бўлади. Бу босқичда ишлаб чиқаришнинг қатор соҳаларида ҳунармандчиликнинг турли ёъналишлари бўйича ихтисослашув жараёни содир бўлади. Қулолчиликда ичи ва сирти пардозланган сополлар кэскин камаяди. Уларнинг ўрнини маҳаллий анъанавий шаклдаги нақшлар егаллайди. Маҳаллий нақшлар ёрдамида ибодатхоналарнинг деворларини безаш одати вужудга келади. Бу босқичда металл билан ишлаш ҳунармандчилиги ривожланади. Натижада металдан ишланган меҳнат қуролларининг сони ва сифати кенгаяди. Олтин ва қумуш буюмлар жамоанинг нуфузли аъзолари қўлида тўпланади.

Тўртинчи босқичда Саразм маданиятида иқтисодий ва маънавий инқирознинг юз бергани кузатилади. Аввалги монументал маъмурий иморатлар ўрнини энди расмий қулбалар егаллайди. Аммо қулолчилик ва металлургия ҳунармандчилигида инқирозга ҳос белгилар кузатилмайди. Қулолчиликда биринчи бор чарх дастгоҳи кашф етилади. Шу муносабат билан сополлар тиниқ, уларнинг нақшлари оддий бўлиб, баъзи бир сопол гардиши бўйлаб рангли гуллар пайдо бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий табақаланишнинг айрим белгилари-**муҳрлар** пайдо бўлади. Улар **терракота**, тош ва металдан ясалган еди. Жамоа оқсоқоли, қабила бошлиғининг ҳукмронлик белгиси **туғри** пайдо бўлади.

Саразмнинг иккинчи босқичидан бошлаб уй-жой массивида, алоҳида ҳоналар ўртасида доира ва тўртбурчак шаклида ишланган алтарларнинг пайдо бўлиши қадимги саразмликларда оловга сиғинишнинг кўриниши еди. Бу диний ёътиқод Саразм даврига келганда маҳсус бош жамоа ибодатхонаси тусини олади.

Мавзу: Енеолит даври. Ўзбекистонда уруғчилик жамоасининг бронза даври.

Темир даври.

2-соат

Режа:

1.Енеолит даври ва манзилгоҳлари.

2.Бронза даври ва унинг ўзига ҳос хусусиятлари.

3.Бронза даври кашфиётлари.

4.Биринчи ва иккинчи меҳнат тақсимоatlари

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент. Ўзбекистон.1994.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак ёъқ. Шарқ. Тошкент. 1998.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. Шарқ.1998
4. Асқаров А.А. Ўзбекистон халқлари тарихи. Тошкент.Фн. 1992.
5. Асқаров А.А. Сополлители. Тошкент 1993.
6. Асқаров А.А., Абдуллаев Б.А. Джаркутан. Тошкент 1989.
7. Гафуров Б.Г. Тджии. Душанбе. Ирфон. 1989.
8. Исаков А. Саразм-новый раннеземледельческий памятник Средней Азии. СА. 1986 №1.
9. Исломов У. Фарғона водийсидаги биринчи қуйи палеолит даврига оид манзилгоҳ. ОНУ. № 8. 1994.
10. Исломов У. Обишир маданияти. Тошкент . 1980.
11. хуломов Я., Исломов У., Асқаров А. Зарафшоннинг қуйи оқимида ибтидоий давр маданияти. Тошкет. 1996.
12. Сагдуллаев А.С. Заметки о рнним железном вке Средней Азии. СА 1982. №2
13. Массон В.М. Енеолит Средней Азии. Москва. 1982.
14. қосимов М.Р. Кўлбулоқ кўп қатлам палеолит манзилгоҳи. Тошкент. 1968.
15. Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянкии погребения неандэртальса в гроте Тэшик-таш. Москва. 1949.

Ўрта Осиёда бронза милоддан аввалги ИИИ минг йилликнинг охири ва ИИ минг йилликнинг бошларидан маълум. Бронза даври "металлурглари" дастлаб металлни ер юзига чиқиб ётган рудадан олганлар, кейинроқ ер ости руда конларидан ҳам фойдаланганлар. қазиб олинган мис руда аввал очик гулханларда, сўнгра алоҳида печларда (сопол тигель) да еритилиб, ундан соф мис-металл ажратиб олинган ва уни қалайига қориштириб бронза олганлар. Бронза тош ва терракота қолипларига қуйилиб, ундан турли шаклларда қуроллар ва безаклар ясалган.

Бронзанинг кашф этилиши ибтидоий жамоа хўжалигида рўй берган буюк маданий-хўжалик ихтиро еди. Шу муносабат билан меҳнат қуролларининг тури кўпайди, харбий қуролларнинг хили ва жанговарлиги ортди. Бронзадан ясалган уй-рўзғор буюмлари ҳам пайдо бўлди. Аммо бронза меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш учун нодир ва камчил металл бўлиб қолаверди. У меҳнат қуроллари ясада тош хомашёсини узил -кесил сиқиб чиқара олмади.

Бронзадан асосан турли безаклар, уй-рўзғор ва хўжалик буюмлари, харбий қурол-аслаҳалар ва меҳнат қуроллари ясайдиган махсус темирчилик чилангарлик ва заргарлик устахоналари вужудга келди. хунармандчиликнинг ихтисослашуви билан минтақаларо айрибошлаш кучайди. Вилоятларни иқтисодий жихатдан

боғлаб турувчи табиий алоқа ёъллари пайдо бўлди. Масалан, Ўрта Осиё раёнларини Хитой билан боғлаб турган "ипак юли" ёки Бадахшон лаълисининг Яқин Шарқда ёйилишини таъминлаган лазурит юлини еслаш мумкин. Алоқа бобида курукликда транспорт сифатида хайвонлар (от, хўкиз, эшак туя) кучидан фойдаланиш бошланди. хайвонлар қўшилган ғилдиракли аравалар вужудга келди. Масалан, уларнинг лойдан ишланган намуналари бронза даври ёдгорликларидан кўплаб топилган.

Археолог олимларнинг Ўрта Осиё худудида олиб борган илмий изланишларининг натижаларига кўра бронза даврида аҳолининг асосий хўжалиги чорвачилик ва дехқончилик бўлиб қолди.

Чорвачиликни биринчи бор аёллар кашф етган. Матриархал уруғи жамоалари хукмронлик қилган даврда хали ибтидоий аجدодларимиз тўла-тўқис табиат кучлари олдида ожиз едилар, уларнинг кундалик ҳаёти овчилик ва термачиликдан келадиган даромадга боғлиқ еди. Ана шундай шароитда аёллар олдида еркаklar овдан олиб келган ов ўлжасини тежаб-тергаб сарфлаш вазифаси доимо кўндаланг бўлиб турарди. Ерлар ҳам ма вақт ҳам овдан ўлжа билан қайтавермас едилар. хайвон ови йилнинг ҳар фаслида бўлгани сабабли овчилар овдан хайвон болаларини ўлдирмай тутиб келган ҳоллар кўп бўлган. Шу боис матриархал уруғ жамоалари ихтиёрида ўзининг ёввойи табиати билан одамлардан чўчимайдиган, аёллар ва болаларга ергашадиган хайвон болалари пайдо бўлди. Бундай хайвонлар Ўрта Осиё шароитида аввал эчки, қўй ва қорамол бўлиб чиқди. Ов пайтида тириклайин қўлга киритилган ана шу хайвоннинг болаларини аёллар парвариш қила бошладилар. Шундай қилиб, жамоада уй хайвони пайдо бўлди, чорвачилик хўжалигида дастлабки қадам қўйилди. Овдан ўлжа билан қайтмаган еркаklar уй хайвонларини парвариш қилишда энди аёлларга ёрдам бера бошладилар. Аста-секин уй хайвонлари овга нисбатан хўжаликка нафи кўпроқ тегадиган ишончли даромад манбаига айланиб борди. Уй хайвонлари жамоани биргина гўшт махсулотлари билан емас, балки сут махсулотлари билан ҳам таъминлайдиган бўлди. Уй хайвонидан келадиган фойдани кўрган ибтидоий аجدодларимиз хайвон парваришладан, чорвачилик каби янги хўжалик тармоғини ривожлантиришдан манфаатдор бўлиб қолдилар. Шундай қилиб материархал уруғ жамоаси даврида чорвачилик келиб чиқди. Унинг ихтирочилари оналар бўлдилар.

Дехқончиликнинг пайдо бўлишида ҳам аёллар асосий ролни ўйнаганлар. Ерлар овга кетганда улар келтирган ов ўлжаси-тирик хайвон болаларини боқиш ва уларга ем-хашак топиш, дастлаб аёллар зиммасида еди. Бутун тош даври давомида хукмронлик қилган табиий меҳнат тақсимооти аёллар зиммасига термачиликни, яъни ёввойи бошоқли ўсимликларни йиғиш, ёввойи дарахт меваларини териш вазифасини юклади. Аёллар ёввойи бошоқли ўсимликларни йиғиб уруғ жамоаси маконига келтирар еканлар, уларни янчиш, тозалаш

жараёнида жамоа кулбалар атрофида беихтиёр тўқилган донлардан униб чиққан нишонларни кузатмаслик мумкин емас еди. Табиат мўъжизаларини кузатиш бобида тенги ёъқ иқтидорга ега бўлган аждодларимиз аста-секин уруғ жамоалари кулбалари атрофида ҳамда ўзларига яқин-узокда бўлган жойларда униб чиқаётган майсазорларни сезмаслиги мумкин емас еди. Шу боис дехқончиликка қўйилган биринчи қадам дастлаб жамоа кулбалари атрофида униб чиққан дон екинларини авайлаб парвариш қилишдан бошланди. Бу ишни ҳам аёллар бошлаб бердилар. Дехқончиликдан келадиган даромад термачиликка нисбатан юз бор, минг бор унумли еди. Буни ибтидоий бобокалонларимиз жуда тез пайқаганлар. Шундай қилиб дехқончилик хўжалиги пайдо бўлди.

Осиё шароитида, аниқроғи унинг жанубий раёнларида дехқончилик неолит даврида пайдо бўлди. Енеолит ва бронза даврига келиб дехқончилик ва чорвачилик ўзининг дастлабки ривожланиш босқичларини босиб ўтиб, бу хўжаликлар билан энди асосан еркаклар шуғулланадиган бўлдилар.

Ўрта Осиёда бронза даври ибтидоий жамоа хўжалиги икки зона бўйлаб ривожланишда давом етди. Агар бу тарихий манзара Ўзбекистон мисолида кўрилганда ҳам бронза даври жамоалари ҳаётида зоналараро ривожланиш кузатилади. Масалан, Ўзбекистоннинг жануби-шарқий ва марказий раёнларида, Фарғона водийсининг шимоли-шарқий раёнларида, Тошкент воҳасининг дарё хавзаларида, қарши воҳасида ўтроқ дехқончилик хўжаликлар бронза даврининг сўнгги босқичларида ташкил топди. Ўрта Осиёнинг, жумладан Ўзбекистоннинг камсув, чўл ва дашт раёнларида кўпроқ чорвачилик учун табиий-жуғрофий қулайликларга ега еди. Дарҳақиқат, у ерлар қадимги чорвадор қабилаларнинг макони бўлди, дехқончилик еса бу раёнларда фақат дарё етакларида, махсус суғоришни талаб етмайдиган пастқам, захкаш, ботқоқ жойларда олиб борилди. Бундай дехқончилик учун айиқса Зарафшон, Амударё ва Сирдарё етаклари, уларнинг дельта тармоқлари қулай еди. Бронза даврининг охирларига келганда бу раёнларда ҳам кичик-кичик дехқончилик воҳалари ташкил топа бошлади. Чорвадор қабилаларнинг ўртоқлашуви фаоллашди ва уларда ҳам кейинроқ суғорма дехқончилик вужудга келди.

Бу даврда, биринчи навбатда, суғорма дехқончилик базасида қад кўтарган доимий қишлоқарнинг кўпайиши, уларда яшаётган аҳоли сонининг тобора зичлашиб бориши ва янги ерларни интенсив ўзлаштириш жараёнининг кучайиши кузатилади. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда қанчадан-қанча дехқончилик маданияти ўчоқари вужудга келди, ибтидоий хунармандчилик хўжалигининг турли соҳаларида янгидан-янги ихтиролар қилинди. Масалан, бронза даврида металл билан ишлаш хунармандчилиги, заргарлик уй-жой қурилишида-ғиштдан фойдаланиш, кулолчиликда-чархдан фойдаланишга ўтиш уруғдошлик жамоасининг маданий-хўжалик соҳасидаги йирик кашфиётларидан хисобланади.

Археологик материалларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиёнинг жанубий дехқон жамоалари билан шимолий чорвадор қабилалари ўртасида ўзаро иқтисодий ва қон-қриндошлик муносабатлари кенг ривожланган. Бирининг маданий-хўжалик ютуғидан иккинчиси фойдаланган. Бу икки зона ўртасидаги алоқалар ва етник муносабатларнинг давом етиши натижасида ибтидоий жамоа иқтисодиётининг асосини ташкил етган чорвачилик ва дехқончилик хўжалиги ва улар доирасида шаклланиб бораётган хунармандчилик янада ривож топган.

Милоддан аввалги ИИ минг йиллик Ўрталарида қозоғистон чўлларида яшовчи чорвадорлар (археологияга оид асарларда улар "Андронов маданияти" чорвадорлари деб юритилади) аввал Ўрта Осиёнинг шимолий раёнларига, сўнг еса унинг жанубий чегараларига-енг қадимги дехқончилик маданияти зонасигача кириб бордилар.

Айниқса унинг охирги чорагида "чўлли зона" чорвадорларининг жанубга юриш ва у ердаги маҳаллий ўтроқ аҳоли билан аралашиб кетиши фаоллашади. Натижада Ўрта Осиё аҳолиси етник таркибида турли антропологик тип вакиллариининг аралашishi жараёни жадаллашади.

Бу воқеалар Ўрта Осиё халқларининг, аввало ўзбеклар ва тожикларнинг этногенетик тарихида юз берган биринчи йирик жараён еди.

Ибтидоий уруғчилик жамоалари заминида чорвачилик ва дехқончилик хўжаликлари таркиб топгач, жамоа ихтиёрида ортиқча даромад пайдо бўлди. Жамоада ортиқча истеъмол молларининг мавжудлиги уруғлар ва қабилалар ўртасида айрибошлашни келтириб чиқарди. Айрибошлаш ўз навбатида қабилалараро иқтисодий, маданий ва етник алоқаларнинг пайдо бўлишига асос солди.

Бронза даврига келиб дастлаб аёллар машғулоти бўлиб келган дехқончилик ва чорвачилик хўжаликлари билан шуғулланиш еркаklar қўлига ўтгач, энди аёллар уй-рўзғор ишлари фарзанд туғиш ва тарбиялаш юмушлари билан кўпроқ банд бўлиб, бир вақтнинг ўзида чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланишга вақт тополмай қолдилар.

Бу хўжалик ихтиролари кўпроқ еркаklar меҳнатини талаб етар еди. Шу боисдан бўлса керак жамоада моддий бойлик яратувчи куч сифатида болалар олдида еркаklarнинг роли тобора ортиб борди. Жамоада еркаklar мавқеининг ортиб бориши ҳисобига матриархал уруғ жамоаси негизига зил кетди.

Ана шундай шароитда жуфт оила ўзининг дастлабки босқичида аёллар ҳақ-ҳуқуқлари асосида қурилган ижтимоий мазмун ва моҳиятини ёъқотди. Жуфт оила энди ўзининг сўнгги босқичига, яъни оилада еркаklar ҳукмрон бўла бошлаган босқичга кўтарилди. Ендиликда жуфт оила матриархал уруғ жамоаси манфаати асосида емас, балки патриархал уруғ жамоаси иқтисодий негизи асосида қуриладиган бўлди. Оддий сўз билан айтганда, жамоани, унинг таркибида

шаклланган оилани бошқариш аёллар ихтиёридан еркаклар қўлига ўтди. Шундай қилиб патриархал яъни ота уруғи бошланди.

Ота уруғининг вужудга келиши уруғ жамоаси доирасидаги турли муносабатлар мохиятини ўзгартириб юборди. Икки уруғ ўртасида бир неча минг йиллар давом етган гурухий никоҳ тизими бузилди. Жуфт оила ўз мазмуни билан моногония (якка) оила даражасига кўтарилди. Бунга кўра оилада ернинг ҳақ-хуқуқи мустахкамланди. Еркаклар чексиз ҳуқуқ ва давлат егаси сифатида оилани бошқарди. Ибтидоий уруғчилик жамоаси иқтисодий негизида содир бўлган бу ўзгаришлар ўз навбатида уруғчилик жамоа тузумининг емирилишига, дастлабки синфий жамият асосларининг вужудга келишида хизмат қилди. Бундай инқилобий ўзгаришлар бронза даврида, айниқса унинг сўнгги босқичида юз берди. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон шароитида бу босқич тарихимизнинг археологик даврий тизимида милoddан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларига тўғри келади.

Жанубий Ўзбекистонда қадимги дехқончилик маданияти.

Жанубий Ўзбекистон ҳақида фикр юритилганда биринчи навбатда Сурхондарё вилояти кўз ўнгимизда гавдаланади. Яқин кунларгача вақтли матбуотда бу ўлкада қуш учса қаноти, қўнса оёғи қуяди, деган қарашлар тез-тез учраб турарди. Бу ўлка фанда қадимги Бақтриянинг ажралмас таркибий қисми сифатида тан олинса-да, унинг қадимги (антик) даври тарихи ва маданияти Ерон ахамонийлари ва юнонистонлик еллинлар туфайли камол топди, деган тасаввур мавжуд еди. Бу ўлка тарихининг илдизидан ана шу ажнабий мустамлакачиларнинг ўрни ва роли қидириларди. Бундай қарашлар Оврупа сентризми таъсиридаги совет даври олимларига хос илмий ёъналиш бўлиб келди.

Тарихий ҳақиқат нуктаи назаридан фикр юритганда шуни таъкидлаш керакки, Жанубий Ўзбекистоннинг юксак даражада ривожланган антик давр маданияти шу ўлканинг бронза даври дехқончилик маданияти асосида ташкил топди. Хўш, бундай ўта маъсулиятли илмий ҳулосага қандай келинди? Мазкур мавзуда ана шу саволга жавоб қидирилиб, бронза даври маданий дунёси билан танишиш имконияти пайдо бўлади.

1960 йилларда Шеробод чўлини ўзлаштириш режаси муносабати билан замонавий техника ёрдамида бу ҳудудда янгидан-янги давлат хўжаликлар қад кўтара бошлади. Бу ишлардан огоҳ бўлган археологлар отряди ҳам Шеробод чўлида ишлай бошлади. Археологик қидирув ишлари давомида қушонлар даврига оид бир қанча ёдгорликлар топилди. Бу ёдгорликлар орасида бронза даврига оид Сополлитепа ёдгорлиги ҳам бор еди. Сополлитепа Амударёдан 2,5-3 км лар чамаси шарқда, Кўхитонг тоғи дараларидан бири бўлган қайнарбулоқ асосида-вужудга келган Уланбулоқ сойининг ёқасида жойлашган. Милoddан аввалги III

минг йилликнинг иккинчи чорагида Уланбулоқ сойининг куйи хавзасида қадимги бобо-дехқонларимизнинг қишлоғи қад кўтаради. Ана шу қишлоқ харобалари аҳоли орасида Сополлитепа деб юритилади.

1969-1974 йилларда Сополлитепада илмий изланишлар олиб борилди. Сополлитепанинг дастлабки майдони 4 га. га яқин бўлган. Унинг яқин атрофида яна бир неча тепачалар бўлган. Аммо улар ҳамда Сополлитепанинг катта қисми 1960 йилларнинг бошларида бузиб ташланган ва пахта майдонига айлантирилган. Унинг сақланган марказий қисми квадрат шаклида бўлиб, майдони 82х82 м.кв, атрофи уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Деворларнинг қалинлиги 2 м дан ортиқ. Бу деворлар жуда мураккаб меъморий режа билан қурилган. қадимги муҳандисларнинг ғоясига кўра, дастлаб мудофаа тизими тўлғама тузоқ усулида ишланиб, аниқ ўлчамдаги коридорсимон блокларга бўлинган. Ташқи блоклар дахлиз типидagi хоналар орқали ичкаридаги уй-жойлар билан бирлаштирилган. Ички блоклар мудофаа тизимида қопқон родини ўйнаган. Таиқаридан қараганда улар гўё қалъа ичига олиб кирувчи дарвозаларни еслатади. Аслида худди шу типда ишланган ягона дарвоза қалъанинг жанубий томонида жойлашган еди.

қазишмалар шуни кўрсатадики, мудофаа тизимини ташкил етган ички ва ташқи блоклардан Сополлитепанинг кейинги босқичларида хар хил мақсадларда (уруғ хилхонаси, уй-жой, кулолчилик хумдони) фойдаланилган.

қалъа - кўрғон ичида жойлашган уй-жой мажмуилари кўчалар орқали 8 та кварталга бўлинган. Аммо хар бир квартал доирасида уй-жой қурилиши бир вақтда юз бермай, Сополлитепа тарихининг барча босқичларида содир бўлган.

Сополлитепа аҳолиси Жанубий Ўзбекистон худудининг енг қадимги дехқонлари еди. Бу ердан топилган жуда бой ва хилма-хил материаллар тахлили, уларни бошқа ўлка ва вилоят ёдгорликлари билан қиёслашлар Сополлитепа аҳолисининг бу юртларга қўшни Марғиёнадан дехқончиликка қулай ерлар кидириб келган қабилалар еканлигини кўрсатади.

Сополлитепани қазиш вақтида хом ғиштдан қурилган кўп хонали уй-жой қолдиқлари, тошдан, бронзадан, суядан ясалган турли шакл ва кўринишдаги меҳнат қуролилари, уй-рўзғор асбоб-ускуналари, хужаликда, харбий ишда, овчилик вақтида, зироатчилик, хунармандчиликда ишлатиладиган қуролилар, сопол идишлар, турли тақинчоқ ва безаклар, уруғ ва қабила муҳрлари, тамғалари топилдики, уларнинг ишланиш техникасига қараб Сополлитепа аҳолисининг ўз даврида юксак маданий-хўжалик ривожига еришганлигининг гувоҳи бўламиз.

Сополлитепа даврида уруғ жамоа аъзоси оламдан ўца, уни ўзи яшаган хонанинг поли остига, эшик ва ўчоқ олдида, хона девори остига кўмиш одати бўлган. Агар ўлган кимса жамоада нуфузли обрўга ега ёки уруғ оқсоқоли бўлса, у холда унинг қабри унга ажратилган хонанинг қоқ ўртасида жойлашган. Сополлитепаликлар абадий ўлимга ишонмаганлар, "нариги дунё" тушунчаси

уларда кучли бўлган. Шунинг учун бўлса керак қабрга ўлган кишини ўз шахсий мулки ва уруғдошлари келтирган идиш-товоқлардаги овқатлар билан кузатганлар.

Мозорларга қўйилган нарсаларнинг таркибига қараб, мархумнинг дурадгор уста, бўзчи, кулол, подачи, овчи ёки жангчи, табиб, чилангир бўлганлигини айтиш мумкин. Баъзи мозорларга бедарак ёъқолган жамоа аъзосининг рухи кўмилган. У холда қабрга, одатда, одам хайкалчаси ёки қўй ва эчки боласи кўмилган. Бундай мозорлар фанда "кенетаф" деб аталади.

Сополлитепада ҳаёт тахминан икки юз йиллар давом етган. Янги ерлар ўзлаштириш мақсадида унинг аҳолиси шарққа томон силжиб, ҳозирги Шеробод шаҳри яқбнига Оққўрғон қишлоғи ҳудудига кўчиб кетадилар, Шеробод дарёсининг қуйи оқимидаги Бўстонсой ўзани ёқасига жойлашадилар. ҳозирги кунда Оққўрғонликлар бу жойни Жарқўтон деб аташади. Ана шу Бўстонсой соҳилида бундан 3,5 минг йил аввал майдони 100 гектардан кам бўлмаган қишлоқ қад кўтарган. Уйнинг аҳолиси ҳудди сополлитепаликлар сингари дехқончилик хўжалиги билан шуғилланганлар. Сополлитепада нима топилган бўлса, ана шундай ашёвий далиллар Жарқўтонда ҳам топилди. Жарқўтонликлар бу жойда 500 йилча яшашган.

Жарқўтон Сополлитепадан фарқли ўлароқ, уч қисмдан иборат. Унинг 5 гектарга яқин майдонининг атрофи мудофаа деворлари билан ўралган бўлиб, бу ер Жарқўтон ёдгорлигининг арки аълоси бўлиб чиқди. Археологик қазилмалар натижаларига кўра, арк ичида ҳукмдорнинг қароргоҳи жойлашган. Жарқўтон аркига туташ бир неча уй-жой массивлари бўлиб, уларнинг ўртасида, ёдгорликнинг енг баланд қисмида оташпарастларнинг ибодатхонаси очилган. Уй-жой массиви арк майдонига нисбатан 10-15 марта катта. Унинг жанубида камида 15-20 гектар майдонни егаллаган қадимги шаҳар қабристони пайдо бўлган .

Жарқўтонда қазилма ишлари 1973 йилда бошланди ва ҳозиргача давом етмоқда. Шу давр ичида Жарқўтонда катта миқёсда уй-жой массивлари, мудофаа иншоотлари, ҳунармандчилик устaxonалари, 2 мингдан ортиқ қадимги қабрлар очилди. Оташпарастлик ибодатхонаси ўрганилди, қабила иттифоқи жамоасининг қароргоҳи-ҳукмдор саройи топилди. Жарқўтон ёдгорлигининг ҳар хил босқичларида фаоллик кўрсатган уруғ жамоаси бошлиқларининг қабрлари очилди.

Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларини ўрганиш натижасида бундан деярли 3,5-4 минг йиллар аввал, яъни бронза даврида яшаб, суғорма дехқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланган уруғ жамоаларининг ҳаёт фаолияти, диний ёътиқоди, касб кори, кундалик турмуш тарзи, расм-русмлари ва урф-одатлари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш имконияти туғилди. Бу ёдгорликлар фанга Сополлитепа маданияти номи билан кирди.

Сополлитепа маданияти уруғ жамоалари ҳаётида ҳунармандчилик муҳим аҳамият касб етган. Сополлитепа маданиятига тегишли ёдгорликлардан топилган

материалларга қараганда хунармандчиликнинг қатор соҳалари бу даврда ўзининг юксак ривожини топган. Бу борада кулолчилик алоҳида диққатга сазовордир. Сополлитепа кулоллари тажрибали едилар. Улар ясаган сопол идишлар ўзининг хилма-хиллиги, сифати ва пиширилиши жиҳатдан ҳозирги замон чинни ва хрустал саноати маҳсулотларидан қолишмайди. Ўша замон кулолчилик маҳсулотлари 3,5-4 минг йиллар давомида ўз шакли ва таркибини ўзгартирмай ҳозиргача сақланиб келади. Сопол идишларнинг барча турлари кулолчилик чарҳида ишланиб, икки ярусли хумдонларда пиширилган. Идишлар жуда нафис, чиннидек жарангдор кўринишда санъат намунаси сифатида гўзалликда тенги ёъқ даражада ишланган. Идишлар лойдан ташқари бронзадан, тошдан, ёғочдан ҳам ишланган. Айрим мозорларда лух ва арпапоядан тўқилган корзиналар ҳам топилди.

Сополлитепада хунармандчиликнинг бошқа бир тури-тўқимачилик ҳам ўзининг юксак ривожини топган. Бу ердаги мозорларнинг бир нечтасидан кийим қолдиқлари ҳам топилди. Бу кийим қолдиқлари илмий лаборатория текширувидан ўтказилганда уларнинг пахта ва табиий ипакдан ишланганлиги маълум бўлди. Бу буюк ихтиро еди. Чунки бу ўтмиш бобокалонларимизнинг бронза давридан бошлаб пахта билан шуғулланганликларидан далолат беради. Яқин кунларгача мактаб дарсликларида ипакнинг ватани Хитой еканлиги, ўша томонлардан милодий еранинг бошларида сўғдлик сайёхнинг хассаси ичига ипак курти уруғини солиб яширин ҳолатда олиб келиб, Ўрта Осиёга тарқатганлиги тўғрисидаги тасаввур ҳукмрон еди. Ана шу номаълум сайёх ҳақидаги хикояга асосланган ҳолда Ўрта Осиёда, ўзбек ва тожиклар тарихида ипакчилик 2 минг йиллик тарихга ега, дейилар еди. Ендиликда Сополлитепа топилмалари бу қарашларга жиддий тузатишлар киритиб, Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ипакчилик тарихининг илдизлари бронза даврига бориб тақалиши исботланди.

Ўзбекистонда пахтачилик тарихи ҳам 1,5-2 минг йилдан ошмас еди. Ендиликда унинг тарихи 3,5 минг йилдан кам емаслиги аниқланди. қадимги бободехқонларимиз ҳаётида металл билан ишлаш хунармандчилиги ҳам юксак даражада ривожланган. Археологик қазилмалар вақтида юзлаб металл буюмлар-оддий уй-рўзғор асбоб-ускуналаридан тортиб, то ҳарбий қуроолларгача, аёлларнинг косметика-сурмадонларидан тортиб то хилма-хил идишларигача металлдан ишланганлиги маълум бўлди. Олтин ва қумушдан, қимматбаҳо тошлардан турли безаклар, тақинчоқлар, ҳар хил шаклдаги мунчоқлар ясалган. Жез ойналар, тўнағич ва хайвон маъбудалари, уруғ жамоасининг нақшдор муҳрлари ва тамғалари ҳам металлдан ишланган. Булар нафис санъат хунармандчилигининг маҳсулоти еди. Айниқса, Сополлитепа маданиятида уй-жой қурилиши, мудофаа тизимининг мураккаб меъморий анъаналари кишини лол қолдиради. Уй қурилишида хом ғиштдан кенг фойдаланилган. Уй-жой ва ижтимоий биноларнинг интерьерларига пардоз беришда у давр усталари бой тажрибага ега едилар. Бу масалада, фикримизнинг далили сифатида, Жарқўтондан

топилган андавани курсатиш мумкин.

Юқорида еслатиб ўтилганидек Жарқўтонда бутун вилоят аҳолига хизмат қилган оташпарастларнинг ибодатхонаси очилди. Ибодатхонанинг атрофи қалин (4,5 м) девор билан ўраб олинган. Ибодатхона икки қисмдан, яъни муқаддас оташкада ва ишлаб чиқариш-хўжалик қисмларидан иборат. Ибодатхонанинг муқаддас қисми квадрат шаклида бўлиб, 35х35 метрга тенг. Унинг таркибида муқаддас олов ва сувга сиғиниш билан боғлиқ унсурлар бор (муқаддас қудуқлар, алтарлар, кулхона, хазинахона ва нихоят 4 та бош алтарлар жойлашган баланд майдон) бор. Ибодатхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик қисмида муқаддас ичимлик-хаома тайёрлайдиган хона, мазор инвентарлари тайёрлайдиган устахоналар ва ибодатхонага ажратилган озиқ-овқат омбори жойлашган.

Ибодатхонада ҳеч ким яшамаган, у фақат оловга сиғиниш билан боғлиқ бўлган урф-одатлар ва диний марсимлар ўтказиш маркази эди. Оташпарастлик ибодатхонасига хос бўлган айрим элементлар кейинчалик тўлалигича зардуштийлик дини томонидан ўзлаштирилди. Жарқўтон ибодатхонаси бронза даврига оид оташпарастликнинг йирик диний ётиқод ва мафкура маркази эди. Жарқўтон ва унинг яқин атрофида жойлашган жамоалар муқаддас оловга сиғиниш ва қазо қилган уруғдошларини кўмиш маросими билан боғлиқ бўлган барча масалаларда шу диний марказдан фатво олганлар. Ибодатхонада хизмат қилган кохинлар ибтидоий жамоа аъзоларининг диний ва маънавий дунёсини шу ерда туриб бошқарганлар.

қадимги шаҳарлар ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш керакки, олимлар ҳозиргача дастлабки илк шаҳарлар Ўрта Осиё шароитида илк темир даврида, яъни бундан 2,5 минг йил аввал пайдо бўлди, деган тасаввурда едилар. Дарҳақиқат, яқин кунларгача ҳам бу фикрни инкор етувчи илмий далилларга ега эмас едик.

Ўрта Осиёнинг ўтроқ дехқончилик маданияти ривожланган минтақларда бронза давридаёқ илк шаҳарлар мавжуд эканлигини профессор В.Массон Жанубий Туркманистон ёдгорликлари мисолида исботлаб берди. В.Массон Олтинтепада қазилмалар ўтказар экан, у ерда қатор хунармандлар массиви, қалин шаҳар муҳофаа девор қолдиқлари ва диний марказ Зиккуратни топди.

Олтинтепа ёдгорлигида мулкый тенгсизлик аломатлари ҳам кўзга яқол ташланади. Айниқса бу ҳолат қабила ва уруғ жамоалари бошлиқларининг мазорларида ўз аксини тўлиқ топган. Енди Сополлитепа ва Жарқўтон масаласига келсак сополлитепаликлар хунармандчилик бобида аллақачон илк шаҳар талаби даражасига кўтарилган. Жарқўтон еса Олтинтепа типигаги илк шаҳар эди. қадимги Шарқнинг илк шаҳарларига хос элементларнинг деярли барчаси Жарқўтонда шаклланган. Масалан, Шарқнинг қадимги шаҳарлар икки қисмдан, яъни арки аъло ва шахристондан ташкил топган. Бу аломатлар Жарқўтонда мавжуд бўлган. Арки аълода ҳукмдорнинг қароргоҳи-саройи бошқа бинолардан ўзининг бахайбат селовати билан ажралиб турган. У квадрат шаклида бўлиб,

ўлчами 36x36 метрга тенг. Атрофи қалин мудофаа девори (4,5 м) билан ўраб олинган. қалъага кириш дарвозаси бор. қадимги Шарқнинг илк шаҳарларга хос аломатлардан яна бири бу шаҳар миқёсидаги бош ибодатхонанинг шаклланиши еди. Бу факт ҳам Жарқўтонга мансуб. Бу оила ибодатхонаси емас, балки умумшаҳар диний-ётиқод марказидир.

Жарқўтонда хунармандчиликнинг кўпгина ёъналишлари бўйича шаҳар хунармандчилигининг талабларига жавоб берувчи махсулот ишлаб чиқариш оммавий тус олган. Бу еса хунармандчилик махсулотлари бозор учун ишлаб чиқарилганлигидан дарак беради. Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларини ўрганиш туфайли қуйидаги муҳим илмий хулосаларга келиш мумкин.

1. Ўзбекистон худудида сунъий суғоришга асосланган ўтроқ дехқончилик маданиятининг келиб чиқиш тарихи тахминан минг йилга қадимийлашди. Республикамиз худуди қадимги Шарқ маданияти ёйилган минтақанинг ажралмас қисми еканлиги исботланди. қоракўлчилик, ипакчилик, пахтачилик, боғдорчилик каби хўжалик соҳалари бўйича Ўзбекистон тарихига оид қатор аниқликлар киритилди.

2. Илк шаҳарлар тарихи ҳақидаги тасаввуримиз ва Ўрта Осиё шароитида роса минг йилга қадимийлашди.

3. Ўрта Осиё ва Ерон халқларининг қадимги диний ётиқоди-зардуштийликнинг илдизлари Ўрта Осиёда, жумладан Бактрия ва Марғиёна худудида еканлиги исботланди.

Ўрта Осиё илк шаҳарларининг пайдо бўлиши заминлари авваллари Ерон худудидан кидирлиган бўлса, Ендиликда унинг моддий ва маънавий асоси республикамизнинг жанубий раёнларида ҳамда Жанубий Туркменистон худудида еканлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон худудида бронза асрининг чўл зонаси. Чорвадор қабилалар маданияти.

Бронза даврида Ўрта Осиёнинг чўл ва даштларини чорвадор қабилалар егаллаган едилар. Улар иқтисодий ҳаётининг асосини чорвачилик ва ибтидоий мотиға дехқончилик хўжалиги ташкил етарди. Бу қабила жамоалари яшайдиган қишлоқлар енгил типдаги қароргоҳ ёки қисқа муддатли маконлар бўлиб, улар Амударё, Сирдарё ва Зарафшоннинг қуйи хавзаларида, Ўрта Осиё тоғ етаклари ва тоғ ёнбағирларидаги сув ёқаларида истиқомат қилар едилар. Бронза даврида чорвадор қабилалар кенг ёйилган раёнлар асосан Ўрта Осиёнинг чўл зонаси бўлгани учун бу қабила жамоалари махсус адабиётларда "бронза асрининг чўл зонаси қабилалари" номи билан юритиладиган бўлди. Бу қабилалар маданий ва хўжалик қурилиши соҳасида жанубнинг ўтроқ дехқончилик билан шуғулланувчи жамоаларидан анча орқада едилар. Улар кулолчилик чархини бронза даврида

умуман билмай ўтдилар. Сопол идишларнинг хили жуда кам бўлиб, идишлар кўлда ясалар, кўпол ва мўрт еди. Сопол идишлар очик гулханларда пиширилиб, уларнинг сиртига еса чизикли, тароқ ва босма усулда турли хил геометрик нақшлар берилар еди. Аммо кулолчиликда қоқоқлик металл билан ишлаш хунарамандчилигида асло сезилмади. Шунинг учун ҳам дехқончилик ва чорвачилик зоналари ибтидоий жамоалари ўртасида бўладиган иқтисодий ва маданий алоқалар вақтида аввало дашт қабилаларининг бронза индустрияси хомашё сифатида кенг муомалада бўлар еди. Дашт қабилалари дехқон жамоаларидан фарқли ўлароқ, ертўла ва ярим ертўла типига кулбаларда яшар едилар. Хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги бу тафовутлар хар бир зонанинг жуғрофий ва экологик шароитидан келиб чиққан. Лекин бу икки минтақа ахолиси ўртасида хўжалик ва маданий алоқалар давом етиб турган. Дехқон жамоаларининг дашт қабилалари моддий маданиятга таъсири кучли еди. Дехқон жамоаларининг илғор хўжалик ва маданий таъсирида бронза даврига келиб алоҳида археологик маданиятлар шаклланди. Ана шундай дашт қабилаларининг ўзига хос археологик мажмулари Зарафшон ва Амударёнинг қуйи хавзаларида, Фарғона водийсида ташкил топди.

С.П.Толстов 1930 йилнинг Ўрталаридан Амударёнинг қуйи хавзасида, қадимги Хоразмда кенг кўламда археологик изланишлар олиб борди ва қатор оламшумул кашфиётлар қилди. С.П.Толстов фаолиятига тегишли кашфиётлардан бири 1938 йили Амударё етакларида, қадимги Хоразм ерида топилган Тозабоғёб маданияти еди. Бу маданият жамоалари бронза даврида, яъни милоддан аввалги III минг йилликнинг ўрталарида шаклланган. Улар Тозабоғёб канали зонасида қисқа муддатли бир неча маконлар қолдириб кетганлиги учун шундай деб аталди. Бу маданият ахолиси асосан ертўлаларда, чайлаларда яшаб, чорвачилик билан, дарё етакларидаги пастқам, захкаш ерларда еса дехқончилик билан шуғулланганлар. Тозабоғёб уруғ жамоалари Жанубий Сибирь ва қозоғистоннинг Андронova маданияти жамоаларидан шу жихатлари билан фарқ қиларди. Тозабоғёб маконларининг атрофида дехқончилик екин майдонлари, суғориш иншоотлари кўплаб топилган. Дарҳақиқат, шу даврга оид қадимги Хоразмнинг суғориш ариқлари, кенг дехқончилик далалари Тозабоғёб маданияти кенг тарқалган минтақда Б.В.Андрианов томонидан яхши ўрганилган.

Тозабоғёб кулбалари ярим ертўла тарзида қурилган, уларнинг Ўртача майдони 12-18 м.кв. га тенг. Кулбанинг марказида ўчоқ жойлашган. Марказий ўчоқ атрофи оила аъзоларининг ётоқ қисми хисобланган. Тозабоғёб кулбалари битта жуфт оила учун мўлжалланган. Уларнинг орасида майдони 100-120 м.кв. га тенг кулбалар ҳам бор. Улар бир уруғ жамоалари учун мўлжалланган. Тозабоғёб маданиятига тегишли нодир ёдгорлик Кўкча-3 қабристони бўлиб, у ерда 1954-1955 йилларда кенг археологик қазилмалар олиб борилди.

Очилган мазорларда скелетлар худди она қорнида ётгандаек ўнг ёки чап ёни

билан, оёқ-қўллари букланган холда ғужанак холатда учратилади. қабрларнинг деярли кўпчилиги ёлғиз, баъзида аёл ёнида гўдак бола скелети ётарди. Баъзи холларда еса ер ва хотин биргаликда кўмилган. ҳар бир мазорда бир ёки бир неча сопол идишлар, еркаklar мазоридан бронза буюмлари, аёллар қабрида еса бронза тақинчоқлар учрайди.

Тозабоғёб маданияти одамларига келсак улар Оврупа ирки типдаги одамлар еди. Баъзи скелетлар ўз жуссасига кўра чўл зонаси андронва қабилаларига ўхшаб кетади, бошқа бир скелетлар еса Ўрта Осиёнинг қадимги махаллий ахолиси типини ташкил етади. Демак Тозабоғёб маданияти ахли бир неча етник компонентлардан, яъни келгинди андронва ва ерли ахоли вакилларидан ташкл топган.

Милоддан аввалги ИИ минг йилликнинг Ўрталарида худди Амударёнинг қуйи хавзасидагидек Зарафшоннинг етакларида ҳам чорвачилик билан шуғулланувчи уруғ жамоаларининг "қишлоқ" лари қад кўтарди. Улар дастлаб 1950 йилларда академик Я.ғ.ғуломов томонидан Мохандарё хавзаларидан топиб ўрганилди.

Я.ғ.ғуломовнинг қуйи Зарафшондаги археологик изланишлари 1960 йилларда ушба сатрлар муаллифларидан бири томонидан давом еттирилди. Олим босиб ўтган ёъл Зарафшоннинг қуриб бораётган ўзанлари Мохандарё ва Гурдуш дарёси бўйлаб қайта кўриб чиқилди ва ўнлаб янги археологик объектлар очилди.

Топилмаларнинг тахлили ва маконларнинг жойлашган ўринларига қараганда милоддан аввалги ИИ минг йилликнинг иккинчи ярми давомида Тозабоғёб маданиятига тегишли чорвадор дашт қабилалари Зарафшон етакларида кенг тарқалганлар. Улар асосан чорвачилик ва қисман қадимги сув хавзаларининг пастқам ва захкаш участкаларида ибтидоий мотиға дехқончилиги билан шуғулланганлар. Сопол идишлар, уларнинг шакли ва нақшлари, ишланиш ва пишириш техникаси жахатидан улар тозабоғёбликлардан фарқ қилмас еди. қуйи Зарафшон уруғ жамоалари ярим ертўла ва чайлаларда яшаганлар. Ўз қўшинлари-хоразмлик тозабоғёбликлар билан яқиндан иқтисодий ва маданий, етник алоқда бўлганлар.

Ушбу маданиятга алоқадор уруғ жамоаларининг излари Зарафшоннинг Навка (Каттақўрғон) ва Мўминобод (Ургут) қишлоқларидан ҳам топиб ўрганилди. Яқинда бу маданиятта тегишли қадимги қабристон Панжикентнинг юқори қисмидаги Дашти қазодда топилди. Хуллас, Тозабоғёб маданиятига тегишли дашт қабилалари милоддан аввалги ИИ минг йилликнинг иккинчи ярми давомида Зарафшон воҳасида кенг тарқалган еди.

Милоддан аввалги ИИ минг йилликнинг иккинчи ярмида Тошкент вилоятининг тоғолди раёнлари, адирлари, дашт зонаси чорвадор уруғ жамоалари томонидан ўзлаштирилди. Археологлар уларнинг қисқа муддатли қароргохларини Тошкент шаҳри яқинидаги "Ачикул" атрофида, "Никифировлар ери" деб

юритилган шарқий даҳасида, Янгиер тумани ва Тошкент канали зонасида топдилар. Аммо уларнинг ҳеч бирида маданий қатлам сақланмаган, фақат қадимги қишлоқ харобаларида чизма нақшли сопол парчалари, бронзадан ишланган уй-рўзгор буюмлари учрайди. Айрим ҳолда учраган мазорларда еса худди Қўкча-3 ва Гурдуш мазорларидагидек скелетлар ўнг ёки чап ёни билан оёқ-қўллари букланган ҳолда ётарди. Улар ёнида турли тақинчоқлар ва қўзачалар бор.

Чул зонаси қабилаларига тегишли ёдгорликлар айниқса Фарғона водийсида бир қадар кенг ўрганилган. Шулар жумласига Фарғона вилоятининг Водил ва Карамқўл қишлоқларидан топилган қадимги қабристонларни, Хўжанд вилояти худудига тегишли қайроққум ва Даҳана қабристонларини киритиш мумкин. қайроққумда ўтказилган археологик қидирув ишлари 60 дан ортиқ жойда чорвадор уруғ жамоаларининг қисқа муддатли қароргоҳларини топиб ўрганиш имкониятини берди. Бу маконларда минглаб чизма нақшли сопол парчалари, бронза ва тошдан ишланган меҳнат қуроллари, ҳайвон суяклари учратилди. қайроққумдаги қадимги манзилгоҳлар асосан уч жойда топилди. қайроққумнинг ғарбий раёни бўлган Шўркўл атрофида, Тақир яғона деб аталган марказий ва шарқий қисмида улар кенг тарқалган. Баъзи бир маконларни қазиб вақтида гулхан излари топилди. Аммо бирор жойда кулба қолдиғи учратилмади. У ерлардан топилган сополлар нақшлари, шакли, қўпол ва мўртлиги жиҳатидан Тошкент воҳаси, Зарафшон водийси ва Амударё етакларида ўрганилган бронза даври дашт қабилаларини еслатади.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган бу маданият излари махсус адабиётларда ҳар хил номлар билан аталиб келинади. Бир гуруҳ олимлар уларни қозоғистон ва Жанубий Сибирда ўз подалари орқасидан ергашиб юрган Андронova маданияти қабилалари деб атаса, иккинчи гуруҳ олимлар Тозабоғёб, қайроққум маданияти қабилалари деб атайдилар. Учинчи гуруҳ олимлар еса уларнинг қозоғистон чўлларида Ўрта Осиёга келиб қолган янги етник гуруҳларнинг маҳаллий аҳоли билан қоришувидан ташкил топган уруғ жамоалари еканлигини таъкидлайдилар. Бизнингча, учинчи гуруҳ олимларининг фикрига қўшилса бўлади. Чунки уларнинг жисмоний типиди бир неча етник компонентлар борлиги исботланган. Аммо уларнинг моддий маданияти қиёфасида уларга хос умумийлик ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бу умумийлик уларнинг кундалик турмуш тарзидан, ҳаётининг ҳўжалик асосдан келиб чиққан бўлса керак.

Хуллас, милоддан аввалги ИИ минг йилликнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг барча тоғ олди раёнлари, чўл ва даштлари чорвадор қабилалар билан қопланган еди. Милоддан аввалги ИИ мингинчи йилликнинг охирларига келганда улар то қадимги дехкон жамоалари муҳитига қадар кириб бордилар. Бу ҳолат Ўрта Осиёда етник жараёнларнинг фаоллашувига ижобий таъсир қилди. Оқибатда ибтидоий жамоа илдизига зил кетди. Дастлабки синфий жамиятнинг ибтидоий жамоа бағрида илдиз олишига олиб келди. Милодий еранинг олдинги ИИ

мингинчи йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиё худудида юз берган миграция ва этник жараёнлар ҳозирги замон ўзбек ва воҳа тожиқларининг дастлабки этник қатламининг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Қадимги Хоразмда Амиробод маданияти.

Милоддан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёда туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Ана шу туб ўзгаришлар асосида ижтимоий соҳада ибтидоий жамоалар орасида мулкӣ тенгсизлик иқтисодий соҳада еса кечаги ўтроқ чорвадорларнинг бугун ярим кўчманчи ҳаёт тарзига ўтиши ётар еди. Бу ҳолат қадимги Хоразмда археологик ёдгорликлар мисолида яққол кўзга ташланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ўлкада милоддан аввалги III минг йиллик давомида чорвадор бобокалонларимизни археологик терминологияда Тозабоғёб маданияти номи билан атадик. қадимги Хоразмнинг бепоён худуди бронза даври чўл зонаси қабилаларининг доимий ўтлов жойларига айлана олмади. Чунки бу даврда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий табақаланиш ва унинг оқибатида ярим кўчманчи ҳаёт тарзининг шаклланиб бориши аҳолининг бир қисмини Амударёнинг қуйи хавзасида, дехқончиликка қулай жойларда ўтроқ ҳаёт кечиришга мажбур етарди. Ана шундай ҳаёт тарзига мойил ибтидоий жамоаларнинг излари қадимги Хоразм тарихида Амиробод маданияти номи билан аталади. Амиробод маданиятига доир ёдгорликлар 1940 йилда С.П.Толстов томонидан Жанубий қорақўпоғистонда Амиробод канали етакларидаги кўчма қум босган тақирликларда биринчи бор топиб ўрганилган. 1957 йилда С.П.Толстов раҳбарлигидаги археологик қидирув гуруҳи Амиробод канали етакларидан қадимги ўзан бўйлаб яна ўнлаб пунктларда ўша замон қишлоқ изларини топди. қадимги қишлоқ харобалари илк феодал даврига оид Якка-Парсон кўшкӣ атрофида жойлашган еди. С.П.Толстов Амиробод маданиятига тегишли маконлардан енг каттасини Якка-Парсон-2 деб атади. Олим бу маконлардан топилган археологик ашёвий далиллар йил санасининг милоддан аввалги X-VIII асрларга оидлигини исботлади.

Якка-Парсон-2 макони атрофида екин далалари, ариқ ва каналларнинг излари сақланган. Ушбу маконда ўтказилган археологик қазиишмалар вақтида 20 дан ортиқ ярим ертўла шаклидаги уй қолдиқлари очилган. Уйларнинг майдони 100 ва 150 м.кв гача бўлган. С.П.Толстов таъбири билан айтганда, бу уйларда Амиробод маданияти жамоаларининг оилалари яшаган. Макон ва кулба майдонида кўплаб сопол парчалари, металл буюмлар ва ҳар хил тақинчоқар учрайди. Сопол сиртига чизма нақш солинган. Нақшлар устидан қизил ранг берилиб, усти пардозланган. Металл буюмлари асосан ўроқ, пичоқ, жез ойна, игна, бигизлардан иборат бўлиб, улар тош қолипларда қуйилган. Олимларнинг кузатувида кўра, бу давр суғориш иншоотлари кенг ва саёз каналлардан иборат

бўлиб, уларнинг чети дамбаланган. Б.В.Андриановнинг ҳисобига кўра, бу даврда қадимги давр суғориш иншоотларининг асоси яратилган.

Бу давр ижтимоий ҳаёти ва диний тасаввурларини ўрганишда шу даврнинг классик ёдгорлиги Тагискен алоҳида диққатга сазовордир. Тагискен тепалиги Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Инқор дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган Амиробод маданиятига тегишли мавзолей еди. Тагискен тепалигида 20 га яқин ҳар хил катталиқдаги мазор-қўрғонлар жойлашган. Бу мазор-қўрғонлар икки даврга оид бўлиб, улардан 5 тасида археологик қазилмалар ўтказилган. Шулардан 4 таси сўнгги бронза даврига, биттаси еса милоддан аввалги VI-V асрларга оид сакларнинг мазорига тегишлидир.

Сўнгги бронза даврига оид мазор-қўрғонлар асосан хом ғиштдан қурилган мавзолей типига хилхоналар (гўрхоналар) бўлиб, уларнинг ҳар бирига ёпиштирилиб ёки яқин қилиб хилхона қилинган. Бир мавзолей атрофида ана шундай қабрлардан 7 та, бошқа бирида 6 та, учинчисининг атрофида 3 та қабр очилди. Шу ерда ўрганилган мазор-қўрғонларнинг енг каттаси олтинчи мавзолей бўлиб, унинг асоси квадрат шаклида, устки қисми еса гумбазсимон қилиб ёпилган. Бу мавзолей бир қарашда жуда улкан қора уйни еслатади. Унинг ички майдони 50 м.кв. бўлиб, бино 1,5 метр ер остига туширилган. Асосий квадрат, усти еса доира шаклида қад кўтарган. Мавзолейнинг атрофи қалинлиги 4 метргача бўлган ғишт девор билан ўраб олинган. Бу ташқи девор билан бино девори оралиғида ёълак бўлиб, унинг кенглиги 2 метр келади. хилхонанинг девори ичкарасидан қамиш билан ўраб олинди, унинг устидан гилам ёпилган. хилхона полига бўйра тўшалган. Мавзолейнинг гумбазсимон томи ҳам ёғоч қаракс ва қамиш билан ёпилган. қолган учта мавзолей ҳам қурилиш режаси жиҳатидан худди олтинчи мавзолейга ўхшаш бўлиб, фақат ҳажм жиҳатидан ундан кичикроқ бўлган. Барча мавзолейларга шарқ томондан қирилган. Мавзолейларга ёпиштирилиб қурилган қабрлар еса уларнинг шимолий ва жанубий томонларида жойлашган. Бу манзара ҳамма мавзолейларга хос бўлиб, уларга қириш эшиклари қуёшга қаратилган. Мавзолейларнинг бу тартибда қурилиши қадимги Хоразм ва Оролбўйи қабилаларининг диний ёътиқоди билан боғлиқ еди.

Мавзолейларда ўтказилган археологик изланишлар шуни кўрсатдики, уларнинг деярли ҳаммаси ўз вақтида ўғирланган. Масалан, олтинчи мавзолейни олиб кўрайлик. Мавзолейнинг хом ғиштдан ишланган меъморий асоси сақланган ҳолда унинг қамишдан ёпилиб, усти сомонли лой билан шувалган томи, ичкарасидаги деворга ёпиштирилган қамишлар ёниб кетган. С.П.Толстов ушбу манзарани кўриб, бу факт кремасияни (мурдани қуйдириш) еслатади деб ҳулоса чиқарган. Мавзолей ўз ҳажми жиҳатидан Самарқанддаги Гўри Амирдан қолишмас еди.

Олтинчи мавзолей ўғирланган бўлишига қарамай, унинг гўрхона ва ёълақларидан жуда кўп предметлар топиб олинди. Бироқ қимматбаҳо матолар-

олтин, кумуш ва асл тошлардан ишланган предметлар, деворларга қоқилган гиламлар ўғирлаб кетилган. Фақат қиммати жихатидан ўғриларни қизиқтирмаган ёки шошилишч ўғирлаш даврида тушиб қолган баъзи бир ашёвий далилларгина қолган. Бизнингча ўғрилар кетиш олдидан мавзолейга ўт қўйиб юборган бўлса керак. Чунки Тагискен мавзолейи томини ёпиш учун ишлатилган ёғоч ва қамишлар тўла қўйиб кетмаган. Бундан ташқари қўйиб кетмаган одам скелетлар ҳам мавзолейларда учратилмади. Ехтимол, мурдалар алоҳида кремасия хонасида қўйдирилиб, уларнинг кули дафн етилган бўлиши мумкин. Мавзолейдан 60 та идиш-товоқча, кўзача ва хурмачалар топиб олинди. Уларнинг сиртига геометрик нақш берилган. Айрим идишларнинг гардиши бўйлаб юпқа олтин қоплама ёпиштирилган. Мавзолейдан 100 дан ортиқ бронза михлари ҳам топилди. Улар ёрдамида гўрхона деворларига гиламлар осилган. Яна бир неча олтин безаклар, бошига юпқа олтин қоплама қўйилган мис михлар, тош мунчоқ ва олтин сирғалар, бронзадан ишланган бир неча камон ўқ учлари-пайканлар топиб олинди. Буларнинг кўпчилиги мазор ўғрилари олиб улгурмаган ёки ёқотган ашёвий далиллар еди. Чунки улар мазорда ўз жойида турмаган.

Мавзолей ўзининг саловати ва ички мазмунига кўра ўша замон қабила оқсоқолининг мозори бўлган. У ерга оқсоқол билан бирга унинг оиласи ва оила аъзолари, хизматкорлари дафн етилган. Бешинчи мавзолей шимол томондан ёпиштирилиб бир мазордан 40 та бир-биридан чиройли сопол идишлар, олтин сирға ва мунчоқлар топилди. Ехтимол, бу мазор уруғ оқсоқоли оиласининг қабри бўлса керак.

С.П.Толстов Тагискен мавзолейларидан топилган ашёвий далилларни ҳар тарафлама таҳлил қилиб, Тагискен тепалигининг енг қадимги мазорлари милоддан олдинги Х-ВІІІІ асрларга оиддир деган хулосага келди. Дарҳақиқат, худди шунга ўхшаш ва унга яқин манзара берувчи мавзолейлар қипчоқ чўли бўйлаб кенг тарқалган ва улар Олтой ва Жанубий Сибирда ҳам учрайди.

Милоддан аввалги Х-ВІІІІ асрлар Марказий Осиё чорвадорлари ҳаётида туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берган давр бўлиб, улар емирилиб бораётган ибтидоий жамоа заминида мулкӣ тенгсизлик синфий табақаланиш жараёнининг фаоллашганлигидан далолат беради. Худди шу даврда чорвадор қабилалар ҳаётида ярим кўчманчи ва кўчманчи ҳаёт тарзининг фаол шаклланиб бориши, дехқончилик зоналарида еса сунъий суғориш тизимининг каналлар ва ариқлар қуриш асосидаги ривож кузатилади. Бу манзара, албатта, ибтидоий жамоа тузуми заминида ҳарбий-демократия принциплари асосида қурилган дастлабки давлатларни пайдо бўлишидан дарак беради.

Қадимги Фарғонада илк дехқончилик маданияти

Милоддан аввалги ИИ минг йилликнинг охири ва И минг йилликнинг бошларида қадимги Фарғона ибтидоий уруғчилик жамоалари ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Бир томонда, қадимги чорвадор аҳоли ярим кўчманчи ва кўчманчи ҳаёт тарзига фаол ўта бошлаган бўлса, иккинчи томонда, ана шу чорвадорларнинг бир қисми дехқончиликка қулай, пастқам, захкаш жойларда, тоғ бағридан текислик томон хайкириб чиқаётган кичик-кичик сой бўйларида, тоғ олди раёнларида, дарёларнинг ирмоқлари етакларида ҳосил бўлган тақир жойларда дехқончилик қила бошладилар. Ана шундай жойларда қишлоқлар қад кўтарди. Бу қишлоқлар атрофида екинзор далалар, уларга сув келтирувчи каналлар ва ариқлар тизими пайдо бўлди. Бу жараён чорвадорлар ҳаётида аллақачонлар бошланиб кетган еди. Айниқса қадимги Хоразмда олиб борилган илмий изланишлар бронза даври чўл қабилалари ҳаётида бу жараён милоддан аввалги ИИ минг йилликнинг ўрталаридан бошланиб кетганлигидан далолат беради. Милоддан аввалги И минг йилликнинг охирларига келганда кечаги чорвадор аҳолининг бир қисми бугунга келиб Ўрта Осиё шароитида ўтлоқ яйловларнинг танқислигидан ўтроқ ҳаёт кечиришга мажбур бўладилар. Худди ана шу жараённинг тимсоли сифатида қадимги Фарғона илк дехқончилик маданияти пайдо бўлди. Ана шу бободехқонларимизнинг дастлабки қишлоқларидан бири 1951 йилда М.З.Воронес томонидан Чуст шаҳри яқинидаги Буванамозор деб аталган булоқ ёқасидан топиб ўрганилди. Археологлар бу ёдгорликка шартли равишда Чуст маданияти деб ном берганлар. Чунки Буванамозордаги сўнгги бронза даврига оид бу ёдгорликка яқин йирик аҳоли пункти Чуст шаҳри еди. Шундан сўнг тарихий ва археологик асарларда, Ўзбекистон тарихининг қадимги харитасида Чуст маданияти ўз ўрнини топди.

Чуст маданияти қадимги Фарғона водийсида ўрганилган энг қадимги дехқон жамоалари маданиятидир. ҳозирги кунда Чуст маданиятига оид ёдгорликлар водийда 80 дан ортиб кетди. Уларнинг йил санаси милоддан аввалги ИИ минг йилликнинг охири ва И минг йилликнинг биринчи чораги билан белгиланади. Бу маданиятга тегишли ёдгорликлар Фарғона водийсининг шимолий (Наманган вилояти) ва шарқий (Андижон вилояти) вилоятларида кенг тарқалган. ҳозиргача 10 дан ортиқ ёдгорликларда археологик қазилмалар ўтказилган. Чуст маданиятига доир ёдгорликлар тоғ олди сой етакларида, уларнинг ўрта оқимида, воҳанинг текис раёнларида учрайди. Айниқса қорадарё хавзасида, унинг ирмоқлари бўйлаб Чуст маданиятига доир дехқончилик қишлоқлари қад кўтарган.

Чустда М.Е.Воронесдан кейин В.И.Спришевский, Б.Матбобоевлар ҳам

казилма ишларини олиб бордилар. Худди шунга ўхшаш яна бир ёдгорлик Ю.А.Заднепровский томонидан қорадарё ирмоқларидан бири яқинидаги Далварзинтепада топиб ўрганилди. казишмалар қорақўрғон, Тўрақўрғон, Терговчи, Язтепа, Гўрмирон, ғайраттепа, Чимбой, Ашқалтепа каби ёдгорликларда ўтказилди. Уларнинг барчаси Чуст маданиятига оид бўлиб, улардаги 1,5-3 метргача чуқурликда сақланган маданий қатлам Чуст маданияти аҳолисининг ўтроқ ҳаёт кечирганликларидан далолат беради.

Чуст маданияти ёдгорликлари тарихий топографик таркибига кўра икки типга булинади: 1. Майдони бир гектаргача бўлган майда қишлоқлар. Уларнинг ҳар бири бир оила жамоасининг асосини ташкил етган. 2. Майдони 10 ва ундан ортиқ гектарга тенг бўлган қишлоқлар. Улар ҳар бир суғорма дехқончилик раёнида биттадан учрайди. Шунингдек унинг атрофида ўнлаб майда қишлоқларни кузатиш мумкин. Ана шундай йирик воҳа пойтахти бўла олиш мавқеига ега бўлган қишлоқни Далварзинтепа ва Ашқалтепа мисолида кўриш мумкин. Улар қадимги Фарғонанинг дастлабки йирик шаҳарлари бўлган.

Олимлар археологик казишмалар натижасида қўлга киритилган ашёвий далилларга асосланиб Чуст маданияти материалларини икки даврга бўладилар. Унинг биринчиси бронза даврининг сўнгги босқичига оид. Иккинчи босқич еса хронологик даврийлаштиришда милондан аввалги ВИИИ-ВИИ асрларга тегишли бўлиб, бу босқич материаллари илк темир даврига тааллуқлидир. Бу даврда Чуст маданияти қишлоқларида диний, яъни оташпарастлик тушунчалари расмийлашади. Чуст қишлоқлари атрофида муҳофаа барпо етилади. Масалан, Далварзинтепа мисолида милондан аввалги ВИИИ-ВИИ асрларда қадимги Фарғонанинг илк шаҳри шаклланади. Бу шаҳар икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи - Ўрда қисмида жамоа ҳукмдорининг қароргоҳи жойлашган. Ўрданинг чор атрофидаги қалин муҳофаа деворлари қолдиқлари Буванамозордаги Чуст қишлоғида, Ашқал тепада ҳам топилган. Чустда хом ғиштдан ишланган деворларнинг қалинлиги 3 метр, унинг баландлиги еса 3,5 метрга тенг бўлган.

Чуст маданияти ёдгорликларини казиш жараёнида уларнинг қуйи қатламидан доира шаклида қурилган кўплаб ўралар топилган. Масалан, Чуст маконида 60 дан ортиқ, Чумбой маконида еса 16 та ана шундай ўралар очилган. Бу ўраларнинг қандай мақсад билан қурилганлиги тўғрисида ҳар хил фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар уларни кулба деб талқин еса, бошқа бир гуруҳ олимлар Фарғона водийсида яқин кунларгача анъана бўлиб келган ғалла омбори, ғалла ўралари деб биладилар. Бу ҳулоса ҳақиқатга бироз яқиндир, чунки уларнинг майдони яшаш жой-кулбалар учун ноқулай еди.

Чуст маданиятига доир ёдгорликларнинг қулай қатламида гувала ёки хом ғиштдан қурилган кулбалар учрамайди. ғиштдан қурилган уйлар-хонадонлар

қолдиқлари Чуст маданияти тарихининг иккинчи босқичида пайдо бўлган. Дастлаб қадимги Фарғонанинг бободехқонлари ярим ертўла ва чайлаларда истиқомат қилганлар. Бу еса уларнинг насл-насаби ва келиб чиқиши жихатидан қадимги чорвадор қабилалардан ажралиб чиққанликларидан гувоҳлик беради.

Чуст маданиятининг кашф етилганига 50 йилдан ортиқ вақт ўтишига қарамай, хали бу маданият аҳолисига тегишли махсус қабристонлар очилмаган. Маконларни қазиб жараёнида вайронага учраган уйлар атрофидан бир неча тартибсиз кўмилган мазорлар очилган. Бу мазорларга одамлар ёни билан ғужанак ҳолатида қўйилган. Уларда аниқ бир тартиб кузатилмайди. Баъзи ҳолларда одам суяклари макон майдонидаги хўжалик ўраларида сочилиб ётар еди. Кўп ҳолларда бир чуқурчада ўнталаб одам бош суягининг ўзи учрайди. Бироқ мазорларда скелет атрофида сопол идишлар, ҳар хил тақинчоқ ва уй-рўзғор буюмлари учрамайди. Одатда, ислом динига қадар бўлган мазорлар албатта тегишли ашёвий далиллар билан таъминланган. Фақат Чуст маконида қазиб олинган бир мазорда скелет бош суяги яқинида битта гулли сопол кеса топилди. Чуст маданияти ёдгорликларида баъзан ёш болаларни сопол идишларга солиб кўмиш одати учраб туради.

Чуст маданиятида металл билан боғлиқ ҳунармандчилик яхши ривожланган. Масалан, Чуст маконини қазиб вақтида 80 дан ортиқ, далварзинтепада еса 60 та металл предметлар торилган. Металл билан боғлиқ ҳунармандчиликнинг ривожига ҳақида гап кетганда Чуст ва Далварзинтепа ёдгорликларидан топилган тош қолипларни ҳам кўрсатиш мумкин. Бу қолипларда ойна, ўроқ, пичоқ ва бигизлар қўйилган. Металл еса сопол идишларда - тигелларда еритилган. Чуст маданияти ёдгорликларининг юқори қатламидан бронза асбоб-ускуналарида ташқари темирдан ишланган пичоқ топилган. Ёдгорликларда темир шлаклари кўплаб учрайди. Чуст ва Далварзинтепани қазиб вақтида от узангилари ва сувлиги, ойна, билагозук, халқа ва қармоқлар, икки парракли бронза пайканлари топилди.

Чуст маданияти ёдгорликларида тошдан меҳнат қуроллари яшаш давом этади. Масалан, биргина Далварзинтепани қазиб вақтида 1500 га яқин тош қуроллар топилган. Тош қуроллар орасида қумтошдан ясалган ўроқсимон пичоқлар яшаш алоҳида диққатга сазовордир. Далварзинтепада 400 га яқин ана шундай тош пичоқлар топилган.

Суякдан қурол яшаш кенг ёълга қўйилган. Суякдан тароқ, моки, бигиз, урчук ва бошқа буюмлар ишланган. Суякдан ясалган буюмлар орасида қўй, эчки ошиқлари ниҳоятда кўп. Уларга тегишли чуқурчалар ясаб, чуқурчаларга бронза қуйилган. Ошиқларнинг деярли кўпчилиги жуда силлиқ, устки қисми тўқ қизил тусда ва уларга берилган пардоз туфайли ошиқлар товланиб туради. Бу еса қумор ўйинидан далолат беради.

Чуст маданиятида ҳунармандчиликнинг кенг ривожланган соҳаси қулолчилик еди. Лекин сопол ишлаб чиқаришда хали қулолчилик дастгоҳидан фойдаланишга ўтилмаган. Идишлар қўлдан ясалган. Демак чустликлар

кулолчилик чархини билмаганлар.

Чуст маданияти аҳолисининг хўжалиги сунъий суғоришига асосланган дехқончилик еди. Иккинчи ўринда хонаки чорвачилик турган. Хужаликда хонаки от, қорамол сақланган. Дехқончилик екинларидан буғдой, арпа, тарик екилган. Чустликларнинг ғаллалари, юқорида таъкидланганидек ерга ўйиб ишланган ўраларда сақланган. ҳар бир ўрада 200 кг дан то 2 тоннагача ғалла сақлаш мумкин бўлган. Дехқончилик ишларида, ер хайдашда, екин-тикинларни янчишда хайвонлардан фойдаланилган, масалан, қадимги Фарғонанинг ҳозирги қирғизистон ҳудудига қирган Соймалитош қоя суратларида қўшилган хўкизларнинг тасвири бор. Бу суратлар Чуст маданияти даврига оиддир.

Чуст аҳолиси ҳаётида хунармандчиликнинг тўқимачилик ёъналиши юксак даражада ривожланган. Чуст маданияти ёдгорликларини қазииш вақтида тўқимачилик дастгоҳига урчуқ тошлар, моки ва суяк тароқлар қўплаб топишган.

Шундай қилиб, милондан аввалги ИИ минг йилликнинг охири ва И минг йилликнинг бошларида Фарғона водийсида Чуст маданияти мисолида қадимги дехқончилик маданияти таркиб топганини қўраииз. Бу маданиятнинг келиб чиқиш масаласи борасида олишлар орасида давом етаётган илмий мунозаралар ҳам ўз нихоясига етгани ёъқ. Бу маданият ижодкорларининг турмуш тарзи Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида топиб ўрганилагн Сополлитепа маданияти, ижодкорларидан маданият ва хўжалик тараққиёти жихатдан минг йиллар орқада бўлган. Бу маданият аҳолиси Ўрта Осиёнинг туб ерли халқи бўлиб, улар жисмоний тузилиш ва антропологик тип жихатидан овруполиклар типига мансуб еди. Уларнинг ижтимоий тузуми ибтидоий жамоа тузумининг охириги босқичи ва унинг емирилиш даври билан тавсифланади. Чуст маданиятидан сўнг қадимги Фарғонада уларнинг ворислари сифатида Елатан маданияти шаклланади. Елатан маданияти қадимги Фарғонанинг илк темир даврига оид маданият мероси бўлиб, унинг йил санаси милондан аввалги ВИИ-В асрлар билан белгиланган.

Тошкент воҳасида илк дехқончилик маданияти

Милондан аввалги ИИ минг йилликнинг охири ва И минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда содир бўлган иқтисодий туб ўзгаришлар Тошкент воҳаси ҳаётида ҳам юз берди. Бу минтақа чорвадорлари ҳам аста-секин дехқончилик учун қулай бўлган жойларда доимий қароргоҳларини белгилаб, зироатчилик билан шуғуллана бошлаганлар. Чирчиқ, Охангарон ва уларнинг ирмоқлари бўлган катта ва кичик сойлар ҳавзаси Тошкент воҳасининг енг қадимги дехқончилик марказларига айланган. Масалан, Охангарон дарёсининг Ўрта оқимида жойлашган Бурғулуксой ҳавзаси Тошкент воҳасидаги илк дехқончилик маданияти таркиб топган раён бўлиб чиқди. Бу раёнда археолог

А.И.Тереножкин 1940 йилда биринчи бор қидирув ишларини олиб борган. У шу йили Бурғулуксой бўйлаб археологик изланишлар олиб бориб, дехқончилик билан шуғулланган аҳолининг бир неча қароргохларини топди. А.И.Тереножкин ўша йилларда янги қўрилаётган Тошкент канали трассаси бўйлаб археологик ёдгорликларни ҳисобга олиш билан ҳам шуғулланади. У очган қадимий қишлоқ қолдиқлари Тошкент воҳасининг илк бор дехқончилик билан шуғуллана бошлаган жамоаларига тегишли маконлар еди. Бу маконларнинг барчаси Бурғулуксой бўйлаб жойлашган, шунингдек улар ижтимоий ва маданий жихатдан ягона умумийликка ега еди. Шунинг учун А.И.Тереножкин бу ёдгорликларга Бурғулук маданияти деб ном берди. Бурғулук маданияти Тошкент воҳаси тарихида воҳа аҳолисининг илк дехқончилик маданиятини ўрганишда муҳим илмий кашфиёт еди.

А.И.тереножкин Бурғулук маданияти ёдгорликларининг даврий таснифотини ишлаб чиқди ва бу маданият тарихини икки босқичга бўлди. У аввал Бурғулук маданияти ёшини милоддан аввалги ИИИ-И асрларга оид деб топди. Кейинроқ еса бунга аниқлик киритиб, унинг ёшини милоддан аввалги ИВ-ИИИ асрлар билан белгиланади. Аммо Тошкент дехқончилик маданияти ундан ҳам олдин таркиб топган. Масалан, воҳанинг йирик ёдгорлиги қанқа шаҳар харобасида олиб борилган изланишлар бу воҳада шаҳар маданияти милоддан аввалги ИВ асрнинг охири ва ИИИ асрда пайдо бўлган лигидан далолат беради. А.И.Тереножкин Бурғулук маданиятининг ёшига учинчи бор аниқлик киритди. Бунга кўра Тошкент воҳасидаги илк дехқончилик маданияти милоддан аввалгиВИ-ИВ асрларда шаклланган.

А.И.Тереножкиндан кейин узоқ йиллар Бурғулук маданияти тарихи билан ҳеч ким шуғулланмади. Нихоят, 1972 йили бу ишга археолог Х.Дуке жалб етилди. У Туябўғиз сув омборининг қурилиши муносабати билан Охангарон дарёсининг чап соҳилида мунтазам равишда қидирув ва қазилма ишларини олиб бориб, бу маданиятга тегишли 14 та қишлоқ ва 60 га ярим ертўла ва чайла типдаги кулбаларнинг қолдиқларини очиб ўрганди. Археологик қазилмалар давомида қадимги қишлоқларни ўраб олган мудрофаа деворларини очди, хом ғишдан қилинган хар хил ҳажмдаги уй қолдиқларини қазиди. 1981 йили шу маданиятга алоқадор бир қабрни ҳам очиб ўрганди. қабрда скелет оёқ-қўллари букланган холда чап ёни билан, боши шимолга қаратиб ётқизилган еди. Мозордан битта сопол идиш чиққан Скелет устида бир қатор хом ғишлар ётарди.

Бурғулук маданияти қишлоқ қолдиқларини қазилма вақтида беҳисоб сопол парчалари, кумтошдан ясалган ўроқсимон пичоқлар, бронзадан ясалган ўроқ ва пичоқлар, бигиз, ойна, игналар топилган. Топилмалар орасида икки парракли пайкан ҳам бор. Тош қуроллар беҳисоб, улар ичида ёрғучоқлар, тош ўғир ва ўғир соплари кўплаб учрайди. Сополлар қўлда ишланган. Тошкент воҳасининг қадимги дехқонлар ва хунарманд аҳоли ҳам Бурғулук маданияти замонида сопол идишлар ишлаб чиқаришда кулолчилик чархидан фойдаланишни

билмаганлар. Сополлар икки ярусли хумдонларда емас, балки очик гулханларда пиширилган. Шунинг учун улар кўпол, мўрт, бир текисда жарангдор қилиб пиширилмаган. Сопол идишларнинг турлари хам кўп бўлмаган. Улар ости ясси қилиб ишланган косалар, тувакча ва хурмачалардан, кулоқли сопол қозонлардан иборат бўлган. Сополлар аксариятининг (қозонлардан ташқари) сиртига оч қизил англаб берилган, сўнг пардозланган. Унинг устидан идишларнинг гардиши бўйлаб оч қора ёки оч қизил рангда гул солинган. Сополларга туширилаги гуллар хам жуда оддий чизиқлардан иборат.

Сополлар ўз ташқи кўриниши жихатидан Чуст маданияти сополларига ўхшаб кетади. Х.Дуке сополлардаги бу аломатларни ҳисобга олган ҳолда икки парракли бронза пайкан, қумтошдан ясалган ўроқсимон пичоқларга асосланиб, Бурғулуқ маданияти ёшини қайта кўриб чиқди ва унинг милoddан аввалги IX-VIII асрларга оид эканлигини исботлади.

Тошкент воҳаси ёдгорликлар мажмуида Бурғулуқ маданияти ўрнига келган янги археологик маданиятни ҳозирча тарих фани билмайди. Аммо Тошкент воҳаси тарихида А.И.Тереножкин очган қовунчи маданияти бор. Унинг йил санаси милoddан аввалги III асрдан бошланади. Ёнди Бурғулуқ билан қовунчи ўртасидаги оралиқ давр узок йиллар давомида археологларнинг бошини қотирди. Нихоят, Ўзбекистон археологлари Тошкент шаҳри ёшини аниқлаш муносабати билан бу жумбоқнинг ечимини хам топдилар. Кейинги йилларда М.Филанович Тошкент яқинидаги Шоштепада қазилмалар олиб бориб, унинг устки қатламнинг илк феодал даврига оид эканлигини таъкидлар экан, Шоштепанинг қуйи қатлами Бурғулуқ маданиятига тегишли эканлигини исботлади.

М.Филановичнинг Шоштепада олиб борган қазилмалари туфайли Бурғулуқ маданияти, А.И.Тереножкин айтганидек икки босқичдан иборат эканлиги яна бир бор тасдиқланади. Шоштепанинг пастки қатламидан қалин Бурғулик даври маданий қатлами очилди. қадимий муҳофаа девори қилдиқлари ўрганилди. Шоштепа Тошкент шаҳрининг илк бор асоси қурилган макон эканлиги аниқланди. қадимги Тошкент Шош, ундан аввалроқ Чоч деб аталган. Тошкентнинг ана шу қадимги номи Шоштепа билан боғлиқ ҳолда халқ орасида жуда қадимдан ҳозиргача унутилмай келганидан далолатдир.

Археолог олимлар (М.Филанович ва Х.Дуке) Шоштепа материалларини чуқур ўрганиб, Бурғулуқ маданиятининг сўнги босқичи Шоштепада намоён бўлганини аниқладилар ва Шоштепанинг Бурғулуқ қатлами ёши милoddан аввалги VI-IV асрларга тегишли эканлигини исботладилар. Шунингдек Бурғулуқ қатлами устида ётган қатлам милoddан аввалги III асрларга оид бўлиб, у Бурғулуқ маданияти билан қовунчи маданияти ўртасидаги ўтиш босқичи эканлиги хам асосланди.

Шундай қилиб, Бурғулуқ маданияти Тошкент воҳаси аҳолисининг илк деҳқончилик маданиятидир. У икки тарихий босқични босиб ўтди. Унинг биринчи босқичи милoddан аввалги IX-VIII асрлар, сўнги босқичи еса милoddан аввалги

ВИ-ИВ асрлар билан аниқланган. Бурғулукликлар ўз тараққиётининг биринчи босқичида ярим ертўла ва чайла типига кулбалардан яшаб, дехқончилик билан шуғулланганлар. Иккинчи босқичда еса уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди - энди улар гувала ва хом ғишдан кулба кўришни билиб олдилар. Дехқончиликда сунъий суғоришдан фойдаланилади. Уларнинг қишлоқлари атрофида муҳофаа деворлари пайдо бўлади.

Тошкент воҳасида биринчи бор вужудга келган шаҳарлар асосида Бурғулук маданияти дехқонлари ва хунармандлари яратган иқтисодий ва маданий бойлик ётади.

Мавзу: Темир даври. Ибтидоий жамоа тузумининг мирилиши ва синфий
жамиятнинг падо бўлиши. 2-соат

1. Уруғчилик жамоаларининг емирилиш жараёни.
2. Сунъий суғориш ва кўчманчи чорвачиликнинг ривожланиши.
3. Ерамиздан аввалги бир минггинчи йилликда Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси.
4. Ўзбекистонда илк темир даври қабилаларининг моддий ва маънавий маданияти.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк клажак сари. Тошкент Ўзбекистон 1998.
2. Каримов И.А. Илму фн мамлакат тараққиётига хизмат қилсин.(Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқ) 1994 7 июль.
3. Асқаров А.А. Ўзбекистон халқлари тарихи. Тошкент Фан 1992.
5. Асқаров А. Саклар. Махпират номли «Турон тарихи» журнали 2003 №1.
6. Альбаум Л.И. Поселение Кучук-тепе в Узбекистане. Баку. 1965.
7. Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. Москва 1969.
8. Археология, тарих ва фалсафанинг долзарб муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Хоразм Маъмун Академияси. Тошкент. 2000.
9. Абаев В.И. Скифский бит реформа Зороастра. АОЧ. 21 1956.
10. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до настоящих дней. Тошкент. АНУзССР 1957.
11. Доватур Д.И. Коллистов Д.П., Шишова И.А. Народы нашей страны в истории Геродота. Тести, перевод, комментарий. М. 1982.
12. История Узбекистана в источниках. Составитель Лунин Б.В. Ташкент. 1984.
13. Исомиддин М. Сополга битилган тарих. Фан. Тошкент. 1994.
14. Пьянков И.В. Саки. (Содержание и понятие) ИАН, ТадССР. 1963.

15. Сагдуллаева А. қадимги Ўзбекистон илк ёзм манбаларда. Тошкент. Ўқитувчи. 1996.
16. Сулаймонова Ф. Шарқ ва харб. Тошкент. 1998.
17. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарт. М. 1962.

Уруғчилик жамоаси ўз тараққиётида асосан икки босқични босиб ўтди. Биринчи босқичда уруғ ижтимоий ишлаб чиқаришга асосланган. Бу даврда мулк туб маънода жамоаники еди. Жамоа мулкани еса оналар бошқарар еди, яъни жамоа матриархал уруғчилик асосида қурилган. Бир уруғ жамоа аъзолари ўртасида оила қуриш ман етилган, чунки она уруғи жамоаси аъзолари она тарафидан бўлган қон-қариндошлардан ташкил топган. Ўша замон уруғ жамоаларининг урф-одатларига кўра бир уруғ жамоасининг еркаклари бошқа уруғ жамоасининг аёллари билан ўзаро келишув асосида "оила" қурадилар. Туғилган бола она уруғига тегишли тоға ва холаларни танийди. Тоғанинг мавқеи бола олдида юқори бўлиб, у уруғда бола учун жуда еътиборли шахс бўлган. Чунки, тоға она уруғи жамоаси учун моддий бойлик яратади. Ота еса ўз она уруғи манфаати учун хизмат қилади. Бироқ она уруғи жамоаси тизимидаги бундай тартиблар абадий емас еди. Дехқончилик ва чорвачилик кашф етилгач, бир вақтнинг ўзида хўжаликка бошқариш оналар учун қийин бўлиб қолди. Оталар еса она жамоасига меҳмондай келиб, иш битгач, ўз уруғига қайтиб кетган. Бунга оналар ортиқ чидаб тура олмаганлар. Фарзандларни боқиш, хўжалик билан шуғулланишда учрайдиган турмуш қийинчиликлари аёлларни ўз ерлари олдида талаб қўйишларига мажбур етган. Шундай қилиб, она уруғи жамоасида аста-секин истеъмолчи гурух пайдо бўлади. Бу гурух асосини она-аёл ва унинг фарзандлари ташкил етарди. Аёллар енди бошқа уруғдан қатновчи еридан ёрдам талаб қила бошлайди. Шундай қилиб, икки уруғ аъзоларидан ер-хотин-жуфт оила пайдо бўлади. Бу ходиса жамият тарихида содир бўлган муҳим воқеа еди. Дастлаб, бу оила уруғ жамоасидан ташқарида ташкил топди. Жуфт оиланинг ташкил топиши билан ибтидоий уруғчилик жамоаси заминига зид кетди. Енди уруғдан ташқарида ташкил топган оиланинг манфаати, унинг иқтисодий муносабатлари уруғ жамоаси манфаатига мос келмай қолди. Шу тариқа уруғдан ташқарида мустақил оила жамоалари пайдо бўлди. Уларни бирлаштирган асосий омил - ишлаб чиқариш еди. Олимлар уларга "оилалар жамоаси ёки ишлаб чиқариш жамоалари" деб ном берганлар. Улар аслида туб маънодаги уруғ жамоаларидан фарқ қилувчи, турли уруғ аъзоларидан ташкил топган жуфт оилаларнинг ишлаб чиқариш жамоалари еди. Шундай қилиб, уруғ жамоаси ўзининг дастлабки мазмунини, туб маънодаги ижтимоий ишлаб чиқариш ва жамоа мулкчилигига асосланган қиёфасини ёъқотди.

Ишлаб чиқариш жамоаларининг пайдо бўлиши биринчи навбатда жамоада

ортиқча махсулотнинг хосил бўлиши ва айирбошлашнинг келиб чиқиши билан

боғлиқ еди. Дехқончилик ва чорвачилидан келадиган даромад жамоанинг

кундалик озиқ-овқатга бўлган ехтиёжигина қондириб қолмай, балки унинг ихтиёрида ортиқча бойликнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келди. Ортиқча бойлик еса ўз навбатида айирбошлашни келтириб чиқарди.

Айирбошлаш дастлаб икки уруғ жамоалари ўртасида олиб борилди. Уруғ жамоалари ўртасидаги айирбошлаш махсус шахслар қўлига ўтиб кетди. Натижада жамоа бойлигини унинг аъзолари ўртасида тақсимлашда жамоа манфаатига зид аломатлар намоён бўла бошлади, оқибатда жамоа мулки хусусий мулк қиёфасига кириб, жамоанинг ижтимоий таркибида маълум ўзгаришлар юз беради. Ана шундай ўзгаришларнинг натижаси сифатида жамоада еркаклар иқтисодий ва ижтимоий мавқеининг ошиб бориши патриархал уруғ жамоасининг ташкил топиши билан боғлиқ еди.

Жамоадаги ортиқча даромад ва уни айирбошлаш биринчи ижтимоий меҳнат тақсмотини келтириб чиқарди, яъни ибтидоий уруғчилик жамоаларининг иккинчи босқичида чорвачилик дехқончиликдан ажралиб чиқди. Хўжалик юритишдаги бундай ихтисослашув жамият иқтисодий ва ижтимоий асосининг тезкорлик билан ривожланишига олиб келди. Масалан, бронза даврининг классик ёдгорлиги бўлган Сополлитепада айнан шу ҳолатни кўриш мумкин. Сополлитепа ўтроқ дехқончилик хўжалиги асосида ташкил топган 8 та катта оила жамоасининг қишлоғи. Уларни бирлаштирган нарса уруғ жамоаси иплари емас, балки биринчи навбатда ишлаб чиқариш еди. Ана шу 8 та катта оила таркибида патриархал тизим асосида қурилган юздан ортиқ жуфт оилалар бўлиб, ҳар бир катта оила жамоасини бошқариш иши улар орасидан сайланган оқсоқол қўлида бўлган. Демак, Сополлитепада 8 та катта оила жамоалари оқсоқоллари бўлиб, уларни бирлаштирувчи олий орган оқсоқоллари кенгаши бўлган. Оқсоқоллар кенгашининг аъзолари, Ўрта Осиё ва Ерон халқларининг енг қадимги диний китоби "Авесто" да айтилганидек нманапати деб аталган. Нмана - катта оила жамоаси, нманапати - катта оила бошлиғи. Агар шу тизимдан келиб чиқадиган бўлсак Сополлитепа 8 та нманнадан ташкил топган висдир. Вис - қабила жамоаси, катта қишлоқ Вис-пати еса ана шу нманаларни бирлаштирган олий кенгаш бошлиғи, қабила оқсоқоли, катта қишлоқнинг бошлиғи. Демак, ишлаб чиқариш жамоаларини бошқариш мўътабар зотлар-оқсоқоллар (нманапатилар) қўлида бўлиб, улар жамоа ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча ишларни оқсоқоллар кенгаши (анжумани) орқали хал қилганлар.

Оқсоқоллар кенгаши қўлида диний ва дунёвий ҳокимият бирлашган. Катта оила жамоасининг оқсоқоли бир вақтнинг ўзида ўша оила жамоаси учун диний ва дунёвий бошлиқ пиру устод ва мураббий бўлган. қабила - қишлоқ оқсоқоли еса олий кенгашнинг бошлиғи сифатида бутун қишлоғи ана шундай бошлиғи ҳисобланган. Мўътабар шахсларнинг топшириқ ва буйруқлари жамоа аъзолари учун қонун еди.

Ишлаб чиқариш жамоалари таркибини ташкил етган оилалар жамоаси еса ўз хусусий мулкига ега бўлган. Хусусий мулкнинг келиб чиқиши, жамоаларнинг ишлаб чиқариш қонун-қоидалари асосида ташкил топиши ўз навбатида иқтисодий табақаланишни келтириб чиқарди. Бойлик аввало жамоа оқсоқоллари, харбий бошлиқлар, мўътабар шахслар қўлида тўплана борди. Дастлаб уруғлараро урушларда асир олинган кишилар хун олиш одатига кўра ўлдирилган бўлса, энди улар ё катта бойлик евазига алмаштирилган ёки қул сифатида улардан жамоа ишларида фойдаланилган. Иқтисодий жихатдан мустахкам ва харбий жихатдан жамоалар кучсиз жамоалар ер-мулкни, чорва бойликларини тортиб олар, урушда тушган ўлжа еса хар бир шахснинг кўрсатган хизматига кўра тақсимланган. Шу тариқа ишлаб чиқариш жамоалари таркибида синфий табақаланиш жараёни кечади. Бу жараён баъзиларнинг тезда бойиб кетишига ёки қашшоқ оилалар табақасининг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай жараёнда албатта бойлик биринчи навбатда жамоа бошлиқлари - оқсоқоллар қўлида тўпланган. Авваллари улар жамоа мулкни осон бошқарар едилар. Бошқарув тизимини халоллик, фидойилик, демократик принциплар ҳукмронлик қиларди. Аммо синфий табақаланиш жараёни кучайгани сари жамиятни бошқариш қийинлашади. Чунки жамоа бойлигини тақсимлашда, жамоани бошқаришда демократик принциплар бузила борди, адолацизликлар келиб чикди. Шундай қилиб, кечаги ўз-ўзини бошқариш тизими бюрократик давлат машинасига айланиб борди. Тўғри, бошқариш тизимидаги, дастлабки давлат машинаси хали туб маънодаги бюрократик давлат апаратига ега бўлмай шу ёлда қўйилган илк қадамлар еди. Бу жараён бронза даврининг охири ва илк темир даврига ўтишда содир бўлди. Илк темир даврига хос хусусиятлар еса, бу жараёни тезлаштирди. Ўрта Осиё шароитида илк темир даври милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу даврда ибтидоий жамоа тузуми ўзининг охириги босқичини ўтамоқда еди. Ишлаб чиқаришда биринчи бор темирдан меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришда қўлланилиши ибтидоий жамоа тарихида буюк техник инқилоб бўлди. Айниқса темирнинг роли дехқончилик ва хунармандчилик ҳўжаликларининг ривожланишида катта еди. Темир ибтидоий жамоа тузумини бузиб юборди ва ҳўжаликда табақаланишни тезлаштирди. Темир чорвачиликка дехқончиликдан узил-кесил ажратди, кўплаб хайвонларнинг егаси бўлган аслзодаларни пайдо қилди, хусусий мулкни мустахкамлади, синфий жамиятни келтириб чиқарди. Темирнинг ишлаб чиқаришда кенгроқ қўлланилиши туфайли ҳўжаликда иккинчи меҳнат тақсимооти вужудга келди, яъни хунармандчилик дехқончиликдан ажралиб чикди. хунармандчиликнинг катор сохаларида ихтисослашувнинг содир бўлиши натижасида илк шаҳарларнинг белгиларидан бири сифатида бозор пайдо бўлди. Жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кенг қўламдаги товар айирбошлаш юз берди. Унинг оқибати сифатида айрим шахслар қўлида тезкорлик билан бойликлар тўплана борди. Темирнинг

ишлаб чиқаришда кенг кўламда кириб бориши туфайли ерга хусусий егалик қилиш келиб чиқди. Ерга егалик авваллари шартли еди, унинг егаси ерни сотиб юбора олмас еди. Ерни сотиш ва сотиб олиш авваллари уруғ ва жамоа аъзолари ўртасидагина бўларди. Енди еса ер егасининг ҳуқуқи чегарасиз бўлиб қолди, ер ўз егасининг абадий мулкига айланди.

Бронза даврининг охирлари ва илк темир даврида содир бўлган бу ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар "Авесто" да ўз аксини топган. Ундаги маълумотлар археологик тадқиқотлар билан тўлдирилган ҳолда бу давр ҳаёти ва унинг ижтимоий таркиби ҳақида бизга тўлиқ тасаввур беради.

Илк темир даври қабилаларининг моддий ва маънавий маданияти.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида Ўрта Осиё аҳолисининг ҳаётида туб ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар юз берди. Иқтисодий ҳаётда ҳунармандчилик юксак ривож топди ва деҳқончилик ҳўжалигидан ажралиб чиқди. ҳунармандчилик савдо билан биргаликда шаҳар ҳаётининг иқтисодий асосини ташкил етди. ҳунармандчилиكنинг барча жабҳаларида кэскин ўзгаришлар содир бўлди. Кулолчилик маҳсулоти ўз моҳияти билан товар характери́ни олди.

ҳунармандчилиكنинг бошқа соҳалари-заргарлик, тўқимачилик, металл билан ишлаш, уй-жой ва ижтимоий-диний характердаги меъморчилик юксак ривожланди. Айниқса мудрофаа иншоатлари қурилишига еътибор кучайди.

Ўрта Осиёда деҳқончилик маданиятини сунъий суғоришсиз тасаввур етиш мумкин емас. Шу боисдан суғориш иншоатлари қурилишига, биринчи навбатда, катта миқёсдаги магистрал каналлар қуриш ишга катта еътибор берилди.

Бу давр ижтимоий ҳаётида еркин жамоа-ҳўжалиги жамият тараққиётида асосий буғинга айланди. Ибтидоий жамоа мулкый тенгсизлик жамоа аъзолари орасида синфий табақаланиш жараёни тез суръатлар билан ривожланмокда еди.

Аҳоли орасида жамоанинг еътиборли, нуфузли аъзолари вужудга келди. Уларнинг асосини уруғ жамоа оқсоқоллари, диний вакиллар-коҳинлар, харбий бошликлар ташкил етди. Улар висни, дахъюни бошқарди. Мулкый тенгсизлик ва ҳукмрон табақаларнинг шаклланиш жараёни биринчи навбатда чорвадор аҳоли орасида кучайди. Уларнинг қўлида чорва молларининг кўпайиши янгидан-янги яйловлар ва ўтроқлар ахтаришни такозо етарди. Бу ҳолат кўчманчи аҳоли орасида жанговар харбийлик рухиятини кучайишига олиб келди. хар бир чорвадор уруғ жамоаси еса харбийларга хос жанговарлик руҳида тарбияланди.

Енди улар ўз чорваларига ўтлоқ яйловлар қидириб, деҳқончилик зоналарига кириб бордилар. Деҳқончилик жамоалари ҳаётида нотинчлик туғилди, ҳаётий зарурият хавф-хатарнинг олдини олиш чоралари қидиришга мажбур етарди. Ана шундай зарурий чоралардан бири сифатида аҳоли истикомат қиладиган жойлар атрофида мустаҳкам мудрофаа иншоатлари, қалин деворлар пайдо бўлди. Бу ҳолат айниқса

милоддан аввалги ВИИ-ИВ асрларда кучайди. Бу даврни Л.Г.Морган харбий демократия даври деб атаган.

Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда харбий демократия даврига хос ёдгорликлар Самарқандда Афросиёб мисолида, қашқадарёда Ерқўрғон мисолида, Сурхондарёда Таллашгантепа мисолида, қадимги Хоразмда Кўзали қир ва Калликлар едгорликлари мисолида ўрганилган. Номлари зикр етилган бу ёдгорликлиршиг енг қадимги, дастлабки қатламлари харбий демократия даври манзарасини беради. Масалан, Афросиёбни олиб кўрайлик. У - қадимги Самарқанд. Унинг туб аҳолиси сўғдийлар ўз она шаҳарларини Смараканса (Смараканса) деб атаганлар. Сўғд тили ўрнини форс тили егаллаган (тахмиан, IX аср ўрталарида), Смараканса Самарқанд деб юритиладиган бўлди. Самарқанд туркийда Семизкент, Хитой манбаларида Кеш деб аталди. Ана шу қадимги Самарқанд ХИИИ асрдан, яъни муғул босқинчилари уни вайрон етиб, у харобага айланганидан роса 5 аср ўтгач, у шаҳар харобаси аҳоли орасида Афросиёбнинг атрофини ўраб олган унинг дастлабки мудофаа девори ва шимоли-ғарбидаги хар хил нуқталардаи топилган-археологик ашёвий далиллар қадимги Самарқанднинг ёшини 2500 йилдан кам емас деб белгилашга имкон берди ва бу жойда шаҳар хаёти роса 17 аср, яъни милоддан аввалги ВИ асрдан то милодий ХИИИ аср бошларигача, муғуллар истилосига қадар давом етди. Сўнгра шаҳар қайтадан Самарқанднинг хозирги эски шаҳар қисмида қад кўтарган.

Сўғдий бобо калонларимизнинг Афросиёбга биринчи бор келиб яшай бошлаганига роса 25 аср бўлди. Археолог олимлар ана шу даврни Самарқанд шаҳар тарихини тиклашга Афросиёб - И деб атаганлар. Шунинг учун ҳам тарихда Афросиёб - И даври хақида гап кетганда Самарқанднинг милоддан аввалги ВИ-ИВ асрлардаги тарихи ва маданияти кўз ўнгимизга келади. Бу сана Ўрта Осиё қадимги шаҳарларининг ёшини белгилашди. Чунки худди шу асрларда Ерон Ахмонийлари Ўрта Осиёни ўзларига тобе етган. Археологик адабиётларда "ахмонийлар даври сополи" деб аталган кулолчилик махсулот айнан шу даврда Ерон ва Турон вилоятларида пайдо бўлди - деган фикр ўрнашиб келди.

Олимлар бу ғояси Ўрта Осиёнинг ахамоний подшолар томонидан босиб олиниши билан боғлаб келдилар.

хақиқатда ахвол бошқача бўлиб чиқди. Кейинги 25-30 йил давомида Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида олиб борилган археологик изланишлар натижасида милоддан аввалги ВИ-ИВ асрларга доир ахамонийлар сополи деб аталиб келинган керамика махсулотлари айнан Ўрта Осиёда ўзининг қадимий илдизларига ега еканлиги исботланди. Масалан, "ахамонийлар сополи" қарши воҳасида, Ерқўрғонда милоддан аввалги ВИИ асрдан, Бухорода милоддан аввалги В асрдан, Сурхондарёда еса хатто милоддан аввалги IX-ВИИИ асрлардан мавжуд. Ана шу саналардан келиб чиққан холда археологлар Ерқўрғоннинг қадимги шаҳар тарихини милоддан аввалги ВИИ асрда Бухоро ва Хивада милоддан аввалги В

асрга, Самарқандда милoddан аввалги ВІ асрга оид еканлигини исботладилар. Сурхандарёда еса шаҳар маданияти билан боғлиқ жараён анча олдин кечди. Бу жойда қадимги шаҳар маданияти бронза давридаёқ, яъни милoddан аввалги ІІІ минг йилликнинг ўрталарида шаклланди. Аммо Бактрияда "ахмонийлар сополи" деб аталган кулолчилик махсулоти милoddан аввалги ІХ асрнинг охири ва ВІІІІ аср давомида кенг ишлаб чиқарила бошлаган.

қадимги шаҳар маданияти масканларни хисоблаган ёдгорликларнинг атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Улар таркибида шаҳар ҳукмдорининг қароргоҳи - арки аъло жойлашган. У ердаги аҳолининг асосий махсулоти ўтрок дехқончилик ва кенг тармоқли хунармандчилик бўлган. Сиёсий ҳарбий демократик принциплар асосида оқсоқоллар кенгаши томонидан бошқарилган. Кенгаш тепасида халқ сайланган ҳукмдор турган. У диний, дунёвий ва ҳарбий ҳокимиятни қўлида мужассамлаштирган ҳолда Олий кенгаш аъзолари билан бемаслаҳат иш тутган. Олий кенгаш вакиллари ва жамоанинг нуфузли ўша давр ҳукмрон синфининг асосини ташкил етган.

Милoddан аввалги ВІІІІ-ІВ асрлар даври жамоаси дунёқарашининг шаклланишида оташпарастилик диний тасаввури ва унинг анъаналари асосида таркиб топган зардуштийлик ибратли ахлоқ нормаси сифатида муҳим роль ўйнайди. Зартуштра диний ислоҳати асосида яқка ҳудодикни тарғиб етган зардуштийлик дини ўша давр Ерон ва Турон замин аҳолисининг мафқурасини ташкил етарди. Зардуштийликни Турон замин халқларини халол меҳнатга ундарди. Дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш, ҳайвон боласини ўз фарзандидек тарбиялаш ва у ёлдаги фидойилик одамларга хос улуғ инсоний фазилат еканлигини уқтирарди. Зардуштийлик диний башоратларида исрофгарчилик қораланади, ҳар бир инсон ўз меҳнати билан яратган ноз-неъматлар ҳисобига яшашга одатланмоғи даркор, деб уқтирилади.

Зардуштийлик дини одамларнинг одоб-ахлоқ нормаларини тизимга солди. У жамоанинг ҳар бир аъзоси тақдири билан боғлиқ бўлган жумбоқларни ечишда ёрдам қилди, кишиларни ёмон ниятлардан қайтарди. Ибодат доимо меҳнат билан уйғунлашгандагина инсон фаровон яшаши мумкинлиги ғояси олға сурилди. Яхши ният, яхши фикр, яхши амал инсон ҳаётининг мазмунини ташкил етмоғи зарурлиги уқтирилди. Ана шу умуминсоний қадриятлар мажмуаси даражасидаги ғоялар ўша замон бобокалонларимиз мафқурасининг асосини ташкил етарди.

Зардуштийлар тасаввурига кўра, одам ўлса уни ерга кўмиш, сувга ва оловга ташлаш гуноҳ ҳисобланган. Шунинг учун ўликни аввал махсус даҳмаларга олиб бориб, қарқа, қузғун ва ўргатилган итларга едиришган. Суякларини еса тери ва етдаи тозалаб махсус яшик-тобутларга солиб, сўнгра кўмишган. Ҳудди шу манзара милoddан аввалги В-ІВ асрларга оид Қалали қирдан топиб ўрганилди. Ана шу махсус тобутлар лойдан ясаиб, ҳумдонларда пиширилган, сўнгра уларга одам суяклари солиб кўмилган. Одатда ўтган кишининг сурати, марҳумнинг

тириклик вақтидаги касб-корига тегишли белгиларни ана шу тобут деворларига чизиш одат бўлган. Бу тобутлар археологик адабиётларда Оссурия ёки одатдан деб юритилади.

Мавзу: «Авесто» Ватанимиз тарихини ўрганишда муҳим манба.

Режа:

1. «Авесто» зардуштийларнинг муқаддас китоби
2. «Авесто» ва унда жамият ижтимоий таркибининг акс етиши.
3. «Авесто» –одоб ва ахлоқ қоидалари мажмуи.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Фан Ватан равнақиға хизмат қилади. (Республика Фанлар Академиясининг 50 йиллиғига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқ) 1993. 4 ноябрь.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни- халқ, миллатни-миллат қилишга ҳаракат қилсин. (Тафаккур журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар) Тошкент. Ўзбекистон 1998.
3. Асқаров А.А. Ўзбекистон халқлари тарихи. Тошкент. Ўқитувчи. 1992.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиғи тарихи. Шарқ. Тошкент. 2002.
5. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент. Ўқитувчи. 2001.
6. Васильев М.С. История религий Востока. М. Наука 1992.
7. Бойс М. Зороастрийси: верования и обычаи. М. Наука 1988.
8. История древнего Востока. М. 2002.
9. Леляков Л.А. Авеста в современной науке. М. 1992.
10. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Тошкент Фа. 1994.
11. Сарианиди В.И. И здесь говорил Заратуштра. М. 1992.
12. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. Тошкент. Ўқитувчи. 1993.
13. Макавельский А.О. Авеста. Баку. 1990.
14. Хомидов Х. «Авесто»нинг маърифий қиймати. Тошкент. 2002.

"Авесто" Ўрта Осиёнинг тарихан ажралмас қисми бўлган Турон-замин ҳудудларида шаклланган энг қадимий дин - зардуштийликнинг муқаддас китобидир. Унда ўзбек, тожик, туркман, озарбайжон, форс, афғон ва бошқа халқларнинг ибтидоий ва қадимий илохий тасаввурлари, коинот ва ерда дунёнинг яратилиши билан боғлиқ тушунчалар, афсона ва ривоятлар, фалсафий-ахлоқий қарашлар ўз аксини топган.

"Авесто" да акс етган асосий қонун-қоидалар, диний эътиқоднинг етакчи тушунчалари тарихий шахс Заратуштра номи билан боғлиқ. У бундан тахминан

2700 йиллар аввал яшаган. Унга қадар ибтидоий аجدодларимиз турли-туман қабилавий диний тасаввурларга амал қилиб яшаганлар. Заратуштра ҳам ана шундай маҳаллий қабилавий динларнинг соҳибларидан бири бўлган. Лекин Зардушт яшаган замон ибтидоий муносабатлар ўрнини синфий жамият, қадимий давлатчилик асослари егаллаётган давр еди. Бу даврнинг шаклланиши учун кучли ғоявий мафкура зарур бўлиб, маҳаллий қабилавий динлар жамият тараққиётининг янги босқичига тўсқинлик қилувчи кучга айланган еди. Бу мураккаб замонда ўлканинг турли қабилаларини бирлаштириш, бу орқали уларни илк буюк давлатчилик ғояси атрофида уюштириш зарурияти туғилди. Ана шундай заруриятни тушунган илғор кишилардан бири сифатида Зардушт чиқди, у кўп ҳудудлик тасаввурига табиат ҳодисаларига сиғинишга қарши чиқиб, яқка ҳудудликни тарғиб қилди. У езгулик ҳудуди Ахурамазда билан одамлар ўртасидаги вакил сифатида майдонга чиқди. Заратуштра еронча сўз бўлиб уштра - туя, зарат, - сариқ яъни кекса туячи - туячилар авлодидан деган маъноларни билдиради. Зардуштнинг бошқалардан фарқи шундаки, у ўта истеъдодли шоир, илоҳиёт билимдони, файласуф олим еди. Ягона ҳудудга ишонишгина жамият янги тараққиёт босқичига кўтара олади, деб ҳисоблар еди у. Шу ёлда Зардушт Наврўз кунларидан бирида кохинлар бошчилигида муқаддас ичимлик бўлган хаома тайёрлашга киришади.

Хаома тайёрлашда иштирок этаётган Зардушт эрта тонг палласида дарёдан сув олишга қирғоққа тушади. Дарё сувининг покиза оқимидан сув олиб, бир ёла таҳоратини янгилаётган Зардуштнинг кўзига қирғоқда турган порлоқ хилқат - Вохумана кўринади. Зардушт унинг сеҳрли нурига ергашади. Нихоят, Зардушт езгу ва улуғ ҳудуд Ахурамазда ҳузурига боради. У Вохумана каби порлоқ етгита ҳамиша барҳаёт илоҳий хилқат қуршовида ўтирар еди.

Ахурамазда шу ерда ўзининг борлиқни яратган ҳудуд экани ҳақидаги ҳабарни билдириш учун одамлар орасидан Зардуштни танлаганини айтади. Шу вақтда Зардушт 40 ёшга тўлган еди. Шу кундан бошлаб Зардушт Ахурамазда динининг пайғамбарига айланди (пайғамбар "езгулик ҳақида дарак берувчи" демакдир). У ўз қавмлари орасида Ахурамазда динини тарғиб қила бошлайди. Бунинг учун у гатлар деб аталган, қўшиқ қилиб айтишга мўлжалланган шеърлар яратади. Зардушт гатларидан 17 таси "Авесто"нинг "Ясна" деб аталган қисмига кирган ва бизгача сақланган.

Уруғ ва қабила оқсоқоллари, маҳаллий дин ва уларнинг ҳудудларига сиғинишни қўлловчи кохинлар ўз манфаатларига зид келувчи яқка ҳудудлик - Ахурамаздани тан олишга қаршилиқ қиладилар. Ана шундай мураккаб вазиятда Зардушт Туронни тарк етиб, қадимги Ероннинг шарқий вилоятларидан бирига боради ва Ахурамазда динини тарғиб етишни сабот билан давом еттиради. Унинг таълимоти шу ўлка ҳукмдори Кави Виштаспа маъқул келади. Зардушт бу ўлкага ота юрти Аръянем Вайчаҳдан келган еди. ҳукмдор бутун хонадони ва аъёнлари

билан Ахурамазда динини қабул қилади. Зардушт аста-секин машхур бўла бошлайди. Аммо у хабар берган дин билан эски диний қарашлар ўртасида кураш давом этади. Уни 77 ёшида саклар турлар билан жанг вақтида ибодат устида турган пайтида ғоявий душманларидан бири ханжар санчиб ўлдиради.

Манбаларда кўрсатилишича, Зардуштнинг оиласи, тўрт фарзанди бўлган. Унинг Турон юртига сочган янги дини ғоялари тез орада "униб" чиқди. Барча вохаларда, вилоятларда Ахурамазда дини ёйилиб, одамлар ҳаётининг маънавий асосига айлана борди.

Ахурамазданинг расмий тус олишига қадар унинг Зардушт орқали қилган илохий хабарлари Ерон ва турон замин халқи орасида асрлар давомида намоз, турли диний маросимлар, дуою такбирлар, мадху алқовлар ва сураю оятлар сифатида бошлаган еди. Кўп миқордаги дуою такбирлар, сураю оятлар мадху алқовлар тартибга солиниб, Зардуштнинг ўлиmidан кейин муайян муқаддас китобга тўпланган. Натижада Ахурамазда дини янада қадр ва равноқ топиб, Зардуштга нозил бўлган барча матнлар йиғилган. Пайдо бўлган китобга "Авесто" деб ном берилган. Бу сўзнинг маъноси "ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар" демакир.

Ўлкамизнинг Араб халифалиги кўшинлари томонидан фатх ва ислом динининг тарқалиши муносабати билан зардуштийлик унинг муқаддас китоби "Авесто" ҳам қаттиқ таъқиб остига олинган. Ерон зардуштийларидан бир қисми шарқий ўлкаларга кўчиб кетиб, жон сақлаганлар. Уларнинг авлодлари ҳозирга қадар хиндистоннинг Бомбей ва Гужарот вилоятларида зардуштийликни сақлаб келаётган диний жамоалар сифатида яшаб келмоқдалар. Бу етник ва диний жамоа вакиллари форслар деб аталади. Мухими шундаки, айни мана шу форслар дунёдаги энг қадимий диннигина емас, балки унинг муқаддас китоби "Авесто" ни ҳам сақлаб келмоқдалар. Бироқ "Авесто"нинг матни тўлалигича сақланмаган. Унинг 21 китобидан диний маросимлар учун энг зарур деб ҳисобланган, одатда асосан диний жамоаларда ёд олинадиган қисмларгина сақланган, ҳолос.

"Авесто" китоби, Зардушт орқали вахий қилинган Ахурамазда дини ҳақидаги хабарлар қадимги даврдан бошлаб то Ўрта асрларгача кўплаб тарихий, илмий, адабий манбаларда учраб келади. Масалан, қадимги юнон муаллифлари Зороастр, Заратустра кўринишларида Зардушт номини қайд етишган. Унинг таълимоти ҳақида айрим хабарларни қолдиришган. "Авесто" ҳақида энг муҳим манба IX асрга оид Ўрта форс тилида яратилган "Денкард - дин амаллари" номли қомусий асарлар унда "Авесто" нинг 21 китоби мукаммал ҳолида таърифлаб берилган. Савобли ишлар ёърикномаси, диний маросимлар, расм-русумлар қоидаси, Мазда дини (зардуштийлик) таълимоти асослари; дунёнинг Ахурамазда томонидан яратилиши ва бунинг ҳақ еканлиги, охират куни, охиратдаги ҳисоб-китоб ҳақида, фалақийёт, илми нужум ҳаққа маълумотлар; ижтимоий-ҳуқуқий қонун-қоидалар, Гуштаспнинг Ахура-мазда динини туғилиши ва болалиги; ҳақ

ёълни тутмоқ ва тариқатнинг ҳақ ёъли ҳақида; жамият аъзоларининг ҳақ-хуқуқлари; ҳарбий ишларнинг Ахурамазда дини ҳақлигига хизмат қилиши ҳақида; девлар жинлар каби ёвуз кучларга қарши ўқиладиган дуою-такбирлар, қайтариқлар ва амаллар тафсилотлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

"Авесто" ҳақида буюк олим Абу Райхон Берунийнинг "Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар" номли асарида ёзиб қолдирилган маълумотлар қизиқарлидир. Унда Беруний бундай деб ёзади: "Подшоҳ Доро ибн Доро ҳазинасида ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор еди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат етувчиларни ўлдирган вақтида уни куйдириб юборди. Шунинг учун "Авестонинг бешдан учи ёъқолиб кетди. Авесто ўттиз наск(қисм) еди. Мажусийлар қўлида ўн икки наск чамаси қолди".

Демак "Авесто" Искандар Зулқайнарнинг Осиёга қилган ҳарбий юришларига қадар муқаддас китоб сифатида мавжуд еди. Бизгача сақланган "Авесто", авестошунос олимларнинг ҳулосасига кўра, милодий еранинг ИИИ асрида - сасонийлар подшоси Шопур ИИ даврида китоб ҳолатига келтирилган.

Оврупо олимларидан дастлаб 1755 йили ёш франсуз шарқшуноси А.Дюпперрон Париж кутубхонасига бориб қолган "Авесто" матни парчалари билан танишади. Унда бу сирли китобнинг ўзини топиш ва уни мукамал ўрганиш иштиёқи туғилади. А.Дюпперрон хиндистонни истило қилган кўшинлар билан биргаликда зардуштий форслар орасига етиб олади. Ўз дини ва муқаддас китобини бегоналардан қаттиқ асраган форслар А.Дюпперронни дастлаб ноҳуш ва ишончсизлик билан қабул қиладилар. Ёш олим форслар ичида олти йил яшайди. Уларнинг урф-одатларини, гузаротий тилини, диний расм-русмларини ўрганиб, кохинлар орасида ишонч қозонади. "Авесто" нинг ёзувини ўрганади. Матнларининг мазмунига тушуна бошлайди. А.Дюпперрон "Авесто"нинг бир неча қўлёзма нусхаларини сотиб олишга еришади. 1761 йили у машаққатли саёхатидан қайтиб Англияга келади. Келтирган "Авесто" китобининг қисмларини Англия кутубхонасидаги қўлёзма парчалар билан қиёслаб, дастлабки илмий ҳулосаларини чиқаради. 1762 йили А.Дюпперрон ўз ватанига қайтиб, Франция миллий кутубхонасига "Авесто" нинг асл матнларини, форс тилидаги тафсир (шарҳ) лар бўлмиш "Занд" парчаларини, "Авесто" нинг гуружаротий, хинди ва форс тилларига қилинган таржималаридан иборат парчаларини топширади. Ўзи еса "Авесто" ни франсуз тилига таржима қилишга киришади. А.Дюпперроннинг улкан матонати, илмий жасорати натижаси бўлмиш уч жилдлик таржима 1771 йили нашр етилади.

"Авесто" қадимий аждодларимизнинг ижтимоий-фалсафий фикр ёдгорлиги сифатида ўтмиш тарихимиз, маданият ва маънавиятимизни ўрганишда муҳим манба бўлиб, хизмат қилади. Енг муҳими, "Авесто" Шарқ ёзма адабиётимизнинг енг қадимги манбаси сифатида алоҳида аҳамият касб етади.

"Авесто" да унинг Вендидад (Видевдат) китобида қадимги Турон ўлкаси ва Ероннинг ўзига хос тарихий жуғрофияси баён этилади. Жумладан, Ахурамазда Спитаид Зардуштга бундай дейди: "Ей, Спитаид Зардушт, мен, Ахурамазда, бу нохуш, ғамгин жойни осойишта, фароғатли ўлкага айлантirdим. Енг аввало ғоят езгу жорий қилиб, юртлар ичра енг яхши юрт қилиб, даития дарёси ёқасидаги гўзал Еронвежни яратдим. Лекин ёвуз Ахарамон менинг зиддимга туриб у юртнинг офати бўлган сариқ илонларни ва девлар юборган қишни яратди. У юртда ўн ой қахратон қиш икки ой ёз бўлади: ери учун ҳам, суви учун ҳам, наботи (ўсимлиги учун ҳам совуқ (бу қишу ёз ойлари). қиш қахратони, унинг поёни ўта сарёгин. Мен, Ахурамазда яратган юртларнинг иккинчиси Гава-сўғдлар яшайдиган юрт. Бу юртда яйловлар бўлиқ ўтлоқлар серут, моллари семиз... . Учинчи ўлка - Моуру (Марғиёна) қудратли юрт, ҳақ ёълига содиқ юрт ...; Тоғлари баланд кўтарилган гўзал юрт - Бахдини яратдим мен, Ахурамазда ..., Моуру ва Бахди ўртасидаги Нисайя юртини ҳам мен яратдим...".

"Авесто" нинг ушбу жуғрофий достони, тадқиқотчилар фикрича, Турон заминидан, хусусан, Хоразм ва Сўғддан бошланиб, то жануб ва жануб-ғарб томон тарқалган зардушт дини тарғиботининг босиб ўтган ёълини кўрсатади.

Зардушт таълимотида Олов, ер, тупроқ, сув ва ҳаво муқаддас ҳисобланади. Уларни ифлос қилиш катта гуноҳ деб қаралган.

"Авесто" да табиат ва ҳалоллик ҳукмдори, ҳамма нарсани биладиган ва ҳамма нарсага қодир Ахурамазда нозилларининг тўғрилигига имон келтиришга доир дуолар бор. Унда имонли бўлиш, бунинг учун доимо тоза, пок юриш, ёвузликни қоралаётган пайтда тананинг тоза бўлиши, шайтон-иблисларга қарши ҳаракатлар қилиш, гуноҳ қилмаслик Ахурамаздадан кечирим сўрашга доир дуолар келтирилади. Масалан, гуноҳдан холис бўлиш, имонли бўлиш учун шундай дуо ўқиш керак: "Ей, оламнинг ҳукмдори Ахурамазда! Мен барча гуноҳларимга икрорман, уларни такрорламаслик учун сенга сўз бераман: ҳар қандай ёмон ниятлардан, ҳар қандай ёмон сўзлардан, ҳар қандай ёмон амаллардан кечаман; мен фикрлаган ва гапирган ёки қилмоқчи бўлган ва қила бошлаган ва қилган ҳамма ножўя ишларимдан воз кечаман; ниятларим, сўзларим ва амалий ишларим орқали бундан бўён ишончингни оқлайман; қилган гуноҳларимни кенг караминг ила кечиргил, танам ва жонимни у дунёю бу дунёда мунаввар етгил, ей парвардигорим!"

"Авесто" да олам қарама-қаршиликлардан иборат. Ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, езгулик ва ёвузлик адолатли қонунлар ва қонунсизликлар ўртасидаги кураш унда ўз ифодасини топган. Зардуштнинг диний таълимотида езгуликни қарор топтириш руҳи (Ахурамазда) билан ёвузлик руҳи (Ахрамон) ўртасидаги кураш таърифланади. Ахурамазда езгуликни вужудга келтиришда одамларни имонли бўлишига ундайверади. Ахрамон еса унга қарши одамларни ёмон ишга бошлайди.

Зардуштийлик динида иймон уч таянчга асосланади:

1) фикрлар софлиги, 2) сўзнинг собитлиги, 3) амалларнинг инсонийлиги. "Авесто" да "Берган сўзнинг уддасидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотик ва шартномаларда қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш имонлилик аломатидир", - дейилган.

Ахурамазда "Олий ибтидо" бўлиб, унинг на хотини, ва фарзандлари бор. У хамма мавжудотни яратувчи ва бошқарувчи - Олий рух сифатида берилган.

Зардуштизм якка худолик орқали ўрта хол дехқон, ўрта хол чорвадор, хунарманд ва уларнинг камтарона хаёт тарзини илохийлаштиради.

Ахурамазда одамларга ўз мақсад ўй-фикрларини яхши ният, езгу ишларга қаратишни буюради. Бу ёлдаги одамнинг сўзи маъноли ва ниятга мувофиқ бўлмоғи, яхшилик ёлида айтилмоғи керак. Яхши ният қилган одамнинг амалдаги фаолияти ҳам езгу-ниятлиikka хизмат қилмоғи керак. Самимият, холислик ўзаро иззат-хурмат каби асослар одамлар ўртасида устивор ахлоқий ўлчовларга айланиши керак. ғаразғўйилик хасад, манманлик бадбўйлик, фитна-фасод "Авесто" да қаттиқ қораланди. Сўз устидан чиқиш, ваъдага вафо, ахдга садоқат улуғланади. "Авесто" бу борлиқ дунёни одам учун синов майдони деб тушунтиради.

Шундай қилиб, "Авесто" дунёдаги энг қадимги дин бўлган зардуштийлик таълимотини асослаб берган китобдир. Лекин бу китоб фақат диний, балки кенг маънода тарихий, фалсафий, адабий манба сифатида ҳам ғоят қимматли бўлиб, аждодларимизнинг узок ўтмиш тарихи ва тафаккур тараққиётининг қомусий йиғиндисидир.

Зардушт яшаган даврда кўчманчилик хаётидан ўтроқ хаётга, дехқончилик, хунармандчиликка ўтиш жиддий тус олган, хонаки чорвачиликка еътибор кучайган давр еди. Бу даврда Ўрта Осиёда илк шаҳарлар, вохалар шаклланаётган еди. Зардушт таълимотида осойишта дехқон ва хунарманд хаёти, ўрта хол меҳнаткаш халқ хаёти, шу ёлда ана шу хаётни таъминлашда жонбозлик қилувчи якка худолик тарғиб қилинади. Бу орқали еса туғилиб келаётган янги жамият-еркин ишлаб чиқариш жамоалари асосида янги хаёт қуриш ғояси олға сурилади.

Зардуштнинг ўлимдан сўнг юз йил давомида расмийлашган бу диний тасаввурнинг издошлари дастлаб мазданинг муридлари, маздачилар ёки зардуштийлар деб аталди. Юнонлар кейинроқ уларни мағлар деб юритдилар. Мағлар еса Мидия қабилаларидан бўлиб, зардуштий кохинлар асосан ана шу қабиладан чиқар еди. Мусулмонлар уларни оташпарастилар деб атади. Хуллас, бу дин асосида уларнинг олий худоси Ахурамазда таълимоти, езгулик ва бахт-саодатга еришиш, шу ёлда халол меҳнат қилиш, адолат ва ҳақғўйлик, поклик ва келажак порлоқ хаётга еришиш ғояси ётади. Бу ёлда Ахурамаздага сажда қилиш, унинг ёл-ёриқлари асосида олға интилиш ва хаёт қуриш тавсия етилади.

"Авесто" ва унда жамият ижтимоий таркибининг акс етиши

Заратуштранинг диний ислохатига қадар мавжуд бўлган қабилавий диний тасаввурлар жамият тараққиётига тўғаноқ бўлиб қолган еди. Бир неча юз минг йиллик тарихга ега бўлган ибтидоий жамоа тузуми илдизига зил кетади, унинг заминида янги жамият куртаклари тезкорлик билан пайдо бўла бошлади.

Зардушт яшаган замонда Ўрта Осиё аҳолисининг аксарият кўпчилиги кўчманчиликдан ўтроқ ҳаётга, дехқончилик ва хунармандчиликка ўта бошлади, кўчманчи чорвачиликка еътибор кучайди, қадимги шаҳарлар ва дехқончилик вилоятлари (Сўғдиёна, Марғиёна, Бақтрия, Парфия, Хоразм) нинг шаклланиш жараёни кечаётган давр еди. Турон замин халқари ҳаётида юз бераётган бу ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар тараққиёт ёълига ғов бўлаётган мафкурани янгилашни, янги жамият талабларига жавоб бера оладиган диний ислохни талаб етар еди. "Авесто" да ана шу давр ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти ҳамда Ерон ва Турон халқларининг замон талаби асосида қурилган маънавияти ўз аксини топган.

"Авесто" да асосан патриархал уруғ жамоаси ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга унинг сўнгги қисми Видевдатда иқтисодий тенгсизлик табақаланиш ҳақида гап боради. Масалан, "Авесто" да "азата" атамаси бор. У еркин, мўътабар одам маъносини беради. "Асна" атамаси еса жамоаси улуғлари, еркин жамоа аъзоси маъносида қўлланилади. "Авесто" да бойлик хайвон билан ўлчанади. Хонадоннинг асосий бойлиги хайвон ҳисобланади. Бойлик "гайта" атамаси билан берилган. Бойликка шахсий уй ховли-жой, қалъа-қўрғонлар ҳам кирган. Шунинг учун бирон шахснинг бойлиги ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда хайвон, сўнгра мулк, ниҳоят бошқа бойликлар есланади.

"Авесто" да жамият ижтимоий таркиби ҳақида гап кетганда биринчи навбатда "нмана" атамасини учратамиз. "Нмана" оила бирлиги, хонадон, уй маъносида берилган. У жамиятнинг биринчи куртаги, асоси. Оила бошлиғи "нманапати" шаклида берилган. Оила таркибини оила бошлиғи (нманапати), унинг хотини (нманапатни), болалари, набиралари (ўғил-фарзандлари) ва еваралари ташкил етган. "Авесто" нинг қадимги қисми Гатларда бошқа уруғ ва қабиладан келтирилган туб маънодаги қуллар ҳақида сўз юритилмайди. Аммо унинг Видеват китобида қул атамаси учрайди, у "вайса" шаклида, уруғ қули сифатида еслатилади.

"Авесто" да еркак киши "вира" шаклида берилган. "Вира" бир вақтнинг ўзида аскар маъносини ҳам англатади. Яштларда пайғамбар Заратуштра худо Ахурамаздага илтижо қилиб, ундан чорвадор учун хайвон ва вира - қул, яъни хонадон хизматкори сўрайди. Демак вира - катта оила хизматкори, вира нмана. "Авесто" да еркин жамоа аъзоларидан камбағаллашганлари "парияйтар" - чўпон атамаси билан юритилган. "Парияйтар" кимгадир қарам, тобе одам бўлиб, лекин хали у қул емас.

"Авесто"да "вайса", "вира", "парияйтар" катта оиланинг патриархал оиланинг кичик аъзолари бўлиб, оиланинг бошқа еркин аъзоларига нисбатан ҳақ-ҳуқуқлари чегараланган аъзолари сифатида берилган.

"Авесто" ижтимоий таркибида нманадан сўнг "вис" атамаси келтирилган. Вис-уруғ, қишлоқ. Висга камида 15 та бир-бирларига қариндош нмана кирган. Аммо висга қизнинг фарзандлари кирмаган. Бу еса висни мутлақо патриархал оила (нмана) еканлигидан далолат беради.

Уруғ жамоаси "Авесто" да жамият иқтисодий асосини ташкил етган, у барча муҳим сиёсий ижтимоий ва ҳуқуқий вазифаларни бажарган. Яйлов, екинзорлар, каналлар вис мулки бўлган. "Авесто" нинг қадимги қисмида ўч олиш, никоҳ, муносабатлари, гаровга туриш тартиб-қоидалари жамоа тасарруфида еди. Жамоани бошқаришда ҳарбий демократия принципларига амал қилинган. Вис тепасига виспати турган. У нманapatiлар ичидан сайлаб олинган. У уруғ бошлиғи, судья, диний устоз, рахнома, "Авесто"да "врзана" атамаси ҳам учрайди. У бир қишлоқда жойлашган бир неча уруғларнинг ҳудудий бирлашган уюшмаси. Врзана қаторида арьяман атамаси ҳам бор. У уруғдош иттифоқи, қабила деган маънони англатади. қабила атамаси "Авесто" да занту деб берилган. қабила бошлиғи-Зантупатидир.

"Авесто" даври жамияти таркибида висдан юқори турган ҳудудий бирлик "дахью" деб аталган. Дахью - бу вилоят, йирик округ, йирик ҳудудий бирлик. Бу ҳудудда битта емас, бир неча қабилалар яшайди. Маълум бир етник уюшманинг маъмурий ҳудуди бўлган. Дахью (вилоят) бошлиғи "дахьюпати" деб юритилган. "Авесто" да шу каби атамалар кўп учрайди. Ана шундай атамалардан яна бири "састар" бўлиб, ҳукмдор, вилоят бошлиғи ҳоким маъносини англатади. Састар одатда дахью округларидан бирини бошқаради ёки вилоят (дахью) пойтахтининг ҳокими бўлиши мумкин. Унинг вазифасига ҳарбий қўмондонлик, ўлкани бошқариш киради. Бир неча дахьюлар тепасида дахью саста - ҳукмдор турган. Дахью саста - бу дахьонинг давлат даражасига ўсиб чиққан бўғини. Масалан, яштнинг ўнинчи башоратида хирот ва Маврдан то Орол денгизигача, ундан Сирдарёгача бўлган ерларнинг дахью састига қараганлиги еслатилган. Бу ўринда Ўрта Осиёда ташкил топган дастлабки давлат "Катта Хоразм" ҳақида гап кетмоқда.

Мавзу: Ўрта Осиё ҳудудида дастлабки давлат конфедерацияларининг ташкил топиши.

- 1. Қадимги Бактрия ва Сўғдиёнада ибтидоий жамоаларининг излари.**
- 2. Қадимги Хоразм.**
- 3. Қадимги Бактрия подшолиги.**

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Йошкет Ўзбекистон.1994.

2. Каримов И.А. Туркистон-умумий уйимиз. Тошкент Ўзбекистон 1995.
3. Асқаров А.А. Ўзбекистон халқлари тарихи. Тошкент. Ўқитувчи. 1992.
4. Асқаров А.А. қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар. Конференция материаллари. 2003.
5. Археология, тарих ва фалсафанинг долзарб муаммолари.. Тошкент 2000.
6. Бактрия қадимда ва ўрта асрларда. Археология институти нашриёти. Самарқанд. 1993.
7. Ванберг В.И. Памятники куюсайской культуры. Кочевники на гронисах Хорезма. М. 1979.
8. Воробьёва М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология. В кн. Етнографи и археология Средней Азии. М. 1970.
9. Сулаймонова Ф. Шарқ ва харб. Тошкент. Фан 1997.
10. Сагдуллаев А. қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент. Ўқитувчи. 1996.
11. Пьянков И.В. Хорасмия Гекатея Милецкого. ВДИ. 1972.
12. Толстов С.П. Древний Хорезм. М. 1948.
13. Хлопин И.Н. История география Средней Азии. Ашхабад. 1983.

Кейинги 25-30 йил ичида Сўғдиёна ва Бактрия худудларида ҳам кенг кўламда олиб борилган илмий қидирув ва изланишлар туфайли худди қадимги Фарғона дагидек кечаги чорвадор қабилаларнинг бир қисми дарё хавзаларида, тоғ олди сойларининг ўрта оқми ва етакларида ҳосил бўлган пастқам, сувга яқин жойларда дехқончилик қила бошлаганини кузатамиз. Масалан, Самарқанд Сўғдини оладиган бўлсак бу ўлкада қачонлардир қадимги Турон юртининг афсонавий ҳукмдори Афросиёб яшаган. Ривоятларга қараганда, Самарқанд шахрига асос солган пахлавон ҳам худди ўша Афросиёб еди. Кейинги йилларда маҳаллий матбуотда Афрасиёб Турон ҳукмдори экан, Турон бу Туркистон, Афросиёб ҳам турк, деган қарашлар пайдо бўлмоқда. Бу масала ечими Авестода ўз аксини топган.

"Авесто" китобида Амударёдан шимолда жойлашган қabila ва елатлар турлар деб аталади. Тур атамасининг асл мазмунига келсак у чорвадор, чорвачилик билан шуғулланувчи қabila ва елатларга нисбат қилиб берилагн ном. Ўша афсонавий Афросиёб яшаган замонлардан анчагана аввал (тахминан милoddан аввалги III минг йилликда, яъни бундан 3,5-4 минг йил бурун) Амударёдан шимолда яшаган аҳолининг аксарият кўпчилиги чорвачилик билан шуғулланган. Айниқса марказий ва шимолий Ўрта Осиёнинг барча вилоятларида чорвадор қabila жамоалари кенг тарқалган еди. Худди ана шу вилоятларда милoddан аввалги II минг йиллик давомида она юртимизнинг қадимги дехқончилик вохалари таркиб топди. Бу жараён кечагина дайди ҳаёт кечириб, ўз чорвалари орқасидан ергашиб юрган қабилаларнинг бир қисмини дехқончилик қилишга ўтиши туфайли содир бўлди. Чунки Ўрта Осиёда пода боқиш учун яйловлар торлик қила бошлади. ҳамманинг

хам чорвачилик хўжалиги билан шуғулланишга имконияти қолмади. хаёт учун кураш аҳолини яшаш манбаини қидиришга мажбур етди. хаётнинг ўзи аҳолини дехқончилик учун қулай жойларда қарор топиб тирикчилик қилишга етаклади. Бу жараён археологик материаллар асосида яққол кўзга ташланади. Ана шу жараённинг натижаси сифатида Сўғдиёна деб номланган қадимги дехқончилик маданияти маркази вужудга келади. Бу улкан тарихий жараён билан боғлиқ ҳолда милoddан аввалги II минг йиллик ўрталарида - бундан тахминан 2,5 минг йиллар аввал Марказий Сўғдда Самарқанд шаҳри қад кўтаради. қадимги Самарқанд - Афросиёбда олиб борилган археологик қазилмалар жараёнида унинг енг пастки қатламидан қадимги Чуст маданияти материалларига айнан ўхшаш сопол парчалари топилди. Бу сопол парчалари қадимги Самарқанднинг милoddан аввалги VII асрга оид муҳофаа деворлари остидан топилди. Яна ўша давр муҳофаа деворининг қолдиқлари очилди. Демак Афросиёбда унга берилаган 25 асрлик ёшдан аввал ҳам аҳоли яшаган. Улар дехқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланганлар. Аҳоли пунктининг атроф муҳофаа девори билан ўраб олинган.

қадимги Фарғонанинг Чуст маданияти типигаги жамоа излари Жанубий Сўғдиёнанинг бош шаҳри Ерқурғон шаҳри харобасининг пастки қатламида ҳам учрайди. Ерқурғондан топилаган кулолчилик чархида ясалган сополларнинг йил санаси археологлар томонидан милoddан аввалги VIIII-VII асрлар билан белгиланган. Чуст маданияти типигаги сопол парчаларини милoddан аввалги IX-VIIII асрларга тегишли деб ҳулоса чиқариш мумкин.

Чуст типигаги сополлар ҳозирги кунда қадимги Кеш вилоятида, яъни ҳозирги Шахрисабз тумани ҳудудида ҳам топилган. Археологлар Кен вилоятининг Тўрткўлтепа деб номланган ёдгорлигида қазилмалар олиб борар экан, бу ёдгорликнинг юқори қатлами илк феодал даврига оид бўлиб, унинг қуйи - пастки қатлами Чуст маданияти типигаги ибтидоий жамоаларнинг қишлоқлари эканлиги аниқланди. Бу фактлар қадимги Сўғдиёна марказий ва жанубий вилоятларининг сўнгги бронза давридан илк дехқончилик маданияти ҳудудларига айланганлигини тасдиқлайди. Ана шу ёдгорликларни бизгача қолдирган қадимги бободехқонларимизнинг фаолияти туфайли Сўғдиёна милoddан аввалги II минг йилликнинг ўрталарига келиб сунъий суғоришга асосланган йирик дехқончилик марказига айланди.

қадимги Фарғонанинг Чуст маданияти типигаги ибтидоий жамоа излари Ўзбекистоннинг жанубий вилояти бўлган Сурхондарё ҳудудида қадимги Бактрияда ҳам топиб ўрганилган. Шу даврга оид ёдгорлик илк бор археолог Л.И.Альбаум томонидан Музрабод чўлидаги Кучуктепада топилди. Кейинроқ Кучуктепа типигаги макон харобалари Шўрчи туманининг Миршоди қишлоғида, Бандихондаги Майдатепода, Бўйрачи-1 ва Бўйраси-2 маконларида, қизилчи-6 ёдгорлигида топиб ўрганилган.

Юқорида номлари зикр етилган ёдгорликлар Жанубий Ўзбекистоннинг

сўнгги бронза даврида ташкил топган учта (Шеробод, Бандихон ва Шўрчи) қадимги дехқончилик марказларида жойлашган бўлиб, бу ўлкада дехқончилик вохалари аллақачон шаклланган. қадимги Бактрия милoddан аввалги III минг йилликнинг биринчи ярмиданоқ қадимги Шарқ сивилизасияси тизимига кирган. Шунинг учун ҳам Бўйрачи-1, Бўйрачи-2, Жарқўтон каби ёдгорликларда Чуст типидagi археологик ашёвий далиллар ана шу ёдгорликларнинг юқори қатламида учрайди. Бироқ қадимги Бактрияда Чуст типидagi маданият кенг томир отиб кетмади. Бу ўлка халқи ўзининг қадимги илғор маданий дунёси билан жамият тараққиётининг келажак истқболини белгилаб беради. ҳатто милoddан аввалги II минг йилликнинг бошларида бу ўлкага Чуст типидagi маданият ворислари кириб келганда ҳам келгиндилар туб аҳоли маданияти билан ҳисоблашишга мажбур бўлди ва унинг қаърига сингиб кетди. Биз бу манзарани қадимги Бактрия подшолиги давридаги (милoddан аввалги ВИИИ-ВИИ асрлар) маданиятдан яхши биламиз. Яна шуни таъкидламоқ керакки, милoddан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларида қадимги Бактриядаги иқтисодий ва маданий ҳаёт шу даврдаги қадимги Фарғона ва Сўғдиёнадан тубдан фарқ қилар еди. Агар чустликлар ва тўртқўлтепаликлар ўз бобокалонлари анъаналарига кўра чайла ва ярим ертўла типидagi кулбаларда яшаган бўлсалар, қадимги Бактрияда - Кучуктепа, Майдатепада, Бўйрачи ва қизилчада аҳоли ғишт ва пахсадан қурилган уйларда истиқомат қиларди. ҳунармандчиликнинг тўқимачилик бронза, металл билан боғлиқ бўлган ва кулолчилик соҳалари юксак ривожланган еди. Келгиндиларнинг ўзлари билан олиб келган қўпол ва мўрт, сиртига ангоб бериб рангли нақш солинган сопол ишлаб чиқариш усули бу ўлкада тезда ўз умрини тугатди. Унинг ўрнини аввалгидек кулолчилик чарҳида ишланган сопол идишлар ишлаб чиқариш технологияси егаллади. қумтошдан ўроқсимон пичоқлар яшаш ҳам бу ўлкада ривож топмади. Шунинг учун Чуст маданиятига ҳос анъанавий мерос тезда ўз ўрнини иқтисодий ва маданий тараққиётда уларга нисбатан анча юқори турган ҳаёт тарзига бўшатиб берди.

Чуст маданиятига ҳос моддий ва маданият ёдгорликларининг қадимги Шарқ сивилизасияси марказларидан бири бўлган Бактрияда пайдо бўлиши ўша замон етник жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу ибтидоий жамоа тартиб-қоидаларининг бузилишига, унинг ўрнига синфий жамият талабига жавоб берувчи янги жамият бошқарув тизимининг келиб чиқишига олиб келди. қадимги манбаларда Ўрта Осиёдаги енг қадимги давлатлар сифатида "қадимги Бактрия подшолиги" ва "қадимги Хоразм" подшолиги ҳақида хабарлар бор. Бизнингча, ана шу қадимги подшоликлар тепасида даҳёю састи турган. Аммо даҳёю састи қўл остидаги подшолик ҳоли мутлоқ ҳоким бўлмай, унинг ҳуқуқари чекланган. У даҳёю ҳокимларидан ташкил топган кенгашни бошқаради. Ҳуллас, даҳёю састи "Авесто" даври жамиятида бир неча вилоятларни номинал бирлаштирувчи илк уюшманинг бошлиғи, яъни олий кенгаш раиси. Бу уюшманинг диний раҳбари олий судьяси бор, у Заратуштроема деб аталади. У пайғамбар Заратуштра

даражасидаги Олий диний бошлик. Хуллас, "Авесто" миллоддан аввалги ИХ-ВИИ асрлар жамиятнинг ижтимоий таркиби ҳақида ана шундай тасаввурни беради.

Агар биз "Авесто" да жамият ижтимоий таркиби ҳақида келтирилган маълумотларга суяниб, фикр юритадиган бўлсак И минг йилликнинг биринчи чорагида Ўрта Осиё шароитида ибтидоий жамоа ҳаётида янги илк синфий жамият таркиб топаётган жараёни кузатамиз. Бу, бир томондан, ибтидоий жамоа ҳўжалигида хали жамиятни демократик принциплар асосида бошқариш ҳукмрон эканлигини кўрсаца, иккинчи томондан, ана шу еркин жамоа илдизига зил кегганлигини кўрсатади. Жамиятни бошқаришда қишлоқ, туман, вилоят, ва бир неча вилоятларни сиёсий жихатдан бирлаштирувчи илк давлатчилик куртаклари ҳақида хабар топамиз. Афсуски, ёзма манбаларда улар ҳақида узук-юлуқ ва жуда қисқа маълумотлар учрайди. Уларнинг баъзилари еса, афсонавий характерда, зардуштийлик динининг бош ислохчиси Заратуштра ва унинг хомийси Кави Висташпа фаолияти муносабати билан еслатилади.

"Авесто" маълумотлари асосида, С.П.Толстрв, В.Хеннинг ҳамда И.Гершовичлар "Катта Хоразм" давлати ҳақидаги археологик изланишлар ва тарихий жуғрофий маълумотларни солиштириб ўз қарашларини баён етганлар. С.П.Толстов ва қатор бошқа олимлар Даития бу Амударёдир дейдилар. С.П.Толстов қадимги Хоразм Амударёнинг қуйи хавзасида жойлашган мамлакат экан, Заратуштра ўз таълимотини шу заминдан чиқиб бошқа вилоятларга тарқатган, деган хулосага келади.

"Авесто" да "Катта Хоразмга" тегишли вилоятлар санаб ўтилади. Бунга кўра Яштнинг учинчи башоратида Ўрта Осиёнинг деярли катта қисми хирот ва Марвдан то Орол денгизигача, ундан Сирдарёгача бўлган ерларнинг дахью састига яъни "Катта Хоразм"га: - А.А.) қараганлиги еслатилади.

Бу хабар юнон муаллифлари томонидан ҳам тасдиқланди. Герадот "Катта Хоразм" давлатининг екин майдонларини суғориш учун Окс дарёсига туғон қирилганлигини баён қилиб ўтган.

Олимлар Оксни Тежен дарёси билан солиштириб, ҳозирги хирот ва Мари вилоятлари "Катта Хоразм" давлати таркибида бўлган деган ғояни олға сурадилар. Демак юнон тарихчиси Герадотнинг маълумотларига кўра миллоддан аввалги ВИИИ-ВИИ асрларда Окс-Тежен воҳаси-ҳозирги Туркменистон "Катта Хоразм" давлат конфедерациясига қараган.

Бироқ "Катта Хоразм" давлатининг қачон инқирозга юз тутганлиги ҳақида бирор фикр билдириш қийин. Аммо шуниси аниқки "Катта Хоразм"га тегишли қатор жанубий вилоятлар Мидия давлати давридаёқ ундан ажралиб кетган, унинг яна қатор вилоятлари еса Ахмонийлар давлати томонидан босиб олинган. Миллоддан аввалги ИВ асрга келганда, "Катта Хоразм" нинг Амударёнинг қуйи хавзасидаги ҳудудида қадимги Хоразм давлати ташкил топган. Унинг подшоси сифатида Фарасман исмли шахс юнон тарихчилари томонидан тилга олинади.

Искандар Зулқарнайн хиндикуш орқали Бактрияга, ундан Сўғдиёнага қўшин тортиб келганда Хоразм подшоси Фарасман унинг хузурига совға-саломлар билан келган ва шимол томонларга юриш қилмоқчи бўлса, ўз қўшини билан унга ёрдамга тайёр еканлигини билдирган.

Ўрта Осиё худудида ахамонийларга қадфр ташкил топган иккинчи давлат-бу Бактрия подшолигидир. Бу давлат ҳақидаги дастлабки маълумотлар юнонистонлик табиб Ктесийда учрайди. Бошқа бир юнон солномачиси Диодор еса Ктесий хикояларига асосланган ҳолда Оссурия подшоси Ниннинг Бактрияга қилган ҳарбий юришлари ҳақида хабар беради. Бу хабарда Нин Бактрияликларнинг жанговарлигини билган ҳолда, 1700 минг пиёда ва 210 минг отлик аскар тўплаб Бактрияга ҳужум бошлаган (албатта, бу сон анча бўрттириб берилган, ҳақиқатдан анча узоқ).

Бактрия пойтахти Бактра (ҳозирги Балх) мустаҳкам муҳофаа иншоотларига ега бўлган. Бактриянинг ҳукмдори Оксиарт еса, Ватан химоясига 400 минглик қўшин тайёрлайди. Биринчи жангда Бактрия қўшинлари Оссурияликларга талофат етказди, бироқ жанг майдонига уларнинг қўшинлари тушгач, Бактриялик чекинишга мажбур бўлишди. Кейин еса, кичик-кичик гуруҳларга бўлинишиб айрим шаҳарлар муҳофаага ўтган. Бундан Нин усталик билан фойдаланиб, шаҳарларни бирин-кетин қўлга киритган. Фақат пойтахт шаҳар Бактра Оссурияликларга қаршилик кўрсатишни давом еттиради. Нин томонидан уни егаллашга қаратилган уринишлар муваффақиятсиз тугайди.

Нин қўшинларига унинг рафиқаси Семирамида бошлиқ янги кучлар келиб қўшилади ва узоқ давом етган шаҳар қамали ҳамда пухта уюштирилган кетма-кет ҳужумлардан сўнг Бактрия егалланади. Унинг бойлиги таланади. Маълум вақи ўтгач, Мидия билан Оссурия ўртасида уруш келиб чиқади. Шу муносабат билан Ктесий яна Бактрияни еслайди. Ктесийни хабарига кўра Оссурия томонида туриб Мидияга қарши қўшин тортиб боради. Бироқ бундан хабар топган Мидия аслзодалари Бактрия қўшини лашкарбошисини, кейин еса унинг қўшинларини ўз томонига ағдариб оладилар. Мидия ва Бактриянинг бирлашган қўшинлари Оссурия қўшинига катта талофат келтиради. Ктесий ахамонийлар подшоси Кир ИИ нинг шарққа юриши муносабати билан учинчи марта Бактрияни тилга олади. Унинг ёзишича, Кир дастлаб Бактрияни тобе ета олмайди. Бактрияликлар Мидия подшоси Астиагнинг Кирни ўзининг қонуний ворисхўри сифатида тан олганлигини ешитгач, унга қаршиликсиз бўйсундилар.

ҳозирга қадар Ктесий келтирган маълумотларга ишончсизлик билан қараб келинди. Унинг хабарлари афсоналар ва уйдирмаларидан иборат деб баҳоланди. Ктесий бу хабарларини ўзи тўқиб чиққан емас. У Ахамонийлар подшоси Доро ИИ ва Артаксеркс ИИ даврида Еронда сарой табиби бўлиб ишлаган. Ўша вақтда сарой тарихчилари ва ҳукмрон доира вакиллари билан бир неча бора суҳбатда бўлиб, уларнинг оғзидан ахамоний подшолиги қарор топганга қадар ўтган тарихий

воқеаларни ешитиб, ўша хикоялар асосида, ва кўрган билганлари ҳақида ўз кундалигини ёзиб қолдирган. Ктесий хикоялари Ўрта Осиё ва Ерон халқари тарихи учун жуда муҳим, чунки бу хикояларда милoddан аввалги В асрнинг охири ва ИВ асрнинг боиларида (Ктесий ишлаган даврга) оид кўпгина аниқ маълумотлар келтирилади. Ктесий хикояларининг асосида қандайдир тарихий ҳақиқат борлигига ишониш қийин емас. Масалан, Бактрия билан Оссурия ўртасида алоқалар бўлганлигига шубҳа ёъқ, чунки Бактрияда ўз даврида Оссурияда икки ўрқачли туялар қатнаган. Бу туяларда Бактрия лазурити олиб борган. Булар ҳақида Саргон ИИ даврига ИИ милodd. авв. ВИИИ аср манбаларида хабар берилди. Оссурия айғoқчилари Бактриянинг ички раёнларига кириб борган ва ўз подшоларига Бактрия лазурити маълумот юборган. Оссурия айғoқчисининг бир хабарида шундай дейлади: "Подшоҳим, менинг лазурит қидириб тоғли жойларга борганлигимни жаноби олийим билмайдилар. Мен лазурит олиб, кетаётганимдан хабар топган маҳаллий халқ менга қарши ғалаён кўтарди. Агар хазрати олийлари лозим топсалар, бу томонларга қўшин юборсин ва лазуритни олиб кечин фақат мен маҳаллий халққа яқинлашмайман ва улар билан бирга сув ҳам ичмайман, бир дастурхон атрофида ўтирмайман ҳам".

Ктесийнинг хикояларида тарихий ҳақиқат бор. Унинг маълумотлари милoddан аввалги ВИИИ-ВИИ асрларга оид, уларда Бактриянинг қудрати, шoн-шуххати, минглаб шаҳар ва қишлоқлари, серунум ерлари ва сонли чорвалари ҳақида хикоя қлинади.

Тарихчи Геродот ҳам Бактрия ҳақида жуда қисқа маълумот қолдирган. У Кирнинг Мидия подшоси Крез устидан қозонган ғалабаси ҳақида еслаб, энди Кир ёълида Вавилон, Бактрия халқи, саклар ва мисрликлар ётади, дейди.

Кейинги йилларда қадимги Бактрия ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқот ишлари юнон муаллифларининг "қадимги Бактрия подшолиги" ҳақидаги хикоялари заминда тарихий ҳақиқат борлигига ишора қилади. Бунга мисол қилиб, Жанубий Бактрияда Олтин-1 ва Олтин-10 ҳамда Бактра шаҳри вайроналарини, Шимолий Бактрияда еса, Кучуктепа, қизил-тепа, Таллашкантепа, Бандихон-ИИ каби ёдгорликларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳар бири маҳаллий ҳокимликларнинг ўрдаси бўлган. қадимги Бактрия подшолиги еса, ана шу туман ва вилоятларни бирлаштирувчи ҳарбий-демократик типдаги конфедерасия еди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёни ахамонийлар салтанати босиб олгунга қадар (бу воқеалар милoddан аввалги ВИ-ИВ асрларда содир бўлган еди.) бу она заминда ҳарбий-демократия принциплари асосида таркиб топган иккита давлат мавжуд бўлган. Булар ҳақда "Авесто" ва юнон муаллифлари жуда қисқа бўлсада тегишли маълумотлар қолдирганлар. Бу давлатлар "Катта Хоразм" ва "қадимги Бактрия" подшолиги еди. Уларнинг ҳудудий доираси, ички давлат таркиби ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий алоқалари ҳақида, улар ўтган

давр ҳақида ҳали олимлар орасида кўп илмий мунозаралар бўлади. Улар ҳақида кўплаб махсус илмий тадқиқотлар ўтказилади ва янги-янги асарлар чоп этилади.

**Мавзу: Ерон Ахамонийларининг Ватанимиз ҳудудларига
босқинчилик юришлари.**

Режа:

- 1. Ўрта Осиё Ерон Ахамонийлари империяси таркибида.**
- 2. Марғиёнада кўтарилган халқ курашлари.**
- 3. Ахамонийларга қарши сак ва массагетларнинг курашлари.**
- 4. Ахамонийлар ҳукронлиги дарида ижтимоий-сиёсий ҳаёт.**

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш ёълида. Тошкент. Ўзбекистон 1998.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак ёъқ. Тошкент. Шарқ. 1998.
4. Асқаров А.А. Ўзбекстон халқлари тарихи. Тошкент. Ўқитуви. 1992.
5. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент. Ўқитувчи. 2001.
6. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент. 2000.
7. Каримов Ш., Шамсутдин Р. Ватан тарихи. Тошкент. Фан 1994.
8. Дьяконов И.М. История Мидии от древнейших времен до конца 4 века до н. э. М.Л. 1956.
9. Пьянков И.В. «История Персии» Ктесия и среднеазиатские сатрапии Ахменидов в конце 5 века до н. э. Вестник древней истории. М. 1965.
10. Бойназаров Ф. Анти дунё. Тошкент. Мехнат. 1989.
11. Сулаймонова Ф. Шарқ ва ҳарб. Тошкент. Фан. 1997.
12. Сагдуллаев А. қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент. Ўқитувчи. 1996.

Милоддан аввалги В.И асрда ташкил топган Ахамонийлар давлати икки аср яшади. Бу мамлакат жаҳон тарихида ўнлаб форс подшоҳлари ва Мисрдан то Шимоли-ғарбий хиндистонга қадар бўлган давлат ва халқларни бирлаштирган йирик давлат еди.

Унинг пойтахти Пресополь шаҳри бўлган. Форсларга қадар бу ўлкада, еламитлар яшар едилар.

Форслар келиб чиқиши жихатдан еламитлар билан ҳеч қандай етник алоқага ега емас. Форслар аввал Жанубий Еронда жойлашган. Сўнгра бутун Еронни егаллашган. "Авесто" да улар "азад" номи билан юритилган. Тарихий анъаналарга кўра, "азад" лар арийларни ташкил етган. Арийлар егаллаган юрт кейинроқ Ерон

номини олган. Жуда қадим замонларда Ероннинг форслар егаллаган жанубий худуди шумерлар томонидан Ним (баланд) деб юритилган, аккадлар еса уни "Еламту" деб атаганлар. Еламту халқ орасида "Тоғли мамлакат" номини англатган. Еламитлар еса ўз юртларини "Хотамту" деб атаганлар. Ривоятларга кўра, шу юртга қачонлардир кўчиб келиб, хукмронликни кўлга киритган форсларнинг нуфузли оидаларидан бири Ахамен милoddан аввалги ВИИИ асрнинг охири ва ВИИ асрнинг бошларида ўз сулоласига асос солган. Милoddан аввалги ВИИ асрда унинг уғли Чишпиш форс қабилалари иттифоқини тузади. Тахминан милoddан аввалги 640 йилга оид миххатларда Парсумаш, яъни форс мамлакатининг подшоси сифатида Куруш тилга олинган. Куруш И кўпгина форс подшоликларини бирлаштириб ягона давлат барпо этади. Форс подшоси Куруш ИИ Бихустун ёзувларида ўзининг Ахамен авлодидан эканлигини такидлайди. Милoddан аввалги 550 йилга оид Вавилон хроникасига кўра, Куруш ИИ нинг Парсуани хукмдори эканлиги еслатилади.

Куруш ИИ нинг годшолик даврида Яқин Шарқда Мидия, Лидия, вавилония Миср каби йирик давлатлар мавжуд еди. Куруш ИИ аввал Мидияни босиб олиб, Еламини ўзига қаратди, Вавилония ва Лидия қўшиб олинди. Енди Куруш ИИ нинг хужумлари Бактрияга ва сакларнинг ерларига қаратилди.

Бихустун ёзувларига кўра, форсларга тобе бўлган халқ ва мамлакатлар рўйхатида Ўрта Осиёнинг қатор вилоятлари - Марғиёна, Бактрия, Хоразм ва сакларнинг ерлари ҳам бор. Милoddан аввалги 530 йилда Куруш массагетлар юртига бостириб киради. Куруш томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши жараёнини уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси - Парфия ва Каспийбуйи саклари устига юриш; иккинчиси - Бактрия ва Амюргия саклари юртига юриш; учинчи - Хоразм ва массагетлар устига юриш. Парфиянинг қўшиб олиниши ва Каспийбуйи саклари устига юриш Мидиянинг тор-мор қилинишидан кейинрок бошланган еди. Аммо Бактрия ва Хоразмнинг қачон босиб олинганлиги ҳақида аниқ маълумотлар ёъқ. Ксенафонт Бактрия Куруш томонидан босиб олинди, десада, бу воқеа қачон юз берганлиги ҳақида лом-лим демайди. Шуниси аниқки, Мидия хукмдори Астиагнинг Куруш олдида таслим бўлиши Куруш билан Бактрия ўртасидаги жангнинг тезда тугашига олиб келди, деб ёзади юнон тарихчиси Ктесий.

Геродотнинг ёзишича, Куруш массагетлар устига юриш бошлаганида массагетлар маликаси Тўмарис уни бу ниятдан қайтишга, беҳуда қон тўкмасликка чакирган. Аммо ўзига бино қўйган Куруш ўз ниятидан қайтмаслигини билдиради. Шунда Тўмарис Курушга нома юбориб, жанг очик майдонда бўлсин, бунинг учун ё сен, ё мен ўз аскарларимизни дарёдан уч кунлик ёъл нарида тўплаб олиш учун бир-бирларимизга имкон берайлик, деб маслахат берган. Айёр Куруш ўз қароргоҳида катта микдорда вино ва кишини бадмаст қилувчи гиёванлар қолдириб чекинган. Бундан хабарсиз массагетлар Курушнинг қароргоҳида роса маишат

қилганлар. Массает навкарларига маликанинг ўғли, тажрибасиз, лекин жасур Спарганис бош еди. Маишат қилиш авжига чиққан пайтда Куруш ўз қўшини билан у ерга бостириб кириб, массаетларнинг бир қисмини кириб ташлайди, бошқа бир қисмини Спаргапис билан биргаликда асир олади. Кайфидан тушган шахзода қилмишига чидай олмай ўзини ўзи ўлдиради. Бундан хабар топган Тўмарис тезда янги кучлар тўплаб душман қароргоҳида бостириб киради ва конхур Куруш ИИ нинг калласини танасидан жудо қилиб, қон тўлдирилган мешга ташлайди. Аммо Курушнинг ўлими Ўрта Осиё халқларини Ерон ахамонийларига тобеликдан озод ета олмади. Курушнинг ўғли Камбис мамлакатда кўтарилган қўзғолонларни бостиришга улгурди, хатто у ўз отасининг жасадини қўлга киритиб махсус дахмага дафн етади.

Камбиснинг Бардия исмли иниси бор еди. Сарой фитнаси туфайли Камбис ўз укасини ўлдиради, лекин у бу воқеани халқдан яширган. Милоддан аввалги 526 йилда Камбис Мисрни истило етиш учун кетган вақтда Бардия ўлиmidан халқ хабар топади ва унинг ўлими билан боглиқ хар хил ривоятлар тўқилади. Милоддан аввалги 522 йилда Гаумата исмли зардуштийлар кохини бош кўтариб, "мен Курушнинг ўғли Бардия бўламан", - деб халққа мурожаат билан чиқади. Авом халқ Камбисдан айнаиб Гауматага қўшилади ва у Персидада хокимиятни қўлга олади. Бундан хабар топган Камбис тезда Мисрдан Еронга қайтади. Аммо ёлда номаълум сабабаларга кўра у халок бўлади. Шундан кейин Гаумата Бардия исми билан ўзини шох деб эълон қилади. Бардия хокимиятни қўлга киритиш жараёнида кенг халқ оммасига суяниб, аристократияга қарши чиққан еди. У аҳолини уч йилгача давлат солиқларидан ва харбий хизматдан озод етади. Бу хабар Ўрта Осиёга ҳам етиб келади. Бундан норози сарой аристократияси милоддан аввалги 522 йил 29 сентябрда Гауматани ўлдириб, ахамоний Доруш И ни тахтга қўяди. Бу хабар бутун мамлакатда кенг халқ оммасини қўзғолонлар қилишга отлантди. 30 сентябрда Марғиёнада Фрада бошчилигида қўзғолон кўтарилади. Бироқ, у 10 декабрь куни Доруш И томонидан шафқатиз равишда бостирилади. Доруш И нинг Бехустун қояларига биттирган китобасида Марғиёна қўзғолони хакида қуйидагилар ёзилган: "Шох Доруш айтди: Маргуш (Марғиёна) исмли мамлакат мендан ажралиб кетди. қўзғолончилар Фрада исмли Марғиёналик кишини ўзларига бош қилиб олдилар. Кейин мен Бактрия сатрапи хизматкорим Дадаршишга одам юбордим. Унга шундай дедим: Бор, мени тан олмаётган унинг лашкарларини янчиб ташла. Кейин Дадаршиш қўшин билан унинг устига юриш қилиб, Марғиёналиклар билан жанг қилди. Ахурамазда менга ёрдам қилди. Ахурамазданинг иродаси билан менинг қўшинларим душман кучларини янчиб ташлади. Кейин мамлакат яна меники бўлди".

Дадаршиш жангда уз қўшинларига асир олмасликни буюрган. Доруш И га қарши кўтарилган Марғиёна қўзғолони Ўрта Осиё вилоятларида ягона емас еди. Марғиёналиклар билан бир вақтда Парфияда ҳам кенг халқ оммасининг қўзғолони

бўлиб ўтди. Бу кўзғолон милoddан аввалги 521 йилнинг ёзигача давом етди. Доруш И даврида унга қарши саклар ҳам бош кўтарганлар. Бихустун ёзувларида Доруш И нинг саклар юртига уюштирган юриши хақида ёзувлар сакланган. Уларда айтилишича, Доруш И сакларни кувиб Орол денгизи сохилларигача борган. Саклар хукмдорини асир олган, бошқа бир Скунха исмли лашкарбошини сакларнинг ўзи Доруш И га топширган. Шундан сўнг саклар юрти Доруш И давлатининг таркибига кирган вилоятлардан бирига айланди. Бу воқеалар милoddан аввалги 520-528 йилларда содир бўлган еди.

Милoddан аввалги 522-521 йилларда бўлиб ўтган халқ кўзғолонлари Доруш И ни қаттиқ ички сиёсат олиб боришга мажбур етди. У хатто сарой аристократияси хуқуқларини ҳам чеклаб, мамлакатда мутлоқ хокимият тартибларини ўрнатди.

Геродотнинг хабар беришига қараганда, Доруш И ўз империясини алохида вилоятларга - сатрапликларга бўлиб идора қилган. хар бир сатраплик хар йили давлат хазинасига маълум миқдорда солиқ тўлашга мажбур еди. Солиқ миқдори одатда, кумуш таланда белгиланган. Бир талан 34 граммга тенг еди. Сатрапликлардан солиқ олишнинг ягона тизими ишлаб чиқилди. Унга кўра Доруш И олтин дарик танга бирлигини ишлаб чиқди. Бир дарик 8,4 гр. олтинга, 20 кумуш тангага, бир танга 5,6 гр. кумушга тенг еди. Олтин дарикни фақат шахоншоҳ, кумуш тангаси еса вилоят хокимлари ҳам зарб етиши мумкин еди.

Сатраплик тепасида хоким-сатрап турган. У чегарасиз хокимлик хуқуқига ега бўлиб, унинг қўлида харбий ва фуқаролик хокимияти жамланган. Сатрап ўз вилояти доирасида судьялик ва халқдан хар хил солиқларни ундириб олиш, ўз номидан кумуш ва мис тангалар зарб етиш хуқуқига ега еди. Одатда, сатраплик тепасида фақат ахамонийлар оиласига мансуб форслар турган. Сатраплар фаолиятини доимо назорат етиб туриш учун махсус амалдор-айғоқчилар тайинланган. Улар шахоншоҳнинг жойлардаги "кўз-кулоқлари" бўлган.

Ўрта Осиё худуди ахамонийлар томонидан 3 та сатрапликка бўлиниб идора етилган. Бактрия Марғиёна билан биргаликда 12-сатрапликни ташкил етган. У подшо хазинасига йилига 360 талант ўлпон тўлаган. Парфия, Хоразм, Сўғд ва Арея биргаликда 16-сатрапликни ташкил етган ва йилига 300 талант ўлпон тўлаган. Саклар ва каспийлар еса 15-сатраплик бўлиб, улар Доруш И хазинасига йилига 250 талант жарима тўлаган.

Урта Осиё ахосиси шахоншоҳ хазинасига хар йили тўлаб турган аниқ миқдордаги солиқлардан ташқари йирик давлат қурилишларида ишлаб беришга мажбур еди. Масалан, Персеполдаги шох саройининг қурилишида, Суза ва Екбатанадаги йирик иншоотларда ўрта осиеликлар ишлашга мажбур бўлишган. Доруш И нинг Сузадаги шох саройи қурилишида Бактрия, Сўғдиёна ва Хоразмдан келтирилган усталардан ва ишчи кучидан қул сифатида фойдаланилган. Бу

курилишларда Ўрта Осиёдан келтирилган материаллар ҳам ишлатилган. Сузадаги шох саройи, Бихустун китобасига кўра, Лидия ва Бактрия олтинлари билан безалган. Кўк тош (лазурит ва сердалик) Сўғдиёнадан келтирилган, феруза еса Хоразмдан олиб келинган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг катта қисми (Фарғона водийси ва Тошкент воҳасидан ташқари) милoddан аввалги ВИ-ИВ асрларда Ерон ахамонийларининг қўл остида бўлди. Фақат милoddан аввалги ВИ асрга келиб, марказий ҳокимият ўзининг аввалги мавқеини ёъқота бошлагач, унинг чекка ўлкаларидан айрим вилоятлар ахамонийлар таъсиридан чиқиб, мустақил ҳолда ички ва ташқи сиёсат олиб бора бошлаганлар. Ана шундай вилоятлардан бири сифатида Хоразм милoddан аввалги ВИ асрда тарих майдонига чиқди.

худди шунга ўхшаш ҳаракат Бактрияда ҳам юз берди. Бактрияда сатрапликка шох саройининг вакиллари - ахамонийзодалар емас, балки маҳаллий аристократия вакили қўйиладиган бўлди. Аммо Бактрия сатраплиги то бу ўлкага Искандар Зулқарнайн қўшинлари кириб келгунга қадар ахамонийлар сулоласига тобеликда яшади.

Мавзу: Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга истилочилик юришлари.

Режа:

- 1. Искандар Зулқарнайннинг Ўрта Осиёга истилочилик юришлари.**
- 2. Ерли аҳолининг ажнабий босқинчиларга қарши кураши.**
- 3. Македониялик Искандар давлатининг таноззулга юз тутиши ва бунинг сабаблари.**

Адабиётлар руйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат . Тошент. Ўзбекистон. 1993.
2. Каримов И.А. Шу азиз ватан барчамизники. Тошкент. Ўқитувчи. 1995.
4. Асқаров А.А. Ўзбекистон халқлари тарихи. Тошкент. Ўқитувчи. 1992.
5. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент. Ўқитувчи. 2001.
6. Азамат Зиё. Ўзбек дала тчилиги тарихи. Тошкент. Шарқ. 2000.
7. Гафуров Б.Г. Таджики. Душанбе. 1989.
8. Пьер Левек. Еллинистичэский мир. М. 1989.
9. Тревер К.В. Александр Македонский в Согде. В.И. 1947 №5
10. Бойназаров Ф. Антик дунё. Тошкент. Мехнат. 1989
11. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидаг лахлар. Тошкент. Ўқитучи. 1993.
12. Сагдулаев А. қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент. Ўқитувчи. 1996.
13. Сулаймонова Ф. Шарқ ва харб. Тошкент. Фан. 1997.
14. Шофман И.А. Македонский салтанатининг қулаши. қозон. 1989.
15. Шахермайер Ф. А. Македонский. М. 1984. Адабиётлар руйхати:

Искандар (милоддан аввалги 356-323 йиллар) қадимги дунёнинг йирик лашкарбоши ва давлат арбобларидан бири. У сиёсатда ўта ехтиёткор, ўта айёр ва хушёр давлат арбоби еди. У йирик лашкарбоши сифатида антик давр харбий санъатининг ривожланиш тарихида катта из қолдирди. Жахонгир янги тилдаги отлиқ қўшин тузди, унда жанговор интизом тартиб-қоидаларини ишлаб чиқди. Жанг қилиш усуллариини ишлаб чиқди. У тезлик, қатъийликни жангдаги ғалабани таъминлайдиган омиллардан деб тушунди. Мавжуд имкониятларни тугри тахлил қилиш, унга тўғри баҳо бера билиш, душманни яхши ўрганиш зарурлигини жанг қилишнинг асоси деб билди. Зарур пайтда у ехтиёткорлик чидам ва матонат билан иш тутди. У ҳеч қачон хушёрликни ўзидан тарк етмади. Унинг қўлга киритган ғалабаларининг боиси шундаки, у душманларининг бўш ва заиф томонларини яхши ўрганарди. У интизомли мунтазам қўшин ва жанговор қуроллар билан ҳар қандай заиф душманни ҳам, ўта хушёрлик айёрлик қаттиққўллик ва қатъиятлик билан кучли рақибни ҳам енгиб келди.

Искандар Ероннинг асосий вилоятларини босиб олгач, ўзининг босқинчилик юришларини давом еттириш мақсадида милоддан аввалги 329 йилнинг баҳорида хиндикуш тоғидан ўтиб, қадимга Бактрия тупроғига кириб келди. Бу пайтда Бактрия ҳукмдори (сатрапи) ахамонийлар уруғидан бўлган Бесс еди. У Доруш ИИИ ни захарлаб ўлдиришда қатнашган ва ўзини Артаксеркс номи билан подшо деб эълон қилган. Дастлаб бактриялик Оксиарт, суғдлик Спитамен ва форс Датафарнлар Бесснинг ниятини англаб етмай, у билан бирга бўлишди. Улар Амударёнинг Термизга яқин жойидан ўтиб, кўприк вазифасини ўтаб келган яккаю ягона кемани ёқиб юборишди ва Наутак (қашқадарё) томон чекинишди. Наутак қалъасида улар ўртасида низо чиқди. Чунки Бесс ўз иттифоқчиларига ахамонийлар зулмига ва Искандар хужумига қарши биргалашиб курашишга аҳд қилган еди. Аммо уни иттифоқчилари билан шохлар каби муносабатда бўлишга интилаётганини сезган Спитамен, Оксиарт ва Датафарнлар у билан алоқани узишди ва уни кишинлаб Искандарга топшириш ниятида еканликларини билдириш учун унинг қароргоҳига чопар юборди. Кишанланган Бессни қалъада қолдириб, ўзлари еса мамлакат ички раёнларига чекинишди. Спитамен ва унинг иттифоқчилари Бессни Искандарга топшириш билан душман истилоларини тўхтатмоқчи бўлишди. Чунки Искандар Еронга юриш бошлаганда, у ўз душмани Доруш ИИИ ни номардларча захарлаб ўлдирган Бессдан ўч олиш ниятида еканлиги эълон қилган еди. Бу Искандарнинг харбий юришларда қўллаб келган найрангларида бири еди. Буни Спитамен ва унинг тарафдорлари қанчалар туғри тушунса-да, Бесснинг ниятлари нақадар бузуқ еканлигини билгач, унинг бахридан ўтиб, ўзлари Искандарга чап беришди.

Искандар жангда ўта берахм еди. У Наукатдан чикиб Самарқандга юл олар екан, ёлда бир замонлар Ерон-Юнонистон урушлари даврида кўчириб келтирилган милетлик бранхид қабиласининг авлодларига дуч келади.

Тарихчилардан Арриан ва Квинт Курсий Руфларнинг хабар беришига қараганда, Искандар ва унинг қўшинлари ўз ватандоши сифатида хурсандчилик билан кутиб олишга чиққан бегунох бронхидларни қириб ташлайди ва уларнинг шаҳар ва қишлоқларининг кулини кўкка совуради. Юнонлар сўнгра Самарқандни егаллайди. Искандар у ерда кичик бир отряд қолдириб, ўзи Сирдарё томон шошилади ва у биринчи бор Уструшонада Самарқанд билан Хўжанд оралиғида тоғликлар қаршилигига учрайди. Бироқ Искандар тоғликлар билан бўлган жангда ўта шафқацизлик қилди. Аррианнинг ёзишича, у 30 минг маҳаллий аҳолидан 22 мингини қириб ташлайди. Асирга тушишни истамаган тоғликларнинг қолганлари ўзларини қоялардан ташлаб ҳалок бўладилар. Бу дахшатли воқеа Спитаменнинг "кўзини очди". У Искандар ниятларининг моҳиятини тўлиқ тушуниб етди ва унга қарши қатъий курашга отланди. Искандар тоғликларни қириб, тезда Сирдарё ёқасига чиқиб олди. Сирдарё бўйига Искандарга дустларча совға-саломлар билан Танаис (Сирдарё)нинг нариги томонидан тий-тарадарайя саклари вакиллари келади. Шунда Искандар сак елчиларини гаровда қолдириб, ўз яқинларидан бир кишини Танаис ортидаги саклар юртига уларнинг урф-одатлари, кучи билан танишиб келиш учун юборди. Худди шу пайтда Искандарга Самарқанддан чопар келиб, Сўғдда унга қарши Спитамен бошчилигида кўзғолон кўтарилганини хабар қилади. Спитамен Самарқандни егаллаб, Искандарнинг у ерда қолдирилган лашкарларини қириб ташлайди. Бундан хабар топган Искандар тезда Самарқандга қайтади. Хўжанд қалъасида қолдирилган, гаровда ётган саклар бош кўтарадилар ва юнон қўшинлари қириб ташланади. Самарқанд кўзғолончиларига Бактриядан ёрдам келади. Воқеалар тахлили шуни кўрсатадики, саклар, сўғдлар ва бактрияликлар олдиндан бир вақтда бош кўтаришга келишиб олишган кўринади. Худди шу воқеалардан бошлаб Спитаменнинг номи Искандар ва унинг қўшинлари учун дахшатли бўлиб қолди.

Спитамен раҳбарлигида македониялик босқинчиларга қарши халқ ҳаракати бошланиб кетди. Искандарнинг режалари чиппакка чиқди. Спитаменнинг кўнгилли жангчилари айёр ва кучли душманга қарши очик курашга отланди. Агар Спитамен авваллари Искандарга Турон халқларини форс зулмидан озод етувчи халоскор сифатида қараган бўлса, энди уни Турон халқининг айёр ва кучли душмани эканлигини ҳис етди. Искандар милоддан аввалги 329 йили Бактрия ва Сўғд ерларига қириб келганда маҳаллий аҳолига итоаткор қул сифатида қараган еди. Унинг ниятини Турон заминнинг барча халқи тушунди. Вазиятнинг жиддийлигини тушунган Искандар дарҳол Бактриянинг бош шаҳри Бақтрада (юнонча Зарисп, форсча Балх) барча епархларни йиғиб қурултой чақирди. Маҳаллий аслзодалар Искандарнинг ниятини дарҳол тушундилар ва барчани кўзғолонга тайёрлади. қурултойнинг асосий мақсади Ўрта Осиёда юнонлар ҳукмронлигини мустаҳкамлашга қаратилган еди. Бироқ, унинг очилиши олдиндан, "Искандар қабила бошлиқларини Зариспада йиғиб, сўнгра ёъқ қилиб юбориш

ниятида емиш" деган гап тарқалди. Бунга жавобан қурултойнинг очилиш куни қўзғолоннинг бошланишига сигнал бўлди. Диодорнинг хабарига кўра, қўзғолоннинг биринчи босқичида "Искандар қўзғолон кўтарган сўғдийларни енгиб, 120 минг ахолини қириб юборди, унинг иккинчи босқичида" у Бактрияликларга жазо бериб, сўғдийларни қайтадан ўзига бўйсиндирди ва жойларда қалъалар барпо етди: қўзғолоннинг учинчи босқичида "қўзғолон кўтарган сўғдийларнинг тоғларга қочиб яширинганлари асирликка олинди".

Ўрта Осиёдаги харбий вазият Искандар учун жуда мураккаб еди. Сирдарёда саклар тўпланиб, жангга шай туришди. Самарқанд Спитамен томонидан қамал қилинди ва юнон қўшини янчиб ташланди. Искандар Сирдарёда иккинчи маротаба ярадор бўлди. У маҳаллий тилни яхши билган Фарнухни Самарқандга юборди. Ўзи еса дарё орти саклари билан жанг қилди. Сакларнинг қаршилигини қайтариб туриш мақсадида Сирдарё соҳилида 17 кун ичида мустахкам мудофаа девори билан ўралган қалъа қурдирди. қалъага "Александрия Есхата", яъни "Олисдаги Александрия" деб ном қўйди ва унга юнон қўшинларини, касалларни, ярадорларни, болалар ва кексаларни жойлаштирди. Саклар подшоси буни англаб, Искандар истехкомига қарши ўз кишисини катта қўшин билан юборди. хужумни биринчи бўлиб Искандар бошлади. Жанг қаттиқ бўлди. Саклар Искандар сиқувига бардош бера олмадилар. Искандар унинг қўшинлари орасида ич кетиш касали авж олган еди. Вазият Искандарни ўз қўшинлари билан Александрия Есхата қалъасига қайтишга мажбур етди. Кўп ўтмай, сакларнинг елчилари келиб, ундан кечирим сўрайди. Искандар еса уларни хайрихохлик билан қабул қилди. Унинг мақсади саклар билан муносабатни яхшилаш еди.

Бироқ Сўғдиёнадан, Самарқанддан келган нохуш хабарлар Искандардан Самарқандга тезда қўшимча қўшин юборишни тақозо етар еди. Спитамен Самарқанд қамалини тўхтатиб, ғарбга томон, Бухоро яқинидаги шох шахрига кетади. Худди шу пайтда Искандарнинг харбий бошлиқлари орасида бахслар давом етарди. харбий бошлиқлардан бири Каран бўлиб, унинг бебош аскарлари Спитамен йигитлари томонидан қириб ташланди. Спитамен Бухоро яқинидаги ғалабадан илхомланиб, дах қабиалари билан биргаликда яна Самарқандга ёъл олди ва у ердаги македонияликлар истехкомини қуршаб олди. Бу нохуш хабар Искандарни қаттиқ безовта қилди. У дарё орти саклари билан музокараларни тезда тугатади. 4 кундан кейин Спитамен шахар қамалини тўхтатиб, яна орқага чекинди. Искандар еса уни Бухоро яқинидан қизилқумнинг ички даштликларига қадар таъкиб қилиб борди. қайтишда ёъл-ёълакай барча шахар ва қишлоқларни ёндирди, дала ва боғларни поймол етди. Тарихий манбаларга кўра, у 120 мингдан ортиқ қўзғолончи ва маҳаллий катта қисмини қириб ташлади.

Искандар Самарқандда 3 минг лашкардан иборат қўшинни қолдириб, ўзи Зариаспга қишлаш учун жўнаб кетди. Шундай қилиб, миллий озодлик қурашининг биринчи босқичи якунланди. Буларнинг барчаси милоддан аввалги

329 йилнинг бахоридан то кузигача давом етди. кўзғолончиларнинг асосини туб аҳолининг ўтроқ қисми ташкил қилди. Кўчманчи саклар еса уларни кенг кўламда кўллаб-қувватладилар.

кўзғолоннинг иккинчи босқичи милоддан аввалги 328 йилнинг қиш фаслида бошланди. худди шу вақтда Искандар Зариспада Бактрия епархларининг (хокимларининг) курултойини ўтказаетган еди. курултойда Бессни суд қилишди. Босиб олинган вилоятларни қандай қилиб бошқариш масаласи хам кўрилди. Искандар ғарбдан қўшин чақирди ва Непарх бошчилигида ёрдамчи кучлар етиб келди. курултойга Оврупо скифларидан Искандар билан харбий иттифоқ тузиш мақсадида катта совға-саломлар билан елчилар келишди. Улар Искандарга скиф маликасини хотинликка таклиф қилишди. Катта совға-саломлар билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш учун қадимги Хоразмдан 1500 отлик аскарлар билан елчилар хам келишди. Хоразм подшоси Фарасман елчилар орқали Искандар рози бўлса, унга қора денгиз бўйи скифларига қарши харбий юришларида амалий харбий ёрдамга тайёр еканлигани изхор етади. Жахонгир уларга миннатдорчилик билдириб, у хиндистон томон юриш қилиш ниятида еканлигини баён етади.

Искандар курултойда мамлакатни бошқаришда сатрапликлар тизимини қолдиришни маъқул топди. Аммо сатрапларнинг пул зарб етиш ва ўз ихтиёрларида ёлланма қўшин саклашга ҳаққи ёъқ еди. Искандар сатрапликларда македонияликлардан ўз назоратчиларини кучайтирди. Сатрапликларда молиявий ишлар билан шуғулланувчи махсус жавобгар кишилар сакланди.

Милоддан аввалги 328 йилнинг бахорида Искандар жанговор Сўғдликларни батомом таслим етиш учун Сўғд юртига яна қўшин тортди. Сўғдликлар еса мустахам қалъаларга жойлашиб, юнон сатрапликлари махкамаларига хужум қиладилар. Искандар ўз қўшинларини 5 та отрядга бўлиб, бутун Сўғд бўйлаб унинг шаҳар ва қишлоқларини қиличдан ўтказиш режасини ишлаб чиқди. Сўғд ва Бактриядаги қишлоқ ва шаҳарлар хар хил ёъллар билан босиб олинди. Искандар Самарқандга алоҳида отряд юбориб, унинг қўлга киритган хар бир парча ерига юнон мустамлакачиларини жойлаштиришни топширди. Аммо Спитамен хам қараб турмади. У Искандар қўшинлари қаршисида кутилмаган пайтда пайдо бўлиб, унга зарба берар, яна яшириниб ғойиб бўларди. Спитаменнинг харбий тактикаси айёр Искандар ва унинг қўшинларини ғафлатда қолдирди, Искандарнинг айғокчилари Спитаменнинг мамлакатнинг шимолидаги массагет ва дахлар жамоасида улар билан бирга яна босқинчиларнинг асосий қўшинларига каттиқ зарба беришга тайёргарлик кўраётганлигидан хабар топади. Искандар унинг устига ўзининг тажрибали лашкарбошиларидан иккитасини қўшин билан юборади. Аммо устамон Спитамен кутилмаганда 600 отлик йигитлари билан енди Бактрияда пайдо бўлади ва Зариспага хужум қилади. Кратер рахбарлигида тезда у томонга кучли қўшин юборилади. Бундан хабар топган Спитамен енди чўлга чекинади ва кутилмаганда Сўғд истехкомларидан бири, массагетлар юртига яқин

жойлашган Бага қалъасида пайдо бўлади.

Аррианнинг хабар беришича, Спитамен 3 минг камбағал массагетларни Искандарга қарши қўя олди. Аммо харбий кучлар тенг бўлмаган жангда у енгиледи ва 800 та суворийини ёъқотади. Жангда омон қолган суворийлар еса уни тарк этади. Юнон тарихчиларининг маълумотига кўра массагетлар ўша жангдан кейин Спитаменнинг бошини танасидан жудо қилиб, Искандарга юборган. Квинт Курсий Руф еса у ўз севимли хотинининг қурбони бўлганлигини, унинг оиласи Спитаменни Искандарга таслим бўлишга кўндира олмагач, уни уйқусида калласини олиб, Искандарнинг қароргоҳига олиб борганлигини таъкидлайди.

Спитаменнинг ўлими Сўғд халқининг душманга қарши миллий озодлик курашининг иккинчи босқичида хотима бўлди. Спитамен курашининг иккинчи босқичида ерли ўтроқ аҳоли гарчи Искандарнинг сатрапликларига бўйсунитдан бош торца-да, босқичиларга қарши жангларда фаол қатнашмади. Озодлик урушининг иккинчи босқичи давомида Спитамен кўчманчи дахлар, массагетлар ва бошқа сак қабилаларидан ташкил топган кўнгиллиларга суянди. Бу даврда Искандар Сўғд ва Бактриядаги барча қалъаларни вайрон қилиб, уларга юнон лашкарларини жойлаштирди. Улар Искандарнинг жойлардаги "кўз-қулоғи" ва таянчи еди. Шундай қилиб, Искандар Сўғдиёнани иккинчи марта ўзига бўйсундирди.

